

Тоғай Мурод

# ҚУШИК

Қиссалар

Тошкент

Ғафур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1987

Ўз2  
M 80

**Мурод, Тоғай.**

Қўшиқ: Қиссалар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.—144 б.

Истеъодли ёзувчи Тоғай Мурод ўзининг мазкур қиссаларида она юрти бўлмиш Сурхон воҳаси одамларининг мардана феъл-атвори, ўй-хаёлларию орзу-умидлари, муҳаббатларини, ўзларига хос руҳияти ҳамда характерларини бадний ифодалайди.

Мурад, Тагай. Песня жизни: Повести.

M 4702570200—159  
M 352 {04}—87

h.  
НР

Ўз 2

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й,



## ДАВРА

### I

— Одамлару одамлар, тоғда биттан бодомлар, эшиитмадим деманглар! Бугун ҳа-а-амма Зулфиқор полвонникига түйга!

Егар қошига түн солиб олган жарчи гузарма-гузар от ўйнатиб, Хўжасоат қишлоғи аҳлини түйга чорлади. Ҳиёл ўтмай, түй бекаси отда эшикма-эшик юриб, хонадонларни алоҳида-алоҳида айтиб чиқди. Хонадон бекалари, қуруқ кетманг, дея эгар қошига түн илдиллар. Түй бекаси уларга:

— Илойим, сизниям түйга етказсин,— дея тилак тилади.

Сўнгра Зулфиқор полвон от миниб, одамларни ўз номидан айтди. Элнинг кўнгли нозик-да. Түй бекаси айтган бошқа, хўжаси айтган бошқа.

### II

Чошгоҳда аёллар бўғирсоқ, қатлама, ширгуруч кўтариб, эркаклар қўй, тана етаклаб түйга кела берди.

Том устида ёнбошлаб ётган Наби оқсоқол түйхонадаги воқеалардан кўз-кулоқ бўлиб, тегишли йўл-йўриқлар бериб турибди. Айниқса келаётган меҳмонларни эътибордан четда қолдирмайди. Меҳмонлар кўча бошида кўриниши биланоқ Наби бекеоқол овозини қўйиб дейди:

— Э, келинглар, меҳмонлар, кела беринглар! Мингой байча<sup>1</sup>, аёлларга пешвоз чиқиб, қўлларидан дастурхонни олинг! Қаранг, Зулфиқор полвоннинг ошнаси Турдибой эчки етаклаб келяпти! Анави қўй етаклаб келаётган куёви Қурбонмикин? Ҳа, шуякан! Ашурбой, қўйларни ушлаб, оғилхонага қаманг!

Тўйхонада ўйнаб юрган болалар эшик олдига чошиб келди. Меҳмон аёллар сочқилар сочди. Ёнроқ, писта, майиз... Болалар қўлларини чўзиб сапчиб, сочқиларни илиб олди. Ерга тушганинг талашиб-тортишиб териб, қўйниларига солди. Икки бола юмалаб бораётган ёнроқни қувиб кетди.

Болалар тўда-тўда бўлиб ёнроқ, ошиқ, шумшак, қулоқ чўзма, дўл, фирбайди, чиллак, зувиллатар ўйнади...

### III

Холбой сурнайчи том устида ёнида икки доирachi билан мумтоз оҳангларни тарона этди.

Тўйхонада дошқозон осилди. Хизматчилар қур бўлиб ўтириб сабзи тўғради. Олти қанотли қора ўтов чангфароғидан самога зангори тутун ўрлади. Ўтудан зифир ёққа қовурилаётган гўшт ҳиди келди. Ана, бир отлиқ бошсиз улоқни тақимига босиб тўйхонадан чиқди.

Наби оқсоқол:

— Одамлар, Оқжарда кўпкари бўлади! Ана, улоқни олиб кетди! Хоҳлаганлар борсин! Эсларингда бўлсин, кечаси олиш бўлади, эртага яна кўпкари. Пиёда кўпкарисиям бор! Эртага пиёда пойгаям бўлади, ҳа!

Эркаклар кўпкарига кетиб, кунботарда қайтди. Қур бўлиб ўтириди. Палов сузилиб, учовора бир тобоқ бўлди.

### IV

Хуфтонда аёллар гулхан ёқиб, давра қурди. Даврада чирсиллаб ёнаётган шувоқдан кўкка буралиб-буралиб олов ўрлади. Шувоқ ҳиди димоғларни қитиқлади. Болалар давра теварагида қувалашиб...

Беш-олти бола жам бўлиб, бир уй иича ерни айланана қилиб чизди. Бу — гир. Бирор сонни белгилашиб,

<sup>1</sup> Хон, ой, гул маъносида.

бирови болаларни уч айлантириб санади. Охирида мўлжалдаги сонга тушгани гирда қолди. У гир ичида энгашиб, кўзларини қўллари билан яшириб турди. Болалар ҳар тарафга сочилиб, яшириндӣ. Гирда қолгани уларни излади. Гирдан ҳам огоҳ бўлди. Ким унинг кўзини шамфалат қилиб, эпчиллик билан гирга чопиб кирса, у ғолиб саналади. У, аёллар орасида бир бола мўралаб турганини сезиб қолди. Уни даврани гир айлантириб қувди. Бола ушлатмай, гирга қараб қочганда қўлга тушди. Бу орада бошқа болалар гирга тўпланди. Энди қўлга тушгани гирда қолиб, болаларни излади. Бу — яшинмачоқ ўйини.

## V

Шундай қилиб, болалар давра теварагида қуваллашиб, яшинмачоқ ўйнади. Аёллар доирани елпиб-елпиб, ҳалқачаларини шилдиратиб-шилдиратиб оловга тоблади. Даврада чанговуз бўзлади:

— Биёв-биёв-биёв!

Бир қиз олов гирдида бармоқларини қирсиллатиб, чанговуз нағмаларига хиром этди. Даврада икки гўзал эшилиб-эшилиб, тўлғаниб-тўлғаниб ўйнади: бири олов, бири қиз!

Аёллар нағмаларга ҳамоҳанг чапак чалиб, жўшиб қийқирди:

— Қиштала-киш, қиштала-киш, ҳай-ҳа-а-а-ай!

— Ҳа, бўйингдан момонг айлансин, ўйнай бер, ўзим келин қиласман!

Ўйнаган ўйнаб, ўйнамаган тўн ёпди.

Бўйдоқлар даврага ўғринча қараб, қайлиқ тандади.

## VI

Тўйхонанинг кунчиқаридаги қисирпояда болалар икки тарафга бўлинди. Биринчи тараф тескари ўгирилиб, кўзларини чирт юмиб турди. Иккинчисидан қулочи каттарори молнинг бир қаричча оппоқ суюгини қулочкашлаб отиб юборди. Суяк тушган ердан чанг кўтарилиди. Улар, бўлди, дегач, рақиблари ўгирилди. Ҳар тарафга ёйилиб суюкни излаб кетди. Суяк отган болалар қаторлашиб ўтириб, уларни кутди.

Болалар сүякни излай бериб охир топдилар. Агар тополмаганларида сүякни отган болаларнинг ўзи топиб ота бериб, уларни сарсон қиласарди. Энди сүяк отиш гали уни топиб келганларга.

Буни оқсуяк ўйини дейдилар!

## VII

Тўйхона ёнидаги ҳовлида эркаклар давра қурган. Бунда олишув бўлади. Давра устидан сим тортилиб, электр чироқлари осилгаи. Полвонлар яланг оёқ олишаётгандаридан оёқларига зах ўтмасин учун даврага сомон сепилган.

Давра четида ёниб бўлган олов чўғи яшнайди. Полвонлар совуққа қотганда шу чўққа исинади.

Тун совуқ, совуқдан қор ҳиди келади. Одамлар жушикиб:

— Уҳ-уҳ, қорнинг совуғи-я,— дейди.

Дарҳақиқат, Керагатоққа биринчи қор тушди. Қорли чўққилар ойдинда элас-элас оқариб кўринади. Тоғ ўнгирода телевизор станийаси чироғи ёнади. Адоғроқдаги тўда чироқлар Вахшивор қишлоқлари. Тўхтамиш, Чуқуробшир, Чинор, Лўкка, Зардақул, Бодхаро...

Ой қишлоқ устида осилиб қолган. Юлдузлар ғужгуж.

Давра айланасига гилам, кўрпачалар тўшалган. Меҳмонлар ҳали келмаган.

Тўрда ўтирган колхоз раиси:

— Қулмат, қўшхоналарга<sup>1</sup> бориб, меҳмонларга хабар бер! Олиш бошланди, де! Чоп, зувиллаб бориб, зувиллаб кел!

Кўп ўтмай, меҳмонлар кела бошлади. Давра тўлиб, жой етишмай қолди. Бирорлар давра сиртидаги машиналарга чиқиб ўтириди. Кўпчилик тик турди. Даврага қарашга бўйи етмаган болалар дараҳт шохлари айрисига, деворларга миниб ўтириди.

Колхоз раиси бош баковул бўлди. Унинг олдида турли-туман рўмол, гилам, калиш, чопонлар. Баковулнинг орқа тарафида тўй хизматчилари ғунажни, қўй, эчкиларни ушлаб турибди. Булар совринлар.

<sup>1</sup> Узоқдан келганлар қўнган хонадон.

## VIII

Давра сукутда. Бош баковул ўрнидан туриб даврага мурожаат этди:

— Одамлар, узоқ-яқиндан келган ҳурматли меҳмоклар! Мана, жамоа жам бўлди, олишни бошласак ҳам бўлаверар. Бугунги даврамизда воҳамизга донғи кетган Бўри полвон ўтирибди. Даврага баковуллик қилишни шу кишига топширсак, нима дейсизлар?

Давра:

— Матькул, полвон бованинг суюклари даврада қотган!

— Қани, полвон бова, даврага чиқинг.

Одамлар орасида ўтирган Бўри полвон ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўйди:

— Одамлар, шунчалик иззат қилганларинг учун қуллук! Энди, биз қариб қолдик...

— Полвон бова, элнинг сўзини ташламанг!

— Эл атайлаб сизга юз солди-я!

Бўри полвон чиқа бермагач, раис ўзи бориб уни олиб келди. Бўри полвонга Хотам полвон чиқди. Улар бош баковул қаршисига чўқкалаб ўтирди. Баковул соврин айтди:

— Сизларга энг яхши тўн қўйилди...

Оқсоқол полвонлар гўё чиппа-чиндан олишиб, даврани бошлаб беришлари лозим.

Бўри полвон калишини ечиб, маҳсичан бўлди. Қора чопонининг ўнгирларини қайриб, белбоғига қистирди. Салласини бостириброқ кийди. Кенг ҳам дўнг пешонасики, туртиб чиқсан ёноқларини, чўзиқ жаги, така соқолини силади. Даврани айланиб, кафтларини туфлаб ҳўллади-да, Хотам полвонга қараб қулочини кенг очди. Унинг ёқасидан ушлаб, бир-икки силкиди. Сўнг авайлаб чил<sup>1</sup> берди:

— Ё, пирим!

Одамлар қарияларга қараб жўшиб кетди:

— Ҳа-ҳа, бўш келманг, полвон бова!

— Э, бўлди-е, чарчаб қолдиларингиз!

— Полвон бова, ундаи чил берманг-э, Хотам полвонга танисоғлик керак!

Оқсоқоллар қўйиб юборишиб, бош баковул олдига келдилар. Баковул уларнинг белига биттадан тўнлик бекасам boglab:

<sup>1</sup> Ҳадис.

— Бали, кучларингиз баробар экан! — деди.  
Оқсоқоллар бўш келмади:

— Э, нималар деяпсиз, раис бова, ўнгимга келган эди-ю, Бўри полвоннинг бирон ери лат емасин, дедим-да.

— Нима-нима? Уккағар Ҳотам полвон-э! Сизга ўхшаганларни манави чиначоғим билан йиқитаман, ҳа!

Шундай қилиб, аждодлар удуми бажо келтирилиб, ёшларга йўл очилди: оқ йўл, ёшлар!

## IX

Бўри полвон давра айланиб, одатдагидек, барчага мурожаат этди:

— Халойиқ, даврада ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатайлик! Ҳақ-ноҳақни мен ажрим қиласман. Айтганим айтган, деганим деган! Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафкашлик, фирромлик, ошина-оғайнигарчиликка йўл қўймайман!

Бўри полвон теваракка аланглаб, раиснинг қунишиб ўтирган беш-олти ёшлар чамасидаги ўғлини кўриб қолди. Уни қўлидан етаклаб келди.

— Отингиз нимайди, полвон?

— Шукуй.

— Э, яшанг, Шукур полвон! Болалар, манови Шукур полвон билан олишадиган мард бўлса ўртага чиқсин!

Телпагининг қулоқларини тушириб олган бир бола чиқиб келди. Кетидан отаси қичқирди:

— Полвон бова, манови Эрмат полвонни бир сипаб кўринг!

Бўри полвон унинг ҳам қўлидан ушлади:

— Эрмат полвон, сиз манови Шукуй... эй астағ-фирулло, Шукур полвон билан олишасизми? Узи, юрак урялтими? Э, бали, гап бундай бўлти-да. Қани, юринглар. Раис бова, манави полвонларга дўржироқ зот қўйинг, келбатидан икковиям катта полвонга ўхшавти!

Полвончалар бош баковул рўпарасига чўккалади. Баковул:

— Сизларга ўзларингиз боп бир тўи, бир сўм пул қўйилди... Яхшироқ олишсаларинг яна бир соврин қўшамиз! Ечинмасдан олиша беринглар, кун совуқ.

Болалар давра айланди. Бироқ чаппа тарафдан. Одамлар гурр этиб кулиб юборди.

Бўри полвон уларни тўхтатди:

— Э-э, манови тарафдан айланинглар! Кулманг, халойиқ, полвонлар ғайратига чидай олмай шошиб қолди. Полвон — шундай-шундай қилиб полвон бўлади-да!

## X

Болалар даврани икки айланиб, қўл бериб кўришиди. Шукур полвон чопонининг ўнгирларини қайириб, белбоғига қистирди. Энкайиб, ўнг қўлини олдинга сермаб ташлаб бора берди. Эрмат полвон иштонини юқорига бир кўтариб қўйиб, уям қуличини сермаб кела берди.

— Ҳа, қуличгинангдан, полвончалар!

Шукур полвон ўнг қўли билан Эрматнинг ёқасидан, чап қўли билан билагидан ушлаб, икки оёғига қўшиб чил берди. Шукур полвон йиқитаётуб эди-ю, ерга оғиш вақтида ўзими эплай олмай, икковиям баравар йиқилди.

Одамлар:

— Бекор, ит йиқилиш<sup>1</sup> бўлди. Бошқатдан олишинглар!

— Шукур полвон, қаттиқ-қаттиқ чил беринг! Ким айтади сизни раиснинг ули деб!

— Эрмат полвон, кўп шалпайманг, дадил бўлинг!

Шукур полвон йиқитдим, деб ўйлаб, бош баковул қошига ўтириди. Эрмат давра ўртасида чопонига илашган сомонларни қоқиб, Шукур полвонга, сўнг Бўри полвонга анграйиб қараб:

— Фирром, мен йиқилмадим,— деди.

Бўри полвон Шукурнинг елкасига қўлини қўйди:

— Полвон, йиқитолмадингиз, бошқатдан олишинг. Елкангизни кўп силтаманг. Ё отангизга ишоняпсизми? Отангиз идорага раис, даврага Бўри полвон раис! Туриңг!

Шукур полвон қовоқ-тумшуқ қилиб, отасининг ёнига бориб ўтириди. Бўри полвон унинг пешонасини си-лаб, сўйди:

— Шайтонга ҳай беринг, полвон, чиқинг энди. Айланайин полвонимдан...

<sup>1</sup> Икки полвон баравар йиқилса, ҳеч ким ғолиб бўлмайди.

Шукур пөлвон ийиб, яна даврага кирди. Бу сафар Эрмат полвон энкайиб келиб, Шукурнинг қўлтиқлари остидан кириб кўтармоқчи бўлди. Шукур полвон унинг бошини кўкраги остига қисди. Қўлларини қўлтиридан ўтказиб ушлаб ётиботарга олди: ўзи бирдан орқага ётиб қолиб Эрматни устидан ошириб отмоқчи бўлди. Бироқ ўзи остида қолди. Бўлди кулги!

Шукур полвонга алам қилди. У Эрматга қўлини мушт қилиб кўрсатиб:

— Сен билан янаги тўйда курашаман,— деди.

Эрмат полвон баковулнинг рўпарасига ўтириши билан бир талай бола гурр чопишиб унинг ёнига чўккалади. Шукурга тарафкаш болалар бир-бирига сўз бермай талашиб, баковулга эланди:

— Бова, Эрмат полвон билан мени олиштиринг, у қалин ошнампи йиқитди!

— Йўқ, Эрмат полвон билан мен олишаман. Шукур холамнинг ули!

— Бова, Эрмат полвонга мени чиқаринг, Шукур бизнинг ҳамсоямиз!

Даврага яна бир бола — Холёр полвон чиқиб келди. У Шукур полвоннинг бир ёш катта акаси. Холёр полвоннинг ҳаяллашига сабаб — у тут шохидаган эди. Ерга тушиб, даврага киргунча вақт ўтди.

Масалани Бўри полвон ҳал этди:

— Раис бова, Холёр полвонга рухсат беринг, укасининг ори учун олишсин! Минг қилсаям эмчакдош-да!

## XI

Зўрдан зўр чиқиб, олиш катталашди. Гал мактаб ёшидаги болаларга, кейин ўсмирларга етди. Бир полвон йиқилса, унинг орига ошнаси ёғайниларидан чиқади. Қони тортади-да...

Ор-номус учун кураш болаликдан бошланади.

Қишлоқ одамлари ўзаро олишади. Бордию четдан полвонлар келган бўлса-чи? Унда қишлоқнинг жами полвонлари бирлашиб, улар билан курашади. Одамлар киндик қонлари томган ер шон-шарафи, орияти учун олишади.

Ватан — киндик қонъ томган ердан бошланади!

Бу даврада қишлоқнинг барча полвонлари бир тараф бўлади. Негаки, ўзга районлардан полвонлар кўп келган. Полвоннинг тўйи-да! Кимсан — Зулфиқор полвон тўй қилянти!

## XII

Бўри полвон қўлларини орқасига қилиб давра айланди. Четдан келган полвонларга назар солди: манави ўтирганлар сариосиёликлар, термизликлар ҳам бор. Булар ўзимизнинг Денов полвонлари. Пичирлашиб гаплашаётганлар ким бўлди? Ҳа-а, жарқўрғонликлар. Манавилар эса шўрчиликлар. Ўртада чордана қуриб ўтирган мўйлов — Рўзи полвон. Яқинда бизнинг полвонлар уларни ўз уйларида мағлуб этиб келди. Кўриниб турибди, шўрчиликлар аламзада. Демак, олиш зўр бўлади. Биринчи кимдан бошласин? Меҳмонларни бир-бирлари билан олиштирсамикин? Иўф-э, давра ўзиники — эп бўлмас. Яхиси, ўзларидан кимдир чиқиб бошлаб берсин.

У деворнинг нарёғидаги рўмолли бошларни кўриб қолди: қизлар курашни томоша этаётган эдилар.

Бўри полвон овозини кўтариб деди:

— Ай қизлар, девордан кўп бўйлаб берма, полвонларнинг хаёlinи бўласан! Бор, ўсмангни қўй!

Рўмолли бошлар гойиб бўлди.

Бўри полвон ўйлаб қараса, воҳанинг деярли барча зўр полвонлари жам бўлибди. Улар катта ниятлар билан келган. Ниятлари ўзларига эш бўлсин!

Хўш, барча меҳмонлар хўжасоатлик полвонлар билан олишадими ё районлар ўзаро олишадими? Яхиси, районларни бир-бири билан олиштирган маъқул. Турган гап, шўрчиликлар фақат хўжасоатликлар билан олишади. Хўжасоатлик полвонлар буни биладими?

Бўри полвон қишлоқнинг энг эўр полвонларини излади. Улар ҳар ерда сочилиб ўтирибди.

У ачиниш билан шуни ҳис этдики, инсон қанчалик одил, танти бўлмасин, бари бир ўз юрти, элига тортар экан...

У даврадан чиқиб, оқсоқоллардан Амир полвонни тирсагидан четга тортди:

— Полвонларинг ҳар ерда ўтлаб юрибди, у нима ўтириш? Менга қара, зўр-зўрларини бир ерга йиғ. Шўрчиликлар кепти... Тушундингми? Ўзинг бош бўл. Қурга тартиб билан чиқар. Шошма, етти ўлчаб, бир кес, шўрчиликларнинг ўнги-чапига эътибор қил. Қайтариб айтаман, фақат шўрчиликларга кўз тикинглар. Бинойими?

— Бинойи, полвон бова, бинойи.

— Бир-икки дадилроғи билан бизнинг Тиловбердини давра охирига асра. Йўғон чўзилиб, ингичка узилганда кунимизга ярайди. Яна ким бор?

— Шу, Бакирбойнинг Самарқандда ўқиётган Жонибек ули келган. Яхши олиши бор-да. Ўтган йили келганда Сариосиёни мом<sup>1</sup> қилган эди.

— Унинг келганини кўпчилик билмайди-я? Маъқул. Айт, том устига чиқиб, ўзини яшириб ўтирсин.

— Ҳай.

### XIII

Бўри полвон даврага кирди.

Ана, Максим полвон, Алимардон. Шоди, бу... Бўри полвон беихтиёр тўхтади. Жуда таниш юзга кўзи тушди. Бу ким бўлди экан? Эслолмади. Ҳайрон бўлиб яна қаради. Бармоқлари билан кўзларини уқалаб тикилди. Ўша юзни аниқ кўрди. «Ё тавба,—деди пичирлаб.—Худди Насимга ўҳшайди-я. Ё чини билан Насиммикин? Йўғ-э, у кўпкарида отдан йиқилиб бир кўзи ожиз бўп қолган, деб эшишиб эдим. Бунинг икки кўзиям... Тағин бир қарайин-чи!..»

Ҳа, бу Насим полвон эди!

Насим полвон даврага қарайтими ё узоқларга назар соляптими, билиб бўлмас, бошини тик тутганча кўзи ожизларга хос, шоирона ўтирибди.

Бўри полвоннинг кўнгли уюшиб кетди. Насим полвонга жуда-жуда раҳми келди. Қулочини кенг очиб: «Насим ошна!»— демоқчи бўлди. Аммо кўнглининг туб-тубида яшириниб ётган нимадир... нимадир... бу истагини рад этди.

У бошини маъюс эгиб, бурилди. Бир қадам босиб елкаси оша яна қаради. Даврадаги овозларни эшифтмай, одамларни деярли кўрмай қолди. Унинг кенг елкаларидан нимадир босар, нима бўлса ҳам жуда оғир, зилдай оғир эди. У мадори қуриб, кўзи тиниб, қур четига ўтирди. Ёнидаги одамга ўгирилди:

— Тўра оқсоқол, Насим полвоннинг кўзи...

— Бечора отдан ёмон йиқилган экан, зарбидан бу кўзиям оқиб тушибди.

— Ёпирай, эшифтмаган эканман, туф-туф-туф...

— Фалокат-да.

Бўри полвон ўнг кафтини тиззасига қўйиб, чироқ ёруғида йилтираётган осмонга тикилиб қолди. Беғу-

<sup>1</sup> Даврани қойил қилган ғолиб.

бор болалик, бебош ёшлик яқин олисларда... яқин олисларда — сочларнинг оқи, юзларнинг бужури, кўзларнинг нури, кўнгилнинг туб-тубида қолди...

1

Оlam кўм-кўк. Falak зангори.

Қишлоқ этагидаги подаёток тумонат одам. Улар пода йўлига чиққан. Тўда-тўда эркаклар гурунглашади. Тошларга чўнқайиб ўтирган момолар урчуқ йигиради. Аёллар аёлларнинг ғийбатини қиласди. Ўсмирлар давра қуриб кураш тушяпти. Болалар кўнгилларига ёққан ўйинларни ўйнайди. Бир гурӯҳ бола маяк уриштиряпти.

— Тут, тут нишини!

— Сен тут-да, ютдинг-ку!

Бўри қўйиндан маяк олди. Тишига уриб, эшитиб кўрди: тик-тик-тик... «Йўқ, бунинг жони йўқ экан», деган хулосага келди. Яна бошқасини тишига уриб эшитди. «О, буниси зўр экан». У маякни ўнг кафтига юмди. Бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи орасидан нишини кўрсатиб тутди. Болта маяк ниши билан унга урди. Болтаники зўр экан. Бўрининг маягини ёрди. Бўри ёрилган маякни унга берди. Бордюю Болтаники ёрилганда, унда маяк Бўриники бўларди. У яна бир маякнинг поянагини — йўғон томонини эшишиб кўрди. Поянаги зўрдай. Болтага юзланди:

— Тут поянагингни! Ана, сеники ёрилди, чўз бүёққа!

— Бўлди, энди сен билан уриштиrmайман. Насим, моягингниг белини тут! Ҳай майли, мен тутаман. Ур! Бекор, поянагинг билан урдинг! Шу фирромлигинг учун поянагингни тут, мен ниш билан ураман. Ана, ёрилди, чўз бүёққа!

Адир тарафдан келаётган қўй-эчкилар маъраши, чўпонлар овози тобора ёрқинроқ эшитилди.

Адир устида чўпонлар ити, шохдор серка кўринди. Йўлбошли серка қоматини ғоз тутиб, олға қараб турди. Изидан тизилишиб келган қўй-эчкилар шохдор серканинг йўл бошлашини кутди.

Пода адирдан эна бошлади.

Одамлар эрмакларини бўлди қилиб, подага пешвуз чиқди. Чимзорни одамлар овози, қўй-қўзишлар, эчки-улоқлар маъраши босди. Улоқлар тошдан-тошга сакраб чопди.

Қўй-эчкиларнинг туёқлари кўм-кўк ўтлар оралаб юра бериб қўкариб кетган, қоп-қора тумшуқлари йилтирайди.

Баҳор подасидан сут ҳиди анқийди.

Насим қўйларини Бўриникига қўшиб ҳайдади. Бўриларникига етганларида қўйлар айрилди. Бўриларники дарвозага кирди. Насимларники йўлида давом этди. Насим қўлидаги хивични қўйлари кетидан отиб юборди:

— Ўзларинг бора беринглар, уйни биласизлар.

Ўзи Бўриларнида қолди. У Бўридан айрилгиси келмади.

Бўрининг онаси хурмача кўтариб қўтонга келди. Қўй-эчкиларни кўганлаб чиқди. Бировини бўши қолдирив, бўйнидан етаклаб, саёз чуқурча устига олиб келди. Бўри эчкини бўйнидан қучоқлаб турди. Насим улоқни. Бўрининг онаси кадини чуқурчага яхшилаб жойлаштириб қўйди. Эчкининг елинидан, улоги эмиб қўймасин учун қийдирилган дока халтани олди. Тирсиллаб турган елинни уқалади. Насим энгашиб, елинга қаради. Кейин Бўрига, қара, энди қизиқ бўлади, дегандай кулиб қўйди.

Бўрининг онаси Насимга имо қилди. Насим улоқни эчкига искатди. Бўрининг онаси димогида куйлаб, эчкини соға бошлади:

Ол болангни жонивор-а, чурия-чур-эй,  
Маъраб-меъраб кела қол-а, чурия-чур-эй,  
Молдан олдин келмасанг-а, чурия-чур-эй,  
Уйдан кетмай қола қол-а, чурия-чур-эй.

Насим юзини улоқнинг пешонасига қўйиб, илжайди. У маза қилаётган эди!

Соқолинг бор бир тутам-а, чурия-чур-эй,  
Ёки бўлдингми кўсам-а, чурия-чур-эй,  
Бўлган бўлсанг сен кўсам-а, чурия-чур-эй,  
Бўлади сени сўйсама, чурия-чур-эй.

Шу вақт дарвоза тарафдан овоз келди:

— Ойхол хола-ю, ҳув-в Ойхол хола!

Куйлаб соғаётган Бўрининг онаси миқ этмади. Насим бир сесканиб тушди: чақираётган онаси эди. Бўри худди онасига тақлид қилиб овоз берди:

— Ҳув-в!

— Ит қопмайдими?

— Қопмайди, кела беринг. Ит боғлоғлиқ.

Бўрининг онаси ўғлининг тақлидидан мийитида кула-кула сөғаберди:

Шоҳларинг бор бир минор, чурия-чур-эй,  
Минорга қушлар қўнар, чурия-чур-эй,  
Боланг олиб искасанг, чурия-чур-эй,  
Куйган юрагинг қонар, чурия-чур-эй.

Бўрининг онаси қаддини кўтариб ўридан турди. Насим улоқни қўйиб юбориб, уйга қараб қочди. Диққиллаб турган улоқ чопқиллаб бориб елинга ёпишди. Дарвозадан Насимнинг онаси кириб келди.

— Кўргулнинг кўп бўлгур, бу бола бўлмади. Ўйда можак қолдирмайди. Подага юборса, қўйлармин ўзи келади. Қўзининг бўлса бирори йўқ. Қаёққа кетди у? Юр, уйга!

Бўрининг онаси:

— Қўяверинг, уёқда ётди нима, буёқда ётди вима. Онаси Насимни қарғай-қарғай кетди.

Улар кечаси уйқулари келгунча бир-бирини қишиқлаб ўйнади.

— Сенга бир нима айтайнми, Насим ошна? Энам сомонхонага можак яшириб қўйибди. Тонг отса, сенга ўғирлаб бераман.

## 2

Ўтовда улпи-томирлар, ҳамсояқўллар ўтирибди. Дастурхонда турфа поз-неъматлар — хўраклар: палов, нишолда, ҳолва...

Кун қиём бўлди. Ўтов чангфароғидан дастурхонга тафтли нур тушди. Суюн оқсоқол эшикка овоз берди;

— Бўриқул, чангфароқни ёп-э, офтоб тушнаб қолди!

Бўри чангфароқнинг ипини тортиб, ёпди. Ўтов ичи қорайиб қолди. Насим ўтов чипталарни йигиб қўйди. Ўтов яна ёришди.

— Сув олиб келинглар, қўлни чайқайлик.

Бўри елкасига сочиқни ташлаб, одамларнинг қўлига обтovада сув қўйди. Суюн оқсоқол яна овоз берди:

— Ойхол мўмо дейман, олиб келинг инди атагиннингизни!

Бўрининг онаси тугун қўлтиқлаб келди. Суюн оқсоқол ёнидаги Мамат бобонинг тиззасига кафтини қўйиб, қироат билан деди:

— Бир ибратомуз ҳикоят эшитганим бор...

— Ҳа-ҳа!— Мамат бобо эшитайлик, дегандай унга юзланди.

— Диёнатли замонларда манави Бўриқул билан Насимга ўхшаган икки бўзбола туз-намак бўлиб, тўн ёпишиб ошна бўлибди. Икковиям ёлғиз фарзанд экан. Алқисса, икковиям бир қориндан талашиб чиққан эмчакдошдан ҳам иноқ, меҳрибон бўлиб юрганларидага уларнинг юртида ўғри пайдо бўлибди. Подшо ўғриларни қидиртира бошлабди. Икки ошнанинг ҳаминқадар қалинлигини кўрган айғоқчилар уларни ўғри гумон қилиб, подшога чақибдилар. Подшо уларни оёғини ерга теккиздирмай келтириб, тергай бошлабди. Улар айбларини бўйниларига олмабди. Аслида йўқ айбни қандай қилиб бўйинга олиб бўлади дейсиз.

— Шундай, шундай.

— Алқисса, подшонинг қаҳри келиб, уларпинг ўжарроғини дорга осмоқчи бўлибди. Шунда иккичи: «Йўқ, мениям қўшиб осинг», дебди. Подшо бўлса: «Бор-э, мендан нима кетди», деб ҳар икковиниям осмоқчи бўлибди. Бирорини дор остига олиб келиб, бўйнига сиртмоқ солибди. Шунда, униси келиб подшонинг оёғига йиқилиб: «Эй, подшои олам, аввал мени осинг», деб ёлворибди. Подшо: «Нимага ундан дейсан, фарқи нима?»— дебди. У бўлса: «Йўқ, ҳазратим, биринчи мени осинг, мен ошнамнинг ўлимини кўрмайин», дебди. Подшо: «Ҳа, майли. Менга бари бир», деб қўл силтаб, уни қўйиб юборишни буюрибди. Бунисининг бўйнига сиртмоқ солибдилар. Энди ҳалигина озод қилингани келиб подшога ёлворибди: «Аввал мени осинг, биринчи мен ўлайин». Подшо ажабланиб: «Сенинг муддаонг нима?»— дебди: У: «Ҳазратим, мен ошнамнинг ўлишини кўриб қандай чидалб тура оламан. Ундан кўра биринчи мени осинг», дебди.

— Ҳай-ҳай! Қаранг, ана қаранг!— кўзларини катта-катта очиб, бошини сарак-сарак қилди Мамат бобо.

— Алқисса, жаллодлар дор остига унисини олиб борса, буниси подшога ёлворармиш, «аввал мени осинг», деб, бунисини олиб борса, униси... Жам бўлган жамоат ичидаги йигламагани қолмабди. Подшо ик-

ки ошнага қойил бўлиб, ҳар икковиниям озод қилиб юборибди.

— Офарин, офарин!

— Қиссадан ҳисса шулки, Бўриқул билан Насим ҳам шу кундан эътиборан худди ўша икковидай қиёматли дўст бўлсин...

Бўрининг онаси Насимнинг елкасига беқасамдан тўн ёпиб, пешонасидан ўпди:

— Энди сен ҳам менинг улим бўлдинг.

Бўри ҳам Насимларнида шундай тўн кийган, унинг онасиям Бўрига шуларни айтиб, пешонасидан ўпган эди.

## XIV

Бўри полвон бошини кўтариб Насимга қаради: «Қарибди, жуда қарибди. Ё мен ҳам шундай қаридимми? Йўғ-э, одамлар, юзларингиздан қон томади, дейишади-ку».

Бўри полвоннинг руҳида илиқ кайфият пайдо бўлди. У яна хаёлга чўмди...

### I

Тик қир.

Елғизоёқ йўл.

Қирга ўрлаб бораётган ҳангি чарчаб, тўхтаб қолди. Қулоқларининг ости терлади. Юк оғир-да, эгаси, хуржунда икки кўзача сув, икки боғ қиёқ.

Бўри ерга тушиб, ҳангини ҳайдади. Ҳангি бўйини чўзиб бор кучи билан ўрга интилди.

Ниҳоят, Ҳолвачининг қирига чиқдилар. Ҳангি буғдойи ўрилган ўркачларда арқонланган эшакларга тумшүғини чўзиб ҳангради. Икки ҳўқиз қўшилган чана буғдой боғлари оралаб юрибди. Чаначи паншаха билан боғларни чанага ортади.

Ўркачларда қизлар сочилиб буғдой ўрмоқда. Бир қиз қўшиқ айтади. У — Момоқиз.

Офтоб қирни қиздирган, ҳавода нималардир кўзни қамаштириб жимир-жимир мавжланади. Бу — ҳил.

Кумуш бошоқлар тўлғанади. Буғдойзор чайқалади, буғдойзор шовуллайди, ўнлаб қизлар Момоқизга жўр бўлади:

Гужмоқи бүгдой,  
Донгинанг түқ-ай.  
Түп бўл, ўрайик,  
Хўпда кўрайик.

Холвачининг қиридан буғдой ҳиди келади. Гала-  
гала чумчуқлар ўркачма-ўркач учиб, донлайди.

2

Қизлар Бўрини ўзлари тарафга имлади:

— Бўри, берман ҳайда!

Бўри ҳангини Момоқизга қараб ҳайдади. Қизлар шу ёққа қараб чопдилар. У қиёқни қизларга гардак-гардакдан, Момоқизга мўлроқ берди. Қизлар Бўрини кунилаб-кунилаб кетди.

— Хасис! Ўл, хасис!

— Бундан ит ҳам барака топмайди!

Бўри сувни чайлага туширди. Ҳангини арқонлаб, қайтиб келди.

Момоқиз ўроғини ерга қадаб қўйиб, буғдой соясида ўтирди. Рўмолини бошига еловагай қилиб ўраб, бир ўчини қайриб оғзига тишлаб, чўп билан ер чизди. Энсиз қошлари, киприклари хиёл эгилиб... Бўридан ни-  
мадир кутди.

Бўри иягини қашиди. Туриб-туриб, чайлага қараб кетди. Ярим йўлда елкаси устидан қараб, шошиб йў-  
лига бурилди. Қараганларига пушаймон бўлди. Чунки Момоқиз ҳам унга қараётган эди!

Бўри чайлада ухлаётган Насимни туртди. Насим гудурлаб у ёнига ағдарилди. Бўри уни қўлидан торти-  
ди. Насим эспаб, нима дейсан дегандай, Бўрига қа-  
ради.

— Насим ошна, бир гап айтсан бировга айтмай-  
санми? Ошна, Момоқиз яхши, эшитяпсанми, у яхши...

Насим сергакланиб, Бўрига синовчан тикилди. Бўри кўзларини пирпиратиб, гапида давом этди:

— Насим ошна, сен Момоқизга айт, Бўри сени тушларида кўради, де. Сенга қиёқни дўржироқ бери-  
шида гап бор, де.

— Узинг айта бер.

— Мен? Бор-э, қайтиб айтаман?

— Узинг биласан.

— Қўрқаман-да, Насим ошна. Сен билмайсан, не-  
ча марталаб айтаман дедим, бўлмади. Кўзига кўзим

тушса... гаранг бўп қоламан. Ҳалиям айтаман деб бориб, нима дейишимни билмай қайтиб келдим. Насим ошна, сен менинг қиёматли, ошнамсан-ку, сен айт.

— Кўрамиз.

Бўри уни бағрига босди. Қувонганидан ҳалигина олиб келган сувдан бир коса қўйиб берди.

### 3

Қош қорайиб, қизлар қаторасига тўшак солиб ётди.

Ез чигирткалари чириллади. Эшаклар тарсиллатиб ер тепинди. Гулхан милтираётган олис камар тарафдан дўмбира сози, элас-элас қўшиқ эшитилди.

Осмонда ой балқиди.

Насим қизлар тарафга юрди. «Ҳозир чақириб келса-я», ўйлади Бўри. Қўрққанидан шошиб туриб, эшаклар ётган ёққа кетди. Эшакнинг жабдувига чўн-қайиб ўтириди. «Чақиргани билан бари бир бормайман, ошнам бўлса ўзи айтсан», кўнглидан ўтказди у. Утириб-ўтириб қайтиб келди. Чалқанча ётган Насимнинг ёнига чўккараб қўлини ушлади.

— Насим ошна, у нима деди-а? Кўзингни очиб айт, нима деди? Ё, уялиб индамадими?

Насим унга ўгирилди.

— Бўри, мен гапларингни оқизмай-томизмай айтдим. Бўри ошнамга сенсиз кундуз ҳам қоронги, дедим.

— Уҳ, бормисан, ошна! У нима деди?

— У, э, бети қурсин, деб қўл силтади, жўра. Сенга кўнгли йўқ экан. Ишонмаяпсанми? Мана, қиблага қараб айтаман: агар ёлғон айтсан кўр бўлайин.

Бўрининг дили хуфтон бўлди. Бир маҳалгача хўрсниниб ётди.

Азонда кўрпа-тўшагини ҳангининг устига ташлаб, минди. Насим ҳангининг ёлидан ушлаб, уни йўлдан қайирмоқчи бўлди. Бўри бош силкиди. Кўнглидан шундай гаплар ўтди: «Э, қўй, ошна, кетаман. Қизлардан қачон ёруғлик чиқиб эди-да, энди чиқади. Мен уларни одам деб қиёқ ташиб юрибман-а».

Насимнинг бурни терлаб кетди. Тиниқ юзлари қизарди.

— Бўри, ўлай агар, ҳундисан, ҳунди! Ичимдагини топ, деб безрайиб тура берасан! Бир Момоқиз учун шунчами? Ана, қир тула қиэ!

Бўри ҳангининг яғиридан кўзини олмади: «Насим ошна, ҳеч бўлмаса индамай қўйсин эди. Э, бўлди, кўрмайин ҳам, куймайин ҳам...»

У хирмонга йўл олди.

#### 4

Хирмончи чоллар Бўрига галагов<sup>1</sup> ҳайдаттирмади. Авваламбор, ҳўқизлар унга ўрганмоғи лозим. Бўлмаса бегонасираб, юрмайди. У майда-чуйда юмушларни бажариб юради.

Бир куни офтоб қайтганда ҳўқизларни сувлатиб келди-да, ўнг кафтини пешонасига соябон қилиб қирга қаради.

У Момоқизни қўргиси келди!

Ҳангини қирга бурди. Чайлага бормай, сой ёқалаб бораётган эди, эшакли Насим қирдан эниб кела берди. Бўри изига қайтмоқчи бўлди-ю, сир бой бермай, йўлида давом этди. Юзма-юз бўлиб тўхтадилар. Гарчи Насим сўрамаган бўлса-да, Бўри боши билан қирга ишора қилиб:

— Шу ёққа... Хирмончилар бир иш билан юбориб эди,— деди.

— Юр, чайлага.

— Йўқ, ишим зарил.

Насим айёrona илжайди. Чиройли кўзлари ўйнаб, тишлари орасидан чирт этиб тупурди.

— Момоқизнинг олдигадир-да?

Бўри ловиллаб кетди.

— Да, Момоқизнинг олдига! Хўш, сенга шу гап керакмиди?

— Э, бор, менга деса оёғига йиқил.

— Йиқиламан! Мен шундай оёқ ости одамман! Бўлдими? Пойига йиқилиб, Момоқиз, мен сенга нима ғонлик қилиб әдим, дейман! Бўлдими!

Бўри ҳангига хода урди. Таҳликага тушиб қолган Насим унинг изидаи этиб келиб, йўлига кўндаланг бўлди. Бўри ҳансирар эди:

— Қоч йўлдан, қоч! Мен Момоқизга ёлворгани кетяпман!

— Бўри, борма!

— Нега ҳукм қиласан? Нима, ҳосилотмисан?!

— Бўри, менин жўрам десанг бормайсан.

<sup>1</sup> Ҳўқизларни матаб хирмон янчиш.

— Сенга нима?!

— Бўри, мен... сени алдаб эдим.

Бир-бирига тикилиб қолдилар. Насим кўзларини олиб қочиб, сўқмоқ четидаги турнақатор қумурсқаларга тикилиб қолди...

5

Бояги тун. Чўпонлар гулхани. Элас-элас қўшиқ...

— Айт айтгичингни, Насим, қизлар ёмон хаёлга боради.

— Момоқиз, Бўри сенга бир гап айтаман, деб юрибди.

— Биламан, айттолмаяпти.

— Момоқиз, у менга кўнглини ёрди, тайин айт, деди.

— Узимга айтишга уялган гапни сенга асло айтмас.

— Айтишга бет чидамайдиган гап-да, Момоқиз, айтайними нима деди? Момоқиз билан ўйнагим келяпти... қўйнига кираман, деди.

— Ё пирим, чини билан шундай дедими?

— Алдасам, кўр бўлайин.

— Унда, Бўрининг бетига қарамаганим бўлсин. Бетини мурдашўй кўрсин!

— Тағин унга айтиб юрма, ошна деган отимиз бор.

6

...Бўри ҳангини олдинга қимтиди. Ёнларидан одам бўйи қуюн чарх уриб ўтди...

— Айт, нима деб алдадинг?

— Айтмайман.

— Мен сенга гапирияпман!

— Бўри, урсанг ур, бари бир айтмайман.

— Айт деялман!

— Бўри жўра, Момоқиз менгаям ёқади...

Бўри изига бурилиб, хирмонга келди. Қоронги тушгач, супага тўшак ташлаб ётишди. Чоллар уйқулари кела бермагач, ўзларича чўпчак, матал айтишди. Бўри бошини кўрпа остига яшириб, кўзларини юмди... Унинг кўнглида ўз достони бор. Бу достон ҳали куйланмаган. Уни уч одам билади: Момоқиз, Насим, ўзи. Достон давом этади...

## XV

Аёз зўрайиб, полвонлар оғзидан чиқаётган ҳовур янада қуюқлашди. Курас қизигандан-қизиди.

Даера:

— Полвонлар, ўйнаб-ўйнаб олишинглар!

— Ҳа-ҳа-а-а, гардкам!

— Э, қўйма!

— Омон полвон, чил бер!

— Шу, Бобоқул билан Мамат полвон жуда ланж экан, нима дедиңгиз, Бўри полвон?

— Э, сиз сўраманг, мен айтмайин! Мағзава! Ланж ҳам гапми, мағзава! Ҳалойиқ, кўрдиларинг, не вақтдан бўён олишиб на йиқитади, на йиқилади! Ерга қараб суяшиб юргани юрган. Мен уларни қурдан ҳайдаб юбораман, майлинигизми?

— Давранинг фикриям шу!

— Бўлмаганга бўлишма деган!

— Бобоқул, кўп чақчайма, Бўри полвон тўғри қиляпти!

— Олиш — санъат, ҳа!

— Минглаб одам уйқудан қолиб сенга қараб ўтирибди! Шундай экан, санъатингни кўрсат-да, баччагар!

## XVI

Бўри полвон:

— Ҳалойиқ, манави икки полвои даврага гаплашиб чиқибди экан! Бироримиз астагина йиқиламиш, сўнг, олган қўйни сўйиб еймиз, деб келишибдилар. А? Буни менга айфоқчилар етказди! Қола берса, олишлариям кўрсатиб турибди. Ҳалойиқ, мен буларниям даврадан бадарға қиласман!

— У-у, ола желак, ундан кўра бўйинингга тўрва осиб, тиланчилик қил!

— Ул-а, шу кунингга-эй!

— Қўй ейсан-а, қўй ейсан, заҳаримни е!

Полвонлар қурдан бош эгиб, қуруқ чиқиб кетди.

Жума полвон Шернинг ичидан чил бериб, Шер эса уни белидан маҳкам қулоқлаб турибди. Борди-ю, Жуманинг оёғи чиқиб кетса, Шер полвон уни кўтариб, орқага қайириб уради. Шер полвон, кўтар осмонга, кўтар!

— Е-е-е!

Жума полвоннинг оёги илондай чирмашган экан,  
чили чиқмади. Шер полвон, бу кўтаришиңг бекор! Даст  
кўтариш керак, даст! Қўрқма, йиқилсанг изингдан  
ўзим чиқаман! Кўтараётганингда орқага кўп чалқай-  
ма, бу хавфли! Кўта-а-ар!

— Е-ё-ё!

— Чилини чиқариб юбор, чилини!

— Е-ё-ё!

— Бали-бали-и-и!

Гурс!

Баракалла, Шер полвон, бундан зиёд йиқитиб бўл-  
майди! Тўнни тўрдаги чолларга бериб кет, олқайди!  
Намоз полвон, ерни тавоғ қил, қўллайди! Алимардон  
полвон...

— Е-ё-ё...

Бали, полвон, бали! Менинг қўлим эмас, отамниңг  
қўли, деб олиш, ҳа! Полвон, пирингни ҳамиша ёд эт,  
мадад беради!

## 1

Бўри уйғониб, теваракка аланглади. Тонг ёриш-  
ган. Еллар ёқимли. Ҳўқизлар мудраб, вазмин-вазмин  
кавш қайтаради. Ҳанганинг яғирига қўнган тўрғай  
чулдирайди.

У ўрнидан имиллаб турди. Эрталабки чойдан кейин  
уч ҳўқиз бир-бирига бўйнидан маталиб, галаговга  
қўшилди. Бўри оёқларига чориқ кийди. Толхи-  
вични олиб, хирмонга кирди. Хирмончи чол панша-  
ха билан ёйилиб кетаётган сомонларни ҳўқизлар оёғи  
остига ташлаб турди. Ҳўқизлар хирмон ялча бериб  
урганиб қолган — ҳамиша бир иўлдан юради. Уларга  
эрғашиб юрган Бўрининг чориқлари сомонга кўми-  
либ-кўмилиб кетади.

Хирмоцчи чол:

— Ҳай баракалла! Майдалаб ҳайдар, майдалаб!—  
деди.

У чолга кулиб қўйди, томогини қирди.

Боботоғ чўққиларининг учи ёриши.

Қирга ўрлаб кетадиган сўқмоқда бир эшакли бор-  
япти. Бўри таниди: Насим. Үроқчиларга қиёқ олиб  
боряпти. Бўри тишларини тишларига қаттиқ босиб,  
газрон билан ҳўқизларнинг сағрисига сўқди. Бор ово-  
зи билан қўшиқ бошлиди:

Сакреб-сакраб ҳайдагин-а, майда-ё, майда-ё,  
Саксонлар ботмон келсин-е, майда-ё, майда-ё,  
Йўртиб-йўртиб ҳайдагин-а, майда-ё, майда-ё,  
Юз ботмонлар келсин-е, майда-ё, майда-ё.

Ҳўкизларнинг қадамидан чуқур из қолади. Сомон тагидаги буғдой ғижир-ғижир этади.

Бўрининг овози дардли:

Айри-айри туёғинг, майда-ё, майда-ё,  
Олмос бўлсин жонивор-а, майда-ё, майда-ё,  
Сени боққан деҳқонлар-а, майда-ё, майда-ё,  
Сармаст бўлсин жонивор-а, майда-ё, майда-ё.

Жонивор, анови кетаётган эшаклини кўряпсанми?  
У менинг қиёматли ошнам Насим. Жонивор, менинг на отам, на ака-укаларим бор. Ёлғиз ўғилман. Отам ҳам, ака-укаларим ҳам шу ошнам... Ҳайда, жонивор, ҳайда, темир туёғим, ҳайда!

Айри-айри туёққа майда-ё, майда-ё,  
Айри наҳал ярашар, майда-ё, майда-ё,  
Жилвираган қулоққа, майда-ё, майда-ё,  
Тилла сирға ярашар, майда-ё, майда-ё.

Бирорга айтма, жонивор, ҳув-в қирда бир қиз бор.  
У менинг юрагим эди. Қиёматли ошнам юрагимга чанг солди. Уҳ, кўргилик! Мен унга ишонган эдим, жонивор, у ишончими оёқ ости қилди. Қиёматли ошнангдан шу иш келгандан кейин ўзгалардан нима умиду нима хайр. Бирорга айтма, жонивор, айтгилиги йўқ. Яна тағин қасам ичди, эшитяпсанми, қиблага қараб қасам ичди. Қасам ёмон, жонивор... Ҳайда, жонивор, йўртиб-йўртиб ҳайда!

Майдалар қил кўрайик, майда-ё, майда-ё,  
Шохингга гул ўрайик, майда-ё, майда-ё,  
Шохингдаги гулларни, майда-ё, майда-ё,  
Яхшиликка кўрайик, майда-ё, майда-ё.

Ўзинг ўйла, жонивор, у кўриб-билиб туриб Момоқизга кўз олайтириди-я. Ўз ошнасининг суйганига-я. Жонивор, Насимнинг онасини онам дедим, қўлларидан туз едим. Ула-ўлгунча содик дўст бўлинглар, деб оналаримиз бизга оқ фотиҳа бериб эди...

Во ажаб, бу қандай дунё бўлди, жонивор? Ўртада бурун бўлмаса у кўз бу кўзни ўйиб олади шекилли...

Майдамайда морисин-а, майда-ё, майда-ё,  
Дон сомондан арисин-а, майда-ё, майда-ё,  
Шундай катта хирмонга майда-ё, майда-ё,  
Кўп барака дорисин-а, майда-ё, майда-ё...

Жонивор, бўлди, мен энди Насим билан юз кўришмайман. У билан бир умр гап қўшмайман, мана кўрасан...

## XVII

Тун яримлади. Қурда полвонлар сийраклашиб, Ка-  
рим пўстак билан Раҳмат полвон қолди.

Карим пўстак? Маълумки, пўстакни қаёққа отиб юборса, ерга албатта тескариси билан тушади. Ка-  
римни ҳам қаёққа отиб юборса, ерга тескариси — кўк-  
раклари билан бориб тушади.

Халқ Каримни пўстак дейишининг боиси ана шунда!

Карим пўстак Раҳматни қўл чилга олди, ўнг қўлини унинг қўлтиғидан ўтказиб, ёқасидан ушлади. Раҳ-  
мат полвоннинг чап қўли орқага қайрилди.

Одамлар қичқириб юборди:

— Ай, ай, пўстак, қўйиб юбор!

— Қўйиб юбор деса, а!

Карим пўстак қўйиб юборди. Қайтадан олишгани  
ларида яна қўл чилга олди.

Шовқин авжига чиқди. Бўри Полвои уларни ажра-  
тиб қўйиб, жар солди:

— Халойик, Карим полвон қўл чилга олиб номард-  
лик қилди! Унинг кўнглида ёвузилик боракан! Мен уни даврадан бадарға қилмоқчиман, сиз нима дей-  
сиз?

— Тўғри-тўғри!

— Бундай полвонни яна қайтиб даврага ёноштир-  
маслик керак!

— Карим пўстакнинг кўнгли кир экан!

Бўри полвон Каримга юзланди:

— Ана, эшиздингми? Чиқ! Э, садқаи давра кет!  
Қани, раис бова, Раҳмат полвонга ҳақини беринг!  
Карим пўстакни йиқилди, деб ҳисоблайман!

Кўл чил азалдан ман этилган. Чунки қўл чилга

олинган қўл ё чиқиб кетади, ё синади. Қўл лат егач, полвоннинг даврага чиқиши амримаҳол. Қўл ўйнама бўлиб қолади. Бўри полвон, мана, даврада неча йиллар олишиб, бирон мартаям қўл чилга олмаган. Ҳа, дарвоҷе...

## 1

Бу Қобил шўронинг тўйида бўлди.

Колхоз катталари шўронинг иззатига хизматда бўлди. Катталар орасида белига тўн боғлаб олган Бўри полвон ҳам бор. У яқинда бригадир бўлди. Бригадирликка тайинланиши қизиқ бўлди: колхоз раиси бир неча полвонни олиб, қўшни Тожикистоннинг Регар районига тўйга жўнади. Бўри полвонга одам юборди. У, бора олмайман, мазам йўқ, деди. Аслида бормаслигининг боиси бошқа ёқда—у раисни ёмон кўради...

Мишишларга қараганда, раиснинг оёғи бузук эмиш...

Бўри полвон шуларни эшитиб, раис билан уёқ-буёққа бормас, ундан ҳазар қиласар эди: «Нас босган одам билан юриб бўладими! Иўлда бирор фалокат бўлади-да, жувонмарг бўп кетамиз».

Регарнинг давраси катта бўлди. Даврада Тожикистон бир тараф, Сурхондарё бир тараф бўлди. Даврага Денов райони катталариям келган экан. Сурхондарёнинг жамики полвонлари район катталарини қора тортиб, уларнинг теварагига жам бўлди. Катталар Сурхондарё шарафи учун талашиб-тортишди.

Ҳай, бир катталар бор эди-да! Ор-номус, шон-шараф учун қандай куйиб-нишарди! Эндиғилари план, мажлисдан бошқа нарсани билмайди!

Бари бир сурхондарёликлар йиқилди. Ёппасига! Регардан Утап полвон деган чиқиб, Сурхондарёнинг суянган тоғларигача териб ташлади!

Баковул Денов катталарига илжайиб:

— Бўлганларингиз шуми?— деди.

Катталар улай-булай изза бўлмади! Ижроқўм раиси орқасига ўгирилиб:

— Бўри полвон қани?— деди дўқ оҳангидга.

— Мазаси йўқроқ экан, келолмади,— жавоб берди колхоз раиси.

— Э-э,— ижроқўм раиси афти буришиб, афсусли қўл силтади. Катталар этакларини қоқиб туриб кетди. Ўзидан полвонлар жўнади.

Аламзада катталар Регардаги яна бир даврага Бўри полвонни олиб борди. Давра юхрида ўна Утанинга чақирилди. Деновлик катталар Бўри полвонни даврага туширди.

Курашни асл зўр полвонларга чиқарған-да! Ё йиқитади, ё йиқилади! Чўзиб ўтирумайди! Утанин полвон биринчи қўлдаёқ Бўри полвоннинг ичидан чил солди. У Утанин чўнқаймага олиб уриб, Сурхондарёниг шоншарафини яна кўтарди!

Катталарнинг оғзи қудоғига етиб, унинг елкасига қоқди. Деновга қайтганларида Бўри полвоннинг шарафига энёфатлар уюштириб, совға-саломлар берди. Раисга айтиб, уни бригадирликка қўйдилар.

Шу-шу, район катталари давраларга Бўри полвоннисиз бормайдиган бўлди.

Шўронинг тўйида Насим полвоннинг омади келди. У тоғчи уруғидан икки полвон билан курашиб, иккенинг биринчи қўлдаёқ йиқитди. Буни кутмаган полвонлар писиб-писиб қолди. Насим баковулнинг рўпарасида ўтириб, навбатдаги полвонни кута бошлади.

Баковул даврага чорлади:

— Насим полвонга талағор бўлса чиқсан!

Жимжитлик. Бўри полвои ўрнидан бир қўзғалиб қўйди. У бор даврада ҳали бирон мартаям бундай чақириқ эшитилмаган эди-да...

Оғир вазият! Шунинг учунки, даврада ғолибдан ҳам зўр полвон ўтириби Бу — Бўри полвои!

Баковул полвонларнинг кўнглига қўл солиб кўрди. Худди шу ерда катта хатога йўл қўйди. Тантанавор овозда:

— Отангга раҳмат, Насим полвон! Бўпти, кетавер, сендан зўр полвон йўқ экан! — деди.

Бу гап Бўри полвонга ботиб кетди! Пешонаси тиришиб, баковулга ўқрайди: «Хе, уккағар лопти! Насим ҳаммани қойил қилди? Насимдан зўрроқ полвон йўқ? У ўзи ким? Э!»

Бўри полвои ўзининг даврада ўтирганини билдириш учун атайин йўталди. Сўнг, ёнидаги Саня полвонга зўрма-зўраки илжайиб, бош ирғади. Бу бош ирғаш,

илжайишдан манави киноя бор эди: «Қаранг-а, шундай зўр полвон бор экану, биз билмабмиз-да...».

У, Сана полвон баковулга бориб, гапнгизни қайтиб олинг, Бўри полвонга ботиб кетди, дейди, деб умид қилди. Бироқ Сана полвони тушмагур унинг кўнглидагини уқиб ололмади.

Бўри полвон ғаши келиб, буёғига ўгирилди. Давра четида ёнаётган машъалага тикилди. Одам бўйи темир ерга суқилиб, учига симга ўралган жандалар осилган. Бир бола машъалага ермойи сепиб турибди.

Бўри полвон энди ўзини-ўзи овута бошлади: «Баковул лақилласа лақиллай берсин. Насим менинг олдимда ўзининг ҳеч ким эмаслигини яхши билади».

Бироқ Насим полвон қурдан чиқиб кетаётуб, даврага шундай ғолибона қарадики, бу қараашда: «Баринигни қойил қилдим-а!»— деган маъно бордай эди.

Бўри полвоннинг сабр-тоқати ниҳоясига етди. Уни полвонлик қони қўзгади. Диляда: «Э, шошма!»— дея ирғиб туриб, даврага кирди.

Буни кутмаган баковул довдираб қолди:

— Сизни ошнаси деб ўйлаб...

Бўри полвон — Бўри полвонлигини қилди. Азалдан полвон халқида сал... камроқ бўлади, деган гап бор. Йўқ, полвонларда кам эмас. Уларнинг вужудида ҳовур бор. Полвон — қони тез одам. Полвон — кўпкарига боқилаётган от каби асов бўлади.

Бўри полвон белбоғини қўлига олиб, алп-алп одимлар отиб, даврани айлана берди.

Насим ҳам чиқиб, Бўри полвоннинг изидан юрди. Ҳалиги дабдаба қаёқда... Елкалар қисиқ, қадамлар омонат...

Зўрдан зўр чиқса оёғи типир-типир!

Бўри полвон унинг юзига қарамади. Даврада кимдир саросима билан қабатидагига деди:

— Икки ошна-я. Охир замон бўляптими дейман.

— Ошна бўлгани билан иккови гаплашмайди.

— Бирор гап ўтгандир-да.

— Ким билади дейсиз.

Бўри полвонга жуда-жуда алам қилди: «Уҳ, қизбет! Ақалли бир оғиз чиқмайман, демади-я. Итдан бўлган қурбонликка ярамас! Қараб тур, даврага қайтиб чиқмайдиган қилмасам кўрасан».

Бўри полвон тўхтади. Иштонини тиззасигача липпа урди. Кўкракларини очди. Унинг нияти ёвуз бўлди: «Бирдан қўл чилга оламан».

У важоҳат билан Насим полвонга қараб юрди. Насим полвоннинг важоҳати ҳам уникидан кам эмасди. Бу Бўри полвоннинг ниятини амалга оширишга бўлган иштиёқини янада зўрайтири: «Баковул сезиб қолиб қичқирсаям бари бир қўл чил қиласман. Ўзими эшитмасликка оламан».

Шундай қилиб, яна бир неча дақиқадан кейин Насим полвоннинг бир қўли ё чиқади, ё синади!

Бўри полвон ўйнаб-ўйнаб, узил-кесил ҳамлага ўтди. Қўл узатмоқ бўлиб олға интилган эди, Насим полвон чаққонлик билан ўзини орқага олди.

Худди шу дақиқа кўзлар учрашиб қолди!

Бўри полвонга ўша қоп-қора кўзлар тик боқар, бу маъносиз, без кўзлар Бўри полвон учун қанчалик жирканчли бўлса, шунчалик қадрдан ҳам эди!

Қадрдан кўзлар Бўри полвоннинг қалбидан кўпирб-тошайтган қаҳрни сўндириб юборди. У беихтиёр бўшашиб, қўлларини тушириди. Қўл силтаб:

— Ҳақини беринглар, у зўр экан!— деди-да, даврадан чиқди-кетди.

Одамлар Бўри полвоннинг бир жойида оғриқ турди, дейишди. Айримлар Бўри полвон қўрқди, деган хulosага келди.

#### 4

«Бўри ёшна, ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди. Бошингга ёмон кунлар солдим. Мен буни олишда кўзларингдан билдим. Кўзларинг тўла дард, кўзларинг тўла ўпка-гина эди.

Ошна, сен мени юрувсиз қилдинг. Бундай зўр бўлгандан кўра ўлганим яхши эди! Одам деб дардингни менга айтдинг-а! Ошна, сенга раҳимм келяпти, Момоқиз менгаям ёққани чин. Лекин мен бари бир Момоқизни деб сенчалик қайғурмайман, дард чекмайман.

Ўзи, сенга ҳеч тушуниб бўлмайди, ошна. Бир оғиз қаттиқ гапирмадинг, менинг кимлигимни билсанг-да, юзимга айтиб солмадинг, Момоқизгаям айтмадинг-а.

Ошна, буни бирор эшитмасин. Эшитгилиги йўқ. Мен ўзим бор гапни Момоқизга айтаман. Майли, мени лаънатласин, мендан нафратлансин. Сен қиёматли ошнам бўлмаганингда ҳам сендай одам учун шундай қиласадим.

Ошна, Момоқизнинг олдига бор. Кўнглингни тўқ қил — унинг олдидаги сенинг юзинг ёруғ.

Ошна, мени фақат бир нима қийнаяпти: кейин ик-  
калангнинг юзларингга қандай қарайман? Балки мен-  
дан бир умр юз ўгириб кетарсизлар? Иўқ, ошна, мен  
сендан айрилиб қолгим келмайди. Бўлмаса нима қи-  
лайин? Билмайман, ошна, билмайман...»

Бўри полвон Насимдан шу гапларни умид қилди.  
«Унинг ўрнида мен бўлганимда шундай қиласдим,—  
ўйлади Бўри полвон.— Қелиб, шундай дердим».

## 5

У интиқ бўлиб яшади. Момоқизнинг олдига бориши-  
га юраги бетламади.

Кутилмаганда Насим Момоқизга... одам қўйди. Ноң  
синдирилди!

Буни эшитган Бўри полвон ярасига тиф теккан бе-  
мордай сесканиб, инграб юборди.

## 6

Насим яшашни билди.

У Момоқиз билан бошқа бригадага ўтиб кетди.

Олча гуллаётганда тўйлари бўлди.

Насим тўйга Бўриларнинг хонадонлариниям айт-  
ди. Тўйга Бўрининг онаси борди. Бўри, мажлис бор  
эди, деб районга кетди.

Насим янги бригадага эл бўлмади. Бригадир билан  
ади-бадидан боши чиқмади. Яна бошқасига ўтди.  
Нимагадир бунисигаям сиғмади. Буғдойпояда ўқариқ  
қазишдан эрта қайтди. Белбоини ечиб, остоңада сер-  
райиб турган Момоқизнинг қўлига отиб юборди:

— Биламан, бунинг ҳаммаси Бўрининг иши! На-  
сим қаерга борса кун берманглар, деб айтиб қўйган!  
Ундан яхшилик чиқмайди! Ич! қора унинг! Қовоғи-  
дан қор ёғиб юришиям айтиб турибди! Ранг кўр, ҳол  
сўр, деган! У бизни қўймайди! Кетамиз, дунёнинг кол-  
хози битта эмас! Э, сендай жўрамнинг...

Насимлар кўчди.

Уларнинг кўчиб кетаётганини эшитган Бўри пол-  
вон том устида олисларга тикилиб, хўрсишиб ўтирди.  
Кўч-кўрон ортган уловлар қишлоқдан чиқиб, Шўрчига  
йўл олди.

Бўри полвоннинг қалби ўртаниб кетди: кўнгил яқин-  
лари ундан олислаб кетаётган эди...

Шундан кейин Насимларни қишлоқдаги уруғ-аймоқларининг тўй-маъракасига келганда кўрди. У Насимдан ўзини олиб қочди, у билан юзма-юз бўлмади. Момоқизни эса умуман кўрмади. Аммо кўргиси келди!

Бир тўйда ўзини қоронфиликка олиб, олов теварағида давра бўлиб ўйин қилаётган аёлларга назар солди. Диққат билан назар солиб, Момоқизни излади. Билди, шу қатор аёллар орасида Момоқиз бор. Билди, Момоқиз ҳам аёллар каби чакагини рўмол билан ўраб, оловга қараб турибди. Ана, ниҳоят, кўрди. Момоқиз даврага кирди. Қулоғини омонат очиб, рўмолини юзиға пардалар қилиб, ўйнаб кетди. Ўзи ўйнаб, ўзи қўшиқ айтди:

Яхши қизнинг нозини  
Ким кўтаради-ё,  
Теккани қобил бўлса  
Шул кўтаради-ё.

Бўри полвон бир энтиқди!

Яна бир тўйда Момоқизни олисан кўрди. Кундуз куни эди, Момоқиз бағрига бола босиб турар эди, боласи Момоқизнинг рўмолидан тортқилар эди...

Бўри полвон икки энтиқди!

Шу-шу, Момоқизни ўйлагандан кўнглининг туб-тубида бир парокандалик уйғонадиган бўлди. Дунё кўзига тор кўринадиган бўлди, кўнгли ўксийдиган бўлди. Оқибат, уларни ўйламайдиган, эсламайдиган бўлди, борди-ю, улар тилга олинганда эшитмайдиган бўлди, индамай туриб кетиб қоладиган бўлди...

Бошқа нимаям қилсин, Момоқиз энди бирорвнинг аёли бўлса!

### XVIII

Бўри полвон даврадан хурсанд. Жанжал-аразлар йўқ. Полвонлар ўзини тарозига солиб ўтирмаи чиқиб олишяпти. Ана, хўжасоатлик Садир полвон шўрчилик Рўзи полвонни елкасидан ошириб урди. Рўзининг орига Максим полвон дегани чиқди. Садир полвони

— Э, у спорт мастери, чиқмайман,— дея туриб кетди.

Максим полвон самбо кураши бўйича спорт устаси экани чин. У баковул рўпарасида талаб қилиб ўтириб-ўтириб чиқиб кетди.

Бўри полвон хўжасоатликларга оғиз солди:

— Чиқинглар-да энди!

Үёқдан Амир полвон:

— Полвон бова, Садирнинг қўли лат ебди!— деди.  
Бу шунчаки баҳона эди.

Шўрчиликлар пичинг қилди:

— Нимага бир полвонни йиқита солиб қочасизлар!. Сифса даврага чиқингизлар-да!

Илкис пичинг Садир полвон баҳона бутун давра эгаларига қарата айтилди. Бўри полвон ялт этиб шўрчиликлар тўдасига қаради. Сўнг Амир полвонга:

— Ундаи бўлса, бошқасини чиқар!— деди.

Амир полвон:

— Э, полвон бова, мастер спортга тенг кеп бўладими?

Бўри полвоннинг ич-ичидан зил кетди. Меҳмонлар олдида изза бўлди. Хивич учи билан чироқда йилтираётган сомонларни титкилади.

Шунда, даврага ёши ўтиб қолган Нормурод полвон чиқиб келди. У дуч келган одамнинг рўпарасига чўкиб, қўлларини орқага тиради. Орқасига чалқайиб; оёғини узатди:

— Маҳсини торт! Торт маҳсини!

Торта бермагач, Нормурод полвоннинг ўзи маҳслирини тортиб-тортиб суғурди-да, пайтаваларини чувалатиб, одамлар устига отиб юборди. Сапчиб туриб, ўз полвонларига қаҳр билан қўлини шоп қилди:

— Чиқмайсанми-а, чиқмайсанми? Элга эшитириб айт, чиқмайман, де! Қўлингни кўтариб айт! Унда, мана, мен чиқаман!

Нормурод полвон баковул рўпарасига чўккалади. Шўрчиликларга қўлини силкиб қичқирди:

— Қани, мастер спорtingни берман юбор!

Бироқ шўрчиликлар Максим полвонни даврага туширмади. Чунки Нормурод полвоннинг соқоли оқ эди...

Шўрчиликлар тўпидан:

— Сизга қойил бўлдик, Нормурод полвон, бизга анави полвонларингизни чиқаринг!

Нормурод полвон давра айланади:

— Бизда полвон йўқ, бўлса чиқарди!  
Бўри полвон уни тўхтатди:  
— Полвон, кўтаришма, э! Кўп кўтаришма!  
Нормурод полвон унинг қўлидан юлқиниб чиқиб,  
яна қур айланди:  
— Э, мастер спорт тугул дев бўлсаям чиқаман!  
Бўри полвон унинг тирсагидан маҳкам ушлаб, қур-  
дан етаклаб чиқди. Нормурод полвон яна даврага тал-  
пинди:  
— Нормурод полвоннинг кўзи очиқ бўп туриб,  
унинг эли ерга қарайдими? Ушламанг мени, полвон бо-  
ва, ушламанг! Э, ерга киргизиб юборсаям чиқаман!  
Бўри полвоннинг қалбини ҳам худди шундай туй-  
фулар тирнар, аммо у кексаларга хос вазминлик би-  
лан ўзини босиб турарди.  
У даврага кириб, хўжасоатликларга қичқирди:  
— Амир, Тиловбердини берман юбор! Тиловберди,  
мунда ке!  
Шунда, даврага Бўри полвоннинг ўғли Тиловберди  
чиқиб көлди: Бўри полвон ўғлини тирсагидан етак-  
лаб, баковул рўпарасига ўтириғизди.  
Шўрчиликлар кўнди-ю, Максим полвон рози бўл-  
мади.  
— Тиловбердининг вазни оғир, чиқмайман,—  
деди.  
Бўри полвоннинг зардаси қайнаб кетди:  
— Нима, энди даврагаям тарозига тортиб чиқарай-  
ликми? Кўриб турибсан, бўйи басти сендан зиёд  
эмас, чиқа бер-да! Чиқ-э, ота-бовамиз тарозисиз олиш-  
ган!

Шўрчиликлар ноилож қўл силтади:  
— Э, чиқ-э, Максим-э, йиқилсанг ер кўтаради-да!  
Полвонлар фотиха олиб кетди.

## XIX

Бўри полвон ўзи билан ўзи гаплашар эди: «Биз  
полвонлик мактабида ўқимадик. Полвонлик бизга ота  
мерос, пуштдан-пуштга, қондан-қонга ўтиб келяпти.  
Полвонликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунти-  
риб бўлмайдиган шундай сирлари борки, буни фақат  
томирида полвонлик қони борларгина билади. Биз  
биламиз! Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ. Мана, ме-  
нинг ўзим. Сурхон воҳасида мендан йиқилмаган

полвоннинг ўзи йўқ. Уша мактаб кўрган спорт мастерлариям яғринимдан ошиб кетган.

Халқ нимаси билан халқ? Эзгу урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган яхши анъаналари билан халқ! Кўпчилигини билиб-бilmай, билиб-бilmай унтиб юбордик. ~~Ахир халқ соғ тили, пок дили билан, аллаю гиряси билан, меҳнату маторати билан халқ!~~

Бўри полвон раисга қараб-қараб қўйди. Яна нималардир йўқолиб боряпти...

У ўйлаб ўйнига етди...

Авлодлар алмашган сайин...

«Ё пирим-э, туф-туф-туф... Юрак йўқолиб боряпти! Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига бормайди. Фарзандлар ўзлари минаётган машинага ўхшайди. Одам ким-у, машина ким — билиб бўлмай қоляпти».

## XX

Максим полвон енгиз, ёқасиз желак кийиб чиқди.

Бўри полвон бармоқлари учи билан желагидан ушлади.

— Эб-эй-эб-эй, Максим иним, бу қандай лиbos? Мабодо майкамасми?

Максим ўзича тушунтирган бўлди. Бўри полвоннинг энсаси қотди:

— Шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан! Ўзининг иzzat қилмасанг ҳам даврани иззат қил! Бор, ўзимизнинг кийимдан кийиб чиқ. Бунингни на ёқаси, на енги бор, қаеридан ушлаб бўлади? Манави бренжангни қара... Иштонбоғиям резинкадандир-да? Тортганда узилиб кетса нима бўлади? Э, бор, қалинроқ иштон кийиб чиқ! Попукли иштонбоғ бойла, белни ушлади!

Максим полвон ўзини катта олиб, олифтачилик қилди:

— Мусобақалардаям шундай кийиниб олишяпмиз!

— Ай, Максим, сен Бўри полвон билан ўрлашма! Қайтариб айтаман, ўрлашма! Уша самбонгдаям енгли

желак қыйиб олишади. Бўри полвонни билмайди дема! Бўри полвон...

У ўз даврида турли мусобақаларда қатнашиб, кубоклар олган, кубокни биринчи кўрганда уёқ-буёғига қараб: «Самовар. Яхши бўлди, чой қайнатиб ичамиз», деб ўйлаган эди. Уйига келиб, сўраб-сурештириди. Биладиганлар йўқ, бу самовар эмас, дейишди. Шушу, у кубок номини яхши айтмолмай, қола берса эслаб қололмай, самовар, деб атайдиган бўлди.

— Бўри полвон катта мусобақаларда олишиб самовар олган, ҳа! Иккита! Ишонмасанг ана, уйга бориб кўр — шкафнинг устида турибди!

Даврадагилар кулиб юборди. Максим полвон даврага хос кийиниб келди. Бўри полвон унга разм солиб:

— Ҳа, бали, бу бошқа гап,— деди.

Сўнг событ қадамлар билан давра айланиб, жар солди:

— Халойиқ, сўзимни эшитинг! Болалар, кўп талатўп қилма, ганин гапга қўш! Халойиқ... Ай, Хумор момонинг невараси, тек ўтири дейман, бўлмаса... кесиб оламан! Халойиқ, маnavи тик желак кийган хўжасоати Тиловберди полвон! Буниси шўрчилик Максим полвон! Айтиб қўйганим яхши, Максим полвон мастер спорт! Самовар ҳам олганимисиз, полвон! Эшитдингиз-а, халойиқ? Максим полвоннинг самовари йўқ экан! Бу икки полвоңга бир гўсам серка, бир жуфт учламчи калиш, беш сўм пул қўйилди-и-и-и! Эшитмадим деманглар!

Тиловберди полвон одати бўйича белбоғини бўйнига ташлаб давра айланди.

Бўри полвон ўғлини зимдан кузатиб, бирон нуқсон тополмагач, хотиржам бўлиб бош баковул олдига бориб ўтириди. Чой сўради. Ўғлига тикилиб қолди...

# 1

Сариосиёдаги бир давра Тўпаланг дарёси ёқасида бўлди.

Дарё ўз отига яраша тўполон билан, шовуллаб оқиб турди. Бўри полвон ўшандада умрида биринчи марта Фарғонача кураш кўрди. Давра эгаларининг кўпчилиги Фарғона водийсидан бўлиб, улар Сурхон водийсида колхоз тузиш учун Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан кўчиб келган эдилар.

Водийликлар олишни кураш дер эканлар. Улар ҳам ўз курашларини намойиш қилди: икки полвон бир-бирининг белидан қўлларини ўтказиб ушлаб, суюшиб юра берди. Бу орада воҳа полвонларидан бирининг оёғи осмондан келиб ерга тушди, бирини рақибини елкадан ошириб отди. Давра гурсиллаб, ҳайқириб турди!

Бўри полвон водийликларга қараса, улар ҳалиям суюшиб юришибди! У энсаси қотиб, елкасини қисди. Уларга эътибор бермай қўйди.

## 2

«Ўзи улар мулойим халқ-да,— деди Бўри полвон ўзича.— Жуда мулойим. Курашлариям ўз табиатидан кеп чиқсан. Мана, биз ўлгудай қўпол халқмиз. Курашимиздаги мардоналик, ботирлик ҳам шундан. Ҳа, майли. Халқ турли-туман бўлгани яхши. Бу — улканлик, улуғлик аломати. Мана, фаргонача кураш. Уям ўзимизники. Демак, иккита курашимиз бор экан. Қандай яхши! Бойлик! Аммо-лекин, уккағарлар кўп ашулачи халқ-да. Ҳалиги биттаси бор эди-ку, оти нимайди...»

Бўри полвон ўйлаб тополмади. Шеригига ўгирилди:

— Полвон, ҳалиги Сталин колхозидан бир бола ашула айтиб чиқиб эди, оти нимайди?

— Қайси?

— Ҳалиги бир деҳқон бола бор эди-ку, асли қўқони. Қайси бир йили раҳматлик Маъмуржон Узоқов кеп Тошкентга эргаштириб кетди-ю!

— Ҳа-а, Ҳасан Султонов денг. Ашула айтиб юрибди, нимайди?

— «Фифонким, гардиши даврон...» Во уккағар, ана ашула! Одамнинг кўнглини бузиб юборади-я.

— Ҳа-ха-ха! Ҳа, полвон-е, Ҳасан Султонов полвон бўлганда-ку, отини эсдан чиқармасдингиз-а.

Бўри полвон мийифида кулди.

## 3

Дарҳақиқат, Бўри полвон умрида жуда кўп одамларни кўрди, мулоқотда бўлди. Аммо жуда оз одамнинг отини билади. Фақат полвонларнинг номини тўлиқ айта олади. Боиси, у даврага чиқиб курашмаган эркакни.. эркак демайди.

Бирор одам ҳақида гап бўлса, Бўри полвон, аввало, у полвонми, деб сўрайди. Йўқ, жавобини эшитса, қўл силтайди:

— Эркакнинг султони олишади, ҳа! Ана, Хидир полвон, кези келганда даврани гурсиллатиб олишиб кета беради. Мен раисман деб ўтирамайди. Бўлмаса кимсан — Ботиров-а! Арбоб, ҳа, арбоб! Ана уни чин эркак деса бўлади. Чунки ота-бовасининг ҳунарини ерда қолдирмаяпти!

Борди-ю, одамлар эътиroz билдирулар, Бўри полвон одатдагидай гапни чўрт кесади:

— Э, нима десанг, де, бари бир ўйинни билмаган аёлни — аёл, даврада олишмаган эркакни — эркак демайман!

У бешикдаги чақалоқдан тортиб нуроний чолгача — ҳамма-ҳамманинг исмига полвон сўзини қўшиб айтади. Ўша одам курашганми-йўқми, бари бир — айта беради. Айтгандаям оғзини тўлдириб, фурур билан айтади!

Ҳамсояларинкига узоқдан меҳмон келиб, Бўри полвонни ҳам чақирсалар, у меҳмонлар билан совуқ кўришиб, иримиға ҳол-аҳвол сўрайди. Бегонасираб ўтиради. Меҳмонлардан бири курашдан гап очиб қолса борми, Бўри полвон яйраб кетади:

— Э бали! Узимизнинг одам экансиз-ку.

Сўнг, меҳмоннинг олдига силжиброқ ўтиради. Қайтадан, қуюқ сўрашади. Кейин кураш сирлари, ўтмиш полвонлари, ўзининг қандай қилиб самовар олганларини гапиради:

— Ўйнаб бориб, уккағарни мана бундай ушладим. Қаранг, қўлимга эътибор беринг...

Меҳмон бош иргаб, биз ҳам олишганмиз, дейди.

Бўри полвон дарров сўрайди:

— Самовар ҳам олганмисиз?

Ҳа, жавобини эшитса, ўзининг тиззасига шапиллатиб уради:

— Э, бормисиз! Отангизга раҳмат! Полвоннинг хўрози самовар олади! Ҳа!

Сариосиёдаги ўша даврада Бўри полвонга тенг топилиши қийин бўлди. Давра эгалари талвасада қолди. Борди-ю, Бўри полвонга талабгор чиқмай, давра шундай тугаса, сариосиёликлар деновликлардан

қойил бўлди деган сўз. Уз уйида қойил бўлиш—мағлуб бўлишдан ҳам ёмон!

Шунда, даврага ёшгина бир йигит чиқиб, Бўри полвонга талабгор бўлди. Давра эгалари шундагина енгил нафас олди.

Бўри полвон ёш полвонга менсимай қаради: «Ёш бола-ку! Ўйлаб иш қиляптими? Ё, кайфи борми?»

Бир ёш бола унинг шон-шавкатини назарга илмай қурга югуриб чиқиши Бўри полвоннинг иззат-нафсига тегди. У дарғазаб бўлиб даврага кирди. Бош баковул олдига ғоз юриш қилиб жўнади. Давра одати бўйича бош баковул рўпарасига—унга талаб қилган ёш полвоннинг қабатига бориб ўтириши керак эди. Бироқ давранинг ўртасига бўриб чўк тушди. Бўри полвон бу ҳаракати билан ўзининг анави ёш бола билан ёнма-ён ўтиришга ор қилишини билдириди. Ёш полвонга, кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи, деган қарааш қилди.

Уларга ғунажин, яна бир қанча майда зотлар қўйилди.

Бўри полвон Исмоилни кўзга илмай давра айланди. «Тайёр ош-ку»,— ўзидан кетди Бўри полвон. Оқибат... Полвон номини олгандан буён биринчи марта яғрини ер кўрди. Қандай йиқилганини ўзиям билмайди. Кўзларини очса, осмонда юлдузлар кўп экан...

У бошини қуи эгиб, даврадан чиқиб кетди. Ҳамроҳлари ҳамдард бўлиш, суяш учун унинг қўлтиғидан ушлади. Бўри полвон зарда билан уларнинг қўлини силтаб ташлади. Чўнқайиб ўтириб, тиззаларини қу-чоқлади. Пешонасини билаклари устига қўйиб... Йиғлаб юборди. Чини билан йиқилдимми-а, деган назар билан шерикларига жавдираб қараб, йиғлаб қўя берди.

## 5

Бўри полвоннинг яғрини ерга теккани бутун элга ёйилди. Бирорлар ичи ачиб бош чайқади. Даврада унинг дастидан рўшнолик кўролмай юрганлар хушвақт бўлди.

Бўри полвон эл орасида бош кўтаролмай, уйидан кўчага чиқмай қўйди. Сўнг, ўша ёш полвонни таъқиб эта бошлади. Қаерда тўй бўлса бориб, пойлади. Аммо ёш полвон унинг номини эшитибоқ рад қила берди.

Исмоил отли бу ёш полвоннинг довруғи бутун воҳага ёйилди. Қимсан — Бўри полвоннинг яғринини ерга теккизган Исмоил полвон! Исмоил полвон бу номни умрбод сақлаб қолишга интилиб, ҳатто Бўри полвоннинг даврага келганини эшилса, индамай кетиб қола берди.

## 6

Шўрчида ҳам шундай бўлди.

Бўри полвон бошлиқ хўжасоатлик полвонлар Шермат мерган деганникига қўнди. Тўйхонадан меҳмонларнинг улуши келди. Дастурхон тўкин бўлди. Уй хўжаси ўзининг мерганлик саргузаштларидан гурунг берди. Гап айланиб, бўлажак даврада тўхтади. Шермат мерган шўрчилик полвонларга таъриф берди. А бил полвонни улуғлади. Насим полвоннинг бўйнига чипқон чиққан, бу даврада олишмаса керак, деди.

— Айтгандай, Насим полвон асли хўжасоатлик-а? Ҷақириб келайми? Ҷақириб кел, десаларингиз ҷақириб келаман, гурунглашиб ўтирамиз?

Бўри полвон безовта бўлиб, қимиirlаб қўйди. Қўл силкиб деди:

— Йўқ-йўқ, мерган, овора бўлманг, ўтиринг.

— Ҳа, майли, ихтиёрларингиз. Лекин кўнгилларингизга олмангизлар-у... айтаверсам майлими? Шу Насим қурғур ҳеч кўнглимга ўтирмайди-да. Ута шум! Кўзингизни лўқ қилиб фириб беради. Билмайман, ўзидан бошқани нодон деб ўйлайдими. Шунинг учун у билан ош-қатиқ бўлгим келмайди. Ҳизи у кимлардан? Э, ҳа, бўлди, гап тамом. Мерган жўра, мерган жўра, дейишидан билинб эдим-а. Асли қонида бор экан-да...

— Аслида ӯзи яхши одам,— деди Бўри полвон.

Насим полвоннинг бўйнига чипқон чиққани чин экан, бу даврада олишмади.

Бўри полвонга шўрчилик А бил чиқди. Бўри полвон уни яхши билади. А биллининг чўнқаймаси ёмон. Жини бор. Даврага кирса тутиб қолади. Шу сабаблиям одамлар унга «тентак», деган лақаб қўйган.

Бўри полвон давра айланәтиб, Насим А бил полвонни гижгижлаётганини эшилди:

— Дадил бора бер, юраги йўқ. Қайси бир йили менга ӯзи талаб қилиб, қўрққанидан қойил бўлиб эди...

А бил тентак давра торлик қилаётгандек ҳурпа-

ниб, олдинда айланаетган Бўри полвонга эътибор ҳам бермади. Бош баковул олдидағи сатилдан ҳовучига сув олиб, билакларини ювди. Оғзига сув тўлдириб, ғарғара қилди. Қўлларини ўйнатиб, жойнда бир-икки ирғишлади. Бошини сарак-сарак қилиб айқирди:

— Буввв! Fffff! Ҳа, киша!

А бил тентак Бўри полвоннинг авзойнда қўрқинч сезганда аниқ ҳамлага ўтарди. Қарасаки, Бўри полвон унинг дағдағасидан қўрқмай, ўйнаб келяпти!

А бил диркиллаб-диркиллаб қур айланиб кетди. А билни өнди кўраётгандар ҳайратдан кўзлари олайиб, бош чайқади. Бирорлари лабини буриб:

— Ё пирим-э, уриб кетган тентак-ку бу,— дея кулди.

— Каптархона<sup>1</sup>дан қочган,— деди яна бирор.

Иккни зўр тўқнашганда чақмоқ чақади... Бўри полвон ўнг қўли билан А билнинг ёқасидан, чап қўли билан билагидан сиқиб ушлаб, ичидан чил берди. А бил тентак гоят тезликда ўнг қўли билан унинг ёқасини ғижимлаб, ҳалқумига тиқиб борди, чап қўли билан ёса унинг яғрини устидан — желагидан буклаб ушлади. Ўзи орқага сал чалқайиб, Бўри полвонни даст кўтарди-да, зарб билан орқага отиб юборди:

— А-а-а-а!

Бўри полвон ерга ёнбоши билан гурсиллаб тушди. А бил ҳам худди шундай йиқилди.

Одамлар:

— Бекор, ёнбош йиқилди!

— Бир баҳя етмади!

Чўнқайма энг нозик санъат. Борди-ю, полвон чўнқайма қилишини эплай олмаса, ўзи мағлуб бўлади. Шунингдек, чўнқайма энг хавфли санъат ҳам. Бунида чўнқаймага олинган полвоннинг чили чиқиб кетса, ерга орқа миёси билан тушади. Чўнқайманнинг хавфли тарафлари яна кўп..

## 7

Хўш, Бўри полвон ҳозир нега яғрини билан эмас, ёнбоши билан тушди? Чунки чўнқаймага олган А бил тентак катта хатоликка йўл қўйди. У ерга оғаётгандада йўл-йўлакай ўз гавдасини ўнглаб олиши, Бўри полвон ерга тушаётганда эса ўзини унинг устига

<sup>1</sup> Термиздаги тентақларни даволайдиган даргоҳ.

ташлаши керак эди. Абил тентак шошдими ё довдираб қолдими, бунинг уддасидан чиқолмади. Хатоси эвазига Бўри полвоннинг остида қолишига оз қолди. Буни ўзиям сезди шекилли, ўрнидан тураётганда афсусланиб бош чайқади.

## 8

Давра уларга ҳайбаракаллачилик қилди:

— Чаққон-чаққон олишинглар!

— Ў, Бўри полвон, белбогингни яхшилаб бойла, бўшаб кетяпти!

— Абил тентак, эҳтиёт бўл-ов!

Полвонларнинг бу сафарги олишуви аввалгисидан ҳам шитобли бўлди. Бўри полвон Абилга имконияти борича яқинлашмасдан чил беришга уринди. Қўлларини чўзиб ушлаб, Абилни ўзидан холис тутди.

Абил тентак яна чўнқаймага олишга чоғланди. Гўё анойилик қилаётгандай, чап оёғини унга яқин тутиб, ичидан чил беришга имкон яратди. Бўри полвон Абилнинг макрига учмай, қармоқдан ўзини олиб қочди.

Кураш ланж бўлди. Полвонлар бир-бирини фақат таъқиб этиб юра берди. Полвонларнинг бири бўшроқ бўлса-ку яхши — ийқилмаганига шукур қилиб юра беради. Борди-ю, ҳар икковиям ғолибликка баб-бара-вар даъвогар бўлса-чи? Унда асаблар олишади. Бўри ҳам, Абил ҳам асабийлаша бошлади. Асабий чил беришиб, бир-бирини уёқ-буёққа мақсадсиз силкий берди. Ҳўб олишдилар...

Бўри полвон қўлларини ёнига кенг ёйиб, мен олишаётганим йўқ, деган ишорани билдириди. Бу ҳолатда полвонга ҳамла қилиш қатъян ман этилади. Абил тентак қўйиб юбориш ўрнига Бўри полвоннинг икки оёғига қўшиб тепиб, ерга урди. Бош баковул рўпарасига бориб ўтиреди.

Хўжасоатликлар:

— Қўлинни қўйиб юборган эди, бекор!

— Абил тентакнинг эси жойидами ўзи?

— Баковулнинг олдига бориб ўтиришини қаранг!

— Юз бўлмагандан кейин шу-да!

Шўрчиликлар ҳам улардан қолишимади. Насим полвон бошини чипқон чиққан ёғига қийшайтириб ўрнидан турди. Қўлинни шоп қилиб, баковулга шанғиллади:

— Қўлини қўйиб юбормасдан олдин йиқитди! А бил тентакка ҳақи берилсиз! Уҳ-уҳ,вой бўйним-э...

Бўри полвон Насимга ўқрайиб, ерга тупурди.

Баковул жанжални ҳал этиш учун ўнг қўлини кўтарди:

— Биродарлар, жим! Яхшиси, ана, даврада бетараф меҳмонлар ўтирибди. Шулардан сўраймиз. Маъқулми? Сариосиёликлар, қани, сиз холисанилло гапиринг!

Сариосиёликлар тўпидан овозлар:

— Фирром-э, фирром! Бўри полвон қўлини қўйиб юборган эди!

— А бил тентак номардлик қилди!

— Яна тағин Насим полвоннинг жириллаши кимнинг газагига дори денг!

— У-ку, бир қасами... нўхтасини юлган...

Насим полвон музтар бўлиб қолди.

## 9

Улар қизишиб, бир-бирига ёмон-ёмон қараб, даврани полвона айланди!

Бўри полвон Абилнинг ёқасидан ушлаб ўзига тортиди. Оёги учини унинг чап тўпифига илдириб тортиб кўтарди. А бил оғирлигини оёғи кўтарилаётган тараффа ташлаб, кўтарилаётган оёғини бор кучи билан орқага тортиди. Худди шуни кутаётган Бўри полвон унинг оёғини бирдан қўйиб юборди. Абилнинг тўсатдан қўйиб юборилган оёғи кейинга силкниди. Бўри полвон товони билан унинг кейинга силкинган оёғига ичидан тепиб юборди. А бил бир айланиб тушди.

Бўри полвон унинг кўксига тиззасини тираб:

— Йиқитиш бундай бўлади, полвон!— деди.

Бу — полвон учун энг оғир хўрлик эди!

## 10

У Исмоилни тинмай таъқиб эта берди.

Бўри полвон тўйларга ўзига, фақат ўзига хос дабдаба билан боради. Оқибат, унинг келганини эшитган Исмоил полвон даврага чиқмайди. Бўри полвон ўйлаб қараса, бу дабдабали юришлари билан ўз ниятига этиши амримаҳол. У энди муғамбирлик ўйлига ўтди.

Термизда бўлган бир тўйга жуда кеч бориб, машина кабинасида даврага қараб ўтирди. Давра охирида

баковуллар бошқа катта полвон йўқ, дейишиб, кимсан — Бўри полвондай одамнинг яғринини ерга теккизган Исмоил полвонга жар солдилар. Исмоил полвон қурни бир айланиб ўзини кўрсатди. Бу вазиятни икки ойдан бери кутаётган Бўри полвон кабинадан сакраб тушиб, даврага кирди.

Бўри полвоннинг худди осмондан тушгандай фавқулодда пайдо бўлиши барчани ҳайрон қолдирди. Узаро шивир-шивир бошланиб, одамлар гап нимада эканини эслашди.

Исмоил полвон аросатда қолди: чиқай деса — Бўри полвон, чиқмай деса — унга чақиртирилиб, ўтага зот қўйилди. У чиқишига мажбур бўлди.

Бўри полвоннинг даврадаги важоҳати, ёнаётган кўзлари ҳар қандай полвонни сескантариб юборарди. У ғалабага ташна эди!

Ғалаба қозониш эса ҳамиша қийин! Айниқса бугун! Нега? Негаки, Бўри полвон фақат зафар қозониш учун олишади. Фақат, фақат ғалаба учун курашилса, унга етиш жуда-жуда мушкул бўлади! Баъзан етиб бўлмайди!

Йўқ, полвон ғалабани эмас, ғалаба полвонни қидирсинг, топсин! Полвон хоҳиш-ирода билан олишса, ўзининг нималарга қодирлигини, санъатини намойиш этса, ўз курашидан ўзи завқланиб, ғалабанинг ўзи келади!

## 11

Узоқ олишдилар. Қўйиб юборишганда Бўри полвон дам олиш учун даврадан чиқди. Ҳамроҳлари унинг уюшиб қолган билакларини уқалади.

У мағлуб бўлишини тасодиф, қола берса, ўзини юқори олиб, Исмоилни писанд қилмаганлигига, деб юрарди. Йўқ, Исмоил ҳақиқатан ҳам зўр экан!

Бўри полвон ўзидан бўлак зўр чиқишини хаёлига келтирмаган, зўр фақат битта — у мен, ўзимман, деб юрарди! Тўғриси... ўзидан бўлак зўр чиқишини хоҳламаган эди! Йўқ, Бўри полвон хоҳлагандай бўлмади!

Вақт! Шафқатсиз вақт ҳар даврнинг ўз зўрларини яратади. Инсон буни хоҳлайдими-йўқми, вақт учун бари бир — ярата беради!

Ана, вақт ўзининг янги зўрини яратибди! Ана у, ана, даврада ўз мавқеи, шон-шуҳратини талаб қилияпти!

Бўри полвон ўпкасини босолмай, ҳамроҳига суюнди. Ўз аждодларидан мадад сўради. Отасининг пирига сифинди. Оғзи каппа-каппа очилиб, ҳансираф нафас олди:

«Отагинам, мен ҳамиша сизнинг насиҳатларингизга амал қилиб келдим. Сиз айтар эдингиз: полвон ўзини уч балодан асрасин, энг биринчиси — аёлбозли! Отагинам, ёшим ўттизга етибдики, оёғимни қийшиқ босмадим, ҳаром-хариш йўлларга юрмадим. Ҳали уйланмадим ҳам.

Иккинчиси — ичкликтозли, дердингиз. Отагинам, мен ҳалигача оғзимга ароқ олмадим, ундан ҳазар қиласман.

Учинчиси — полвон ўзини нафс балосидан асрасин, дегувчи эдингиз. Отагинам, мен мол-дунё учун олишмадим. Мол-дунё ҳирсидан ўзимни ҳамиша сақлаб келдим.

Бўлмаса нимага бундай бўляпти, отагинам? Гуноҳимни айтинг, гуноҳимни! Мен Исмоил полвондан оримни олмоқчи эдим. Бўлмаяпти, отагинам, бўлмаяпти... Ушлаган бармоқларим бўшаб кетяпти. Оёғимда дармон йўқ. Ўлкам оғзимга тиқилиб қоляпти. Бу қандай кўргилик, отагинам? Е, қаридимми-а? Уҳ, қисмат, қисмат, зулминг қурсин!

Отагинам, мен давраларни мағлуб бўлиб тарк этаманми? Исмоил деган бир япалоқ боладан-а? Йўқ, отагинам, мен давраларда ҳамиша зўр эдим — даврани зўрларча тарк этаман! Отагинам, охирги даврамда мени бир қўлланг. Сўнгги, сўнгги бор қўлланг, отагинам...»

Бўри полвон даврага кирди.

Исмоил ҳам елкасидаги чопонни силкиб ташлаб, қурга сакраб тушди. У авзойи, ҳаракатларидан осонликча жон берадиганга ўхшамас эди.

Бўри полвон унга егудай бўлиб хўмрайиб қаради.

Исмоил полвон курашни иложи борича чўзишга ҳаракат қилди: шунда Бўри полвоннинг нафаси қайтиб, ҳолдан тояди. Ёш — ёшлигини, қари — қарилигини қиласми...

Бўри полвоч Исмоилнинг ниятини пайқаб қолди.

Ижирғаниб, бир-икки телба-тескари чиллар берди. Кам куч сарфлаб, кўп таҳдид қилиш йўлига ўтди. Бўри полвон нимаики қўймоқчи бўлса, Исмоил худди билгандай унинг ниятларини чиппакка чиқара берди.

У шундагина кўзга яқин, ягона зўрга жуда-жуда қийин эканлигини билди. Чунки зўрга ҳамма ҳавас билан қарайди. Унинг санъати, ўнги чапларини миридан-сиригача синчиклаб ўрганади. Зўрга тақлид қилиб, ўшандай зўр бўлгилари келади.

Зўр-чи? У ўзгаларни, айниқса ўзидан кучсизларни билмайди. Билишни истамайди. Чунки кўзга илмайди!

Зўрнинг яна бир фожиаси — у мағлубият аламини кам тотади. Зафар кетидан зафар... Зўр — зафар оғушида яшайди!

Йўқ, зўр мағлубиятлар аламини ҳам тотиб туриши лозим. Шундагина ўзи ҳақида ўйлаб кўради, сергаклик билан яшайди. Зўрга мағлубият ғалаба қатори баб-баравар зарур. Айниқса, ўзига ишонган, мағур зўрга!

Бўри полвон ана шундай эўр эди!

## 14

Бўри полвон бу юриши фойдасизligини, шундай олиша берса Исмоил қўймоқчи бўлган қопқонга тушишини билди.

У энди Исмоилга бегона бўлган кураш бошлади — унинг чап ёнидан борди. У, Исмоил полвон чап ёғи билан деярли олиша олмаслигини сезган эди. Қолаберса, бу ёғидан унинг ўзи ҳам ундаи айтган даражада яхши олиша олмайди.

Шундай бўлса-да, Исмоилни боши берк кўчага солиб қўймоқчи бўлди. Ҳақиқатан ҳам Исмоил нима қилишини билмай, довдираб қолди. У бари бир Бўри полвонининг ўнгидан — яғринига олишидан эҳтиёт бўлди.

Бўри полвон билдики, яғриндан умид йўқ. У энди Исмоил учун кутнлмаган яна бир ҳунарини қўлла-моқчи бўлди. Ҳа, ҳар бир полвонда ўзининг энг хавфли, зўр ҳунаридан бўлак яна яхши бир ҳунари бўлади. Полвон бу ҳунарини ўзининг энг асосий ҳунаричалик зўр бажара олмаса ҳам, ҳар ҳолда, яхши билади. Бўри полвонининг яна бир энг яхши ҳунари — бир оёғини тўғоноқ қилиб тўшаб, ганимити орқага сермаб юбориш эди. Бу иншоятда хавфли. Чунки бир

оёғини ёнига тўшаганда бор оғирлиги ғанимига яқинроқ бўлган оёғига тушади. Ғаними худди шу оёғига қоқиб юборсами...

Бўри полвон давра айланиб, ўзича бу ниятини қандай қилиб амалга ошириш йўлини ўйлади. Ушлашиб, Исмоилнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап сонига ошириб тепди. Елкага олмоқчи бўлди. Шунда уни бир фалокат сақлади: Исмоил уни орқага қайириб юборди. Бўри полвон ўзини кўкраклари билан ерга ташлаб, фалокатдан қутулди. Ерга тушган дўпписини асабий қоқиб, кийди. Бўри полвон зўр, Исмоил полвон ундан ҳам зўр эди!

## 15

У энди бир нарсадан умид қиласди: «Хўш, кучику, камайиб қолибди. Наҳотки, қуруқ кучига ишонаётган ёш боланинг бирор корини қилиб бўлмаса?»

Унинг хаёлига ўзига маъқул бўлган бир фикр келди... Тўхтаб, Исмоилга қараб юрди. Исмоил кейинга сурилиб, ўзини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга олиб қочди. Бўри полвоннинг мўлжалига бормади. «Фақат қўйиб юбор дегунча қиласидиган ишни қилиш керак, бўлмаса фирром бўлади», деди Бўри полвон ичиди. Исмоилга қаради. Исмоил елкасидан нафас олиб қур айланяпти. Кўриниб турибди, уям чарчади.

Ана, машъала тўғрисига яқинлашиб келди. Бўри полвон эса давранинг бу четида боряпти. У ўзича тахмин қилди: «Ҳозир олишмоқчи бўлиб ўгирилса, Исмоил ҳам олишмоқчи бўлиб тайёрлангунча олов тўғрисига келиб қолади».

Бўри полвон ўртага қараб юрди. У кутгандай Исмоил яна бир-икки қадам ташлаб, олов тўғрисига келганда тўхтади. Ёнига ўгирилди. Ўртага — Бўри полвонга қараб юрди. Унинг елкалари устидан ловиллаб ёнаётган машъала кўришиб турибди. Тескари турганилиги сабабли юzlари қорайиб кўринади.

Полвонлар бир-бирига қулоч отиб кела берди!

Бўри полвон Исмоилнинг ёқасидан ушлаб, ичидан чил берди. Жон-жаҳди билан орқага сурди. Шундай тезлик билан сурдики, Исмоил ўзини ўнгаям, чапгаям ололмади. Машъалага яқинлашиб келганларида орқадан:

— Э-э, олов! Олов бор! — деган хавотирли овозлар эшистилди...

Олов тафтини сезган Исмоил кескин тўхтади... Ор-

қага бир чалқайиб, оловга йиқилмаслик учун гавдасиши олдинга ташлади. Яъни, гавдасини Бўри полвонга бериб қўйди.

Бўри полвон ниҳоятда тезлик билан чилини чиқриб, чап оёғини ёнига тўшади-да, И smoилни орқага — давра ўртасига сермаб юборди:

— Е, отам!..

И smoил унинг тўғоноқ оёғи устидан ошиб, давра ўртасига чалқанча тушди!

Ҳай-ҳай-ҳай! Ёшлик — ёшлигини, кўпни кўрганилик — кўпни кўрганилигини қилди! Тажриба! Тажриба зафар қозонди!

Бўри полвон қўлларини кўтарганича даврадан чо-либ чиқиб, ҳамроҳини бағрига босди. Шивирлаб:

— Кўрдингми мени? Кўриб қўй! — дед ҳамроҳини қучоқлаб-қучоқлаб ўпди.

Кулаётган ёноқларидан мунчоқ-мунчоқ ёшлар оқди.

## 16

Эртасига уйида ош дамлаб қишлоқнинг гапга етар одамларини, хеш-табор, ҳамсоязларини чақирди. Даврани тарк этажаги, уйланажагини айтди.

— Э, қўйинг-э, кўзимизга суртиб ўтирган полвониз сиз-ку,— деди одамлар ёппасига.

Насиҳат қилдилар. Насиҳатлари зое кетди.

Бўри полвон ўз билганидан қолмади. Бригадасида Сулув деган қиз бўлиб, полвон худди шу қизни мўзиининг остига босиб юради.

Шу қиз полвоннинг кўнглига ўтириб қолди! Кўнглига ўтиргани — Сулув эркак зотининг кўзига тик қарамасди. У ўз оти ўзи билан сулув, бўйчан эди. Ўроқ ўриш, узум узишда Сулувдан ўтадиганий йўқ эди.

Бўри полвон Сулувни бегона қилмади.

## 17

Раиснинг суюқоёқлиги элга жория бўлди.

Колхоз мироби сув ёқалаб тоққа чиқиб кетди. Кўлоқларда ҳафталааб оч-наҳор ётди, қишлоқ сувсиз ғолмасин, деди. Бир тун яримдан оқсанда миробининг кўнглига ғулгула тушди, кўнгли безовта бўлди, кўнгли ҳадик олди!

Отланыб, уйига йўл олди. Келса, дарвоза ичидаи

қулф. Отни дарвоза устунига боғлаб, девордан ошиб ўтди. Деворни пайнаслаб, қалит осиладиган михни излади. Қалит михда йўқ. Уйига равона бўлди. Эшикни тортиб, оч, онаси, оч, деди. Жавоб бўлмади. Аччиқ билан эшикни бир тортиб эди, эшик зулфини жаранглаб узилиб, очилди. Остонадан энди ҳатлаётганди, бўғзидан занжирдай бир нима қисди. Мироб жон талвасада қўлидаги қамчи дастаси билан қулочкашлаб урди. Даста бир нимага «тарс» этиб тегди. Миробнинг бўғзидаги занжир узилди. Мироб қўрқув ҳам ваҳима билан шошиб бориб лампа-чироқни ёқди. Уй ёриди. Мироб қараса, эшик олдида қип-яланғоч бир одам сулайиб ётибди. Манглайндан қон оқаяпти. Яхшилаб қаради — колхоз раиси! Ҳурпайиб турган кўрпани бир четидан очиб қаради. Яланғоч аёли ғужанак бўлиб ётибди.

Мироб масалани тушунди. У аёlinи уриб-уриб, тепиб-тепиб, чалажон қилиб ташлади. Шу ердаёқ паттасини қўлига нақд берди.

Танача кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди!

Сўнг, яланғоч раисни билагидан судраб, ҳовлига олиб чиқди. Ёғоч михда осиғлиқ арқонни олиб, раисни оёқ-қўлинни танасига тортиб боғлади. Шу алфозда отга ўнгариб, районга олиб жўнади. Раис йўлда ўзига келди. Нима гаплигини пайқаб, ҳўнгиллаб йиглаб қўя берди. Ялинди, ёлворди, дунё ваъда қилди, бўлмади. Бола-чақасини ўртага қўйди, яна бўлмади. Мироб унинг оҳларини эшитмайин деб, оғзига отнинг яғирига қўядиган пахтани тиқиб қўйди.

Тонгнинг таги оқаравериб-оқаравериб, район ижроқўми олдига этиб келди. Раисни идора олдидаги симёғочга танғиб боғлади. Узи отига қамчи босиб, уйига йўл олди...

Раис урилиб кетди.

Колхознинг умумий мажлисида Бўри полвонни раисликка кўтардилар. Халқ ҳам, район катталариям Бўри полвонни хоҳлади.

Бўри полвон раисликни олиб кетди. У ўйлаб қараса, катта бўлиб иш буюриш, йўл-йўриқлар бериш, қофзларга қўл қўйиш осон, уни ижро этиш қийин экан...

Кейин, уруш бошланди. Эркаклар урушга кетди. Раис қолди. Қўшни «Янги ҳаёт» колхози раислигини-ям унга юкладилар.

Уруш — ўз оти ўзи билан уруш! Не-не полвонлар қайтиб келмади!

Сут билан кирган жон билан чиқар экан. У энди ўзи билан ўзи кураша бошлади. Давраларга қараб ўтириб, бирдан чиқиб курашгиси келади. Айниқса ланж полвонларнинг курашини кўрганда унга бир бўлак кун туғади. Ўтиrolмай, ўрнидан туриб кетади. Қўлларини орқасига қилиб, давра сиртида асабий юра бошлайди. «Қўғирчоқ! Полвон әмас булар, қўғирчоқ!»— дейди ўзича. Ўз қишлоғи полвонлари мағлуб бўлганда бутун вужуди қизиб, қалтироқ тутади. Полвонлик қони қизиб, даврага чорлайди — чиқ, чиқ, дейди. Начора, дард бору, дармон йўқ!

Бўри полвонсиз давралар файесиз бўлиб қолди. Унинг ўрни жуда-жуда билинди. Одамлар Бўри полвоннинг курашини қўмсади. Кураш Бўри полвонга ҳалол эди-да, эҳ, дедилар бош чайқаб. Улар яна бир ёруғ юлдузни — Бўри полвондай бир зўрни кутдилар.

Мардона ўйинларда ёруғ юлдуз бўлса! Ёруғ юлдуз давраларга ҳамиша кўрк, салобат беради. Теваракдаги рангсиз, митти юлдузларнинг хиralигини билдирамайди.

Бўри полвон ҳам давраларга интиқ бўлиб қараб, ўзини излади. Йўқ! Бўри полвон йўқ!

Аксига олиб, аёлининг топганиям қиз! Мана, тўртинчи фарзанд туғилди — яна қиз!

Бўри полвон пешонасини тириштириб, ўзича тўнфиллади:

— Уёққа қарасанг ҳам қиз, буёққа қарасанг ҳам қиз — ҳаммаёқ қиз...

Бешик тебратаетган аёли мийиғида кулди. Илмоқли қилиб:

- Яхши ният қилинг,— деди.
- Яхши ният қилмай нима қиласпман? Э!
- Қуруқ ниятнинг ўзи кифоя қилмайди...
- Бўлди-е, уккағарнинг аёли!

Шундай қилиб, Бўри полвон аёли билан ҳар ўн саккиз кунда бир марта бирга ётадиган бўлди... Диљидидан давраларни гурсиллатиб олишадиган ўғил тилади.

Ниҳоят, бешинчи фарзанди ўғил бўлди! Тилаб-тилаб топганим дея, отини Тиловберди қўйди.

Бўри полвон энди орзу билан овунди: ўғли Тиловберди балоғатга етяпти — от ўрнини той босар...

Елғиз ўғил Тиловберди тез стилди. Уни күёв қилмоқчи бўлганлар кўпайди. Айримлари тилга бориб айтди. Аммо Бўри полвои камшири қистаса ҳам рози бўлмади:

— Полвои ўзини уч балодан асрасагина полвои бўлади. Биринчиси — аёлдан ўзини тийиш. Шошмасин, ҳали ёш.

У ўғлини тарбия қила берди. Наҳорда уйқудан уйғотиб, тухум ютқизди...

## XXI

Бўри полвои ўғлига қараб, ҳайрат ҳам қувонч билан жилмайди. Тавба, худди ўзидаи олишади-я! Айниқса, ўйнаб-ўйнаб олишуви, ҳайқириб-ҳайқириб чил берини — отасининг ўзгинаси!

Отамисан — ўғлииг бўлсин экан!

## XXII

Давра айланаётгап Тиловберди чўккалаб, ери таевоф қилди: икки кафтини ерга суйкаб, юзларига тортиди. Кур тўрида ўтирган чоллар рўпарасига тиз чўқди. Чоллар кафтлариши баравар очди:

— Белингга қувват, билагингга куч, юрагингга ўт берсни...

Полвоинлар давра айланиб, қўл бериб кўришди.

Сўнг — кураш! Тиловберди полвои давра четида тўхтаб, кескин бурнилди. Желаклари этагини орқага сурди. Қўлларини туфлаб ҳўллади. Унг оёғини лапанглатиб олға ташлаб, қўлларини боши узра кўтарди. Бармоқларини ўйнатиб, Максим полвоонга қараб бора берди.

— Ҳа, баракалла, ота ўғли! Уйна, ўйнай бер! Отангга ўхшаб ўйна!

Бармоқлар мардона, чаққон ўйнади. Давра буъдан жўшиб кетди:

— Ҳа-ҳа-а-а!

— Отасининг ули-да!

Бармоқ ўйнини — полвоинлар санъати. Бу санъатни ҳеч ким полеоиҷчалик ижро этолмайди.

— Ҳа, дў-ў-ўст!

Тиловберди полвои Максимнинг ичидан чил бериб чапга, сўнг ўнгга кўтарди. Шиддат билан кейинга сурди. Тарин бўлмади. Максим полвои орқасига тенгсарилиб бориб, жойида туриб қолди. Полвоинлар қўйиб юборишиб, яна давра айланди.

## XXIII

Бир зум жимжит бўлиб қолган давра яна жонланди. Одамлар уларнинг курашини ўзаро гапиришиб ўтириди:

— Шу, Максим полвон жуда совуқ олишар экан, нима дедингиз?

— Спортчи-да, секцияда тарбия топган. Улар китобда нима ёзилган бўлса шуни қиласди.

— Телевизорда Монреаль олимпиадасини кўрдиларингизми? Классик курашни олиб кўрсатди. Бирам совуғ-э, шуям олиш бўлди-ю.

— Ҳм, жуда ланж олиш. Классик курашда оёқ билан чил бериш деган гап йўқ.

— Яна тағин жаҳон спорти эмиш денг.

— У французларники-а?

— Шу, французларгаям қойилман — ўзининг олишини бутун жаҳонга ёйган-а.

— Мўмин муаллим, мана, сиз ўқимишли одамсиз — уйингизда китобингиз кўп, деб эшитаман. Сиз айтинг, нега энди бир ланж классик кураш бутун жаҳон спорти бўлади-ю, ўзимизнинг олишни фақат тўйда ё «Ҳосил байрами»да кўрамиз? Е, олишимиз спорт эмасми?

— Спорт ҳам гапми, санъат! Кўряпсизми, Тилов бердининг ўйнаб олишувини. Буни ҳеч қайси тренер, секция ҳам ўргатолмайди.

— Бали! Ўзоқларга қараб яшаймизу, оёғимиз остидаги гавҳарни кўрмаймиз.

— Отангизга раҳмат! Яқинда Москвада ўқиётган Жаббор бир олим ошнасини олиб келди. Олишни томоша қилидирибди. Ошнаси ҳайрон бўлиб, нима дермиш денг, булар физкультура институтини битирганими, дермиш.

— Э, ха-ха-ха! Жаббор нима дебди?

— Иўқ, биз ўзи шундай халқ, деб жавоб берибди.

— Мен яқинда самбо олиши ҳақидаги китобни кўрдим. Ҳамма чилларнинг расми бор. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, оёқдан олишдан бошқа ҳаммаси ўзимизнинг олишда бор экан-е.

— Менгбой калнинг гапида жон бор. Китоблик Сайфиддин Ходиев бор-ку, яқинда ўща билан ўтириб қолдим. Тренерлар мени жаҳон чемпиони қилиб етиштирдим, деб суюнади, билмайдиларки, мен болалигимдан тўйларда олишиб юрган тайёр полвон эдим, дейди.

— Айтгандай, шу бола икки марта жаҳон чемпиони бўлди-я.

— Ҳа-да, Мўғалистонда қандай қилиб жаҳон чемпиони бўлганини гапириб берди. Олиш вақти тугашига бир неча секунд қолганда ёнбошга олиб уриб очко олдим, дейди. Бундай ҳунар бошқа бирор олишда йўқ, фақат бизнинг олишимизда бор, дейди.

— Ота-бовамизнинг ҳунарини маҳкам ушласак, жаҳоннинг энг ўр полвони биз бўламизку-я, нима дедингиз, шўро бова?

— Кўп ношукурлик қила берманглар, ҳалиям зўрмиз. Ана, жаҳон чемпионлари Сайфиддин, Собир Қурбонов...

— Э-э, бўтам, улар ўзимизнинг олишдан чиққани билан самбо бўйича чемпион бўлган-да.

— Сизга қандайи керак?

— Шу, ўзимизнинг олиш бўйича жаҳон чемпиони бўлса экан.

— Ганингизга тушунмадим, Нурмат тоғчи.

— Нима бало, калланг шамолда қолганими дейман. Масалан, дунёдаги кўнгйина халқлар ўзларининг ҳеч бўлмаганда битта спортини жаҳон миқёсига кўтарган. Биздан эса жаҳонга кўтарилган биттаем спорт тури йўқ.

— Бу ўзимизга боғлиқ...

#### XXIV

Тиловберди полвон бу сафар шиддат билан бораб тиячилга олди: Максим полвоннинг ёқасидан қўшқўдлаб ушлаб, ўнг оёғини орқасидан илдириб ўрадида, зарб билан орқага сурди:

— Ё-ё-ё!

— Су-у-ур!

Максим полвон заранг таёқдай экан — қайрилмади. Тиловбердини орқага товлаб юборди. Тиловберди ўмгани билан ерга тушди. Қўлларини кенг ёзиб, мен қўйиб юбордим, сиз ҳам қўйиб юборинг, деган ишорани қилди. Бироқ Максим полвон қўйиб юбормай, уни қайриб, чаљсанча босмоқчи бўлди. Худди самбо олишибдагидай судради.

Одамлар шөвқин кўтарди:

— Ҳай-ҳай, судрама!

— Бу қанақа полвон ўзи!

— Қалласи борми бунинг, ётган одамиям судрайдими!

Бўри полвоннинг ўғлига ичи ачиdi. У, Тиловберди ўрнидан туриб Максим полвон билан ёқалашиб кетади, деб ўйлаганди. Йўқ, ўғли вазмин йигит бўлибди. Ўрнидан тураётib, Максим полвонга бир ўқрайиб қараб қўйди, холос.

Бўри полвон даврага юзланди:

— Халойик, кўрдиларингиз, шўрчиликлар олиши мизга бирмунча шак келтирди! Биласиз, уккағар ўша самбодаям, эркин курашдаям, классик кураш, дзюдо деганидаям, барча-барчасида полвон дустаман<sup>1</sup>, ё ёнбош йиқилса, ё тиззалаб ўтириб қолса, иккинчиси ҳалол йиқитаман деб, бечора полвонни судраб, ерга пий-палайди. Е бўлмаса, бирор жойини қайиради. Ерда юмалаб ётган одамни судрайди-я! Е пиrim-э, ё пиrim-э... Бу эркакнинг иши эмас! Эркакмисан — оёғида тик турган эркак билан олиш!

Тиловберди полвон шиддат билан олишуви, иложи бўлса, Максим полвонга ўзини ушлатмаслиги лозим. Ушлатса албатта бирор ҳимоя йўлини қўллаб, Тиловбердини қимирлатмай қўяди. Чунки секцияда ҳимоя ўргатилади. Бизнинг олишимизда эса ҳимоя ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фақат ҳужум! Тиловберди полвон шундай тез олишуви керакки, Максим полвон ўлашга ҳам улгурмай қолсин.

Бу фикр кўпчиликнинг, жумладан, Бўри полвоннинг ҳам хаёлига келди. Бўри полвон ўғлига айтмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди: «Шашти баланд — шундай олишса керак. Менинг ўғлим бўлса шундай олишади».

Бўри полвон Максимга ўгирилди.

— Ҳа, айтгандай, полвон, мавриди келганда айтиб қўяй, зинҳор-базинҳор тиззадан пастдан ушлама! Буям бизнинг рисоламизга тўғри келмайди!

Тиловберди полвон шитоб билан ўйнаб бориб, ўнг қўлини Максимнинг иштонбоғидан ўтказиб ушлади. Чап қўли билан ўнг тирсагидан ўраб ушлаб, уччога олди:

— Ё-ё-ё!

Диққат, Максим полвон Тиловбердининг уччосидан ошяпти! Қаранг-қаранг, боши ерга эгилди, оёқлари Тиловбердининг боши узра кўтарилди. Ниҳоят, қоқ ярини билан ерга учиб боряпти. Ҳайқириқ ҳам ниҳоясига етди:

<sup>1</sup> Юзтубан.

— ...Отамнинг пири!

Гурс!

СССР спорт мастери Максим полвон юлдуз са-  
нади!

— Ҳало-о-ол!

— Э, яша, отасининг ули!

Тиловберди Максим полвонни турғизиб, унинг ел-  
касига ёпишган сомонларни қоқди. Қўл бериб хайр-  
лашдилар.

## XXV

Тиловберди уччога олаётганда Максим полвон  
німа қилди? У самбо олишидаги вазиятни қўллади:  
гавдасини хиёл олға эгди, ўнг оёғини бир қадам ол-  
динга босиб, тиззасини буқди. Қулочини олдинга ёзди.  
Эътибор беринг, биринчидан — ўнг оёғини, иккинчи-  
дан — гавдасини, учинчидан эса гўё марҳамат қила-  
ётгандай ўнг қўлини бериб қўйди. Қимирламай, ҳам-  
лани кутди. Тиловбердидай абжир полвон учун бу юз  
фоизлик имконият деган сўз эди!

Баковул унинг елкасига тўн ёпиб, серкапи тўйхо-  
надан оласиз, деди. Чунки даврага деб олиб келинган  
моллар совуққа чидаёлмай қочиб кета бериб, хиз-  
матчиларнинг жонига теккани учун оғилга қамаб қўй-  
ган эдилар.

## XXVI

Бўри полвон кулимсиради: «Во уккағарнинг ўғ-  
ли-е! Отамнинг пири деди-я. Шундай демаганда йиқи-  
толмасдиям-да. Уни менинг пирим қўллади, ҳа! Э,  
бали, ўғлим-е, бали!»

У ўғли эмас, гўё ўзи ғолиб бўлгандай керилиб, те-  
варакка қараб қўйди.

Шўрчиликлар Максим полвоннинг йиқилишини  
кутмаган шекилли, мағлубнинг орига дарров чиқа бер-  
мадилар. Уларнинг оқсоқоли:

— Тиловберди полвон бир майдон дамини олсин,  
биз унгача кимни чиқаришни кенгашиб оламиз!—  
деди.

Тиловберди тўнни фотиҳа берган чолларнинг олди-  
га қўйиб, даврадан чиқиб кетди.

## XXVII

Бўри полвоннинг ёнига бир полвон гурсиллаб тушди. Темир полвон Берди полвонин ит чилига олиб йиқитди. Берди полвоннинг срига ўрта ёшлардаги бир полвон чиқди. Темир полвон талабгорнинг юзига қарраб, ўзига-ўзи фотиҳа ўқиди-да, даврадан чиқиб кетди.

Давра ҳайрон.

Бўри полвон бориб гаплашиб келди. Юзларида табассум ўйнаб, даврага юз солди. Овози тўла фахр, ғурур бўлди:

— Халойиқ, мен Темир полвон билан гапиришдим, ҳа! Уккафар, қойилман, деяпти! Йимага дейсизми? Манави талабгор Чори полвон вақтида Темир полвонга бош-қош бўп тўйларга олиб борган, ўзининг ҳунарларидан унгаям ўргатган экан. Ышунга, Темир полвон айтятники, у киши менга устоз бўладилар, мен усто-зимнинг ёқасидан ушламайман, деяпти. Сиз нима дейсиз, халойиқ!

— Отасига раҳмат ўша полвоннинг!

— Асл полвон экан!

— Шундай фарзандларининг умри узоқ бўлсин!

— Туф-туф-туф, кўз тегмасин-э, асл ўзимизга тортибди!

Бўри полвон ўгирилиб, охирги гапни айтган одам ким эканини билолмади. «Бали! Бизнинг аслимиз шундай эди! — у хаёлан ўша одам билан гаплашиди. — Инчунин, ўзининг аслига тортмаган, уни унуган одам — одам ҳам эмас!»

## XXVIII

Полвонлар ўзларини орқага ташлаб, давра совиб қолди.

Бўри полвон жар солди:

— Халойиқ, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар! Зулфиқор полвоннинг бу даврага атаганлари кўп, ҳа! Мен сизга айтсан, тўйга элликдан кўп тўёна мол тушган! Зулфиқор полвон шунинг ярмини полвонларга ажратган! Оғилда чори қўй, панжи қўй, манги қўйлар қуйруғини кўтаролмай ётибди! Тортинмай даврага чиқиб, элга томоша кўрсатинг!

Сукунат. Бўри полвон билдики, полвонлар ҳал этувчи базиятни — тобоқ қўйилишини кутяни.

— Полвонлар, биламан, барниг тобоқ ташлашим-

ни пойлаяпсан! Уккағар писмиқлар-э! Олдиндан айтиб қўйяй, тобоқни оз ташлайман! Кўп бўлса иккита! Чиқиб олиш, бўлмаса пушаймон еб қоласан!

Боягина шўрчиликлар жуда танг аҳволга тушганини Бўри полвон сезмади. Ўларнинг олишмаган ё битта, ё иккита зўр полвони бўлиб, улар Тиловбердига чиқиб, борди-ю, йиқилса, давра охирига полвонлари қолмасди. Шу сабабли шўрчиликларнинг оқсоқоли тобоқ ташлангунча вақтни чўзиш учун муғамбирлик қилган эди.

Тобоқ нима? Бир вақтлар қовурдоқ солинган тобоқлар давра ўртасига қаторлаштириб қўйилган. Уларнинг ҳар бири совринни билдирган. Ҳозир бир оз ўзгача...

Шу пайт чироқ икки марта ўчиб ёнди. Одатда чироқчи тўйдан бирон нима умидвор бўлса, шундай ҳазиллашади.

Бўри полвон тўйхонадагиларга қичқирди:

— Ай, ким бор! Анави Николай чироқчининг қорни очқабди шекилли. Бир тобоқ паловга нон бостириб уккағарнинг улушкини элтиб беринглар! Ай, Жўрақулнинг ули, кўп мудрамай, олишга яхшилаб қараб ўтири! Бўлмаса полвон бўлолмайсан!

Бўри полвон бош баковул билан кенгашиб, тобоқ қўйди. Қур ўртасига иккита матони бўлак-бўлак узатиб ташлаб, ҳар бирига алоҳида таъриф берди:

— Халойиқ, эътиборингизни менга қаратинг! Мана, ҳўқиз тобоқ! Буни ким кўтарса, унга бир ҳўқиз, бир жуфт... Раис бова, калиш нечиламчи эди? Ҳа-а. Иҳм, ҳў-ӯш, бир жуфт иккиламчи калиш, бир тўн, ўн сўм пул қўйилди-и-и-и! Ҳўқиз бўлгандаям сўйса бир қишлоқни тўйдирадиган ҳўқиз! Манави гилам тобоқ! Бунга бир туркманча гилам, уйқудан уйғотадиган соат, ўн сўм пул қўйилди! Шундай гиламки, уйни тўлдиради, чироқда ялт-юлт қиласди! «Сифат белгиси» олган, ҳа! Шундайми, раис бова! Бали! Кимнинг кўнгли қайси тобоқقا чопса, келиб кўтара берсии! Армонда қолманг, тобоқларга қўйилган зотларни қайтараман...

Давра бирдан жонланди. Полвонлар шивирлашиб, ўзаро маслаҳатлаша бошлади. Қайсий тобоқни кўтарсалар экан?

Бир полвон даврага бошини камтарона эгиб келдида, ҳўқиз тобоқни кўтарди. Бўри полвон уни барчага танитди:

— Кўряпсизми, халойиқ, полвонларнинг... юрагига

тұлғула түшди! Хұқыз тобоқни шүрчилик Абраій полвон күтарди!

Даврада гилам тобоқ қолди. Бүри полвон хұжасоатлик полвонларга қаради. Улар бу қараш маъносини тушундилар шекилли, ғимирлашиб қолишиди. Қурға Тиловберди полвон чиқиб, гилам тобоқни олиб кетди.

Бүри полвон:

— Күрдінгизми, халойиқ, гилам тобоқни Тиловберди полвон күтарди! Қаны, тобоқни күтарған полвонларга талабгор бўлса қурни бир айласин, кўрайлик!

Абраій полвонга хұжасоатлик Жонибек чиқди. Талабгор давра айланниб, ўзини кўрсатиб кетди. Термизликлар бир зўр полвонларини асраб ўтирган эканлар. Тиловбердига чиқаришиди. Изидан шүрчилик Шоди полвон даврага чиқиб, буям Тиловбердига талаб қилди. Бүри полвон ҳайрон бўлди. Бирданига икки талабгор. Ҳудди шу ерда келишмовчилик юз берди.

Термизликлар:

— Тиловберди полвон билан бизнинг полвон олишади, у қурга биринчи бўлиб талаб қилиб чиқди,— деб туриб олди.

Шүрчиликлар:

— Йўқ, бизнинг полвон олишади,— деди.

Масала ҳал бўла бермагач, шүрчиликлар оқсоқоли ўринидан турди:

— Биродарлар, биз бош тобоқни қизғанаётганимиз йўқ. Аввало, гапни эшитинг. Хұжасоатниклар ўтган ҳафта Шўрчидаги даврада бизнинг яғринимизни ерга теккизиб келди. Ўз уйимиизда яғринимиз ерга теккани полвонларимизга кў-ў-ўп алам қилди. Биз шунга белимизни беш жойидан бойлаб келдик.

Даврада ғовур-ғувур:

— Во уккағар шўрчиликлар-э, қоқ миядан олди-ку!

— Булар бўш келмайди!

## XXIX

Шундай қилиб, Тиловберди билан шўрчилик Шоди полвон олишадиган бўлди.

«Менга дарёниг нарёғиям бир, буёғиям бир. Барни бир улимдан зўри йўқ,— ўйлади Бүри полвон. У фақат бир ишмага ҳайрон бўлди:— Шўрчида Абраій деган бундай катта полвон йўқ эди-ку. Бу ким бўлди

екан? Ё шўрчиликлар аламларини олиш учун бошқа ёқдан полвон ёллаб келдилармикин? Бундай воқеалар кўп бўлган...»

Бўри полвон шўрчиликлар тўпи рўпарасига ўтириб, паст овозда сўради:

— Иним, бу Абрај полвонларингни эшитмаган эканман, у кимлардан?

— Абраими? У Насим полвонининг уллари бўлади. Яқинда армиядан келди.

Бўри полвон сергакланиб, жавоб берган одамга тикилди. Урнидан туриб, Насим полвонга қаради. Уни ноаниқ ҳислар босиб кела берди. Хивич ушлаган бармоқлари қалтирай бошлади. Бармоқларининг хивични сиқувида қаҳр, нимадир қилишга чоғланиш бор эди. Титроқ чап қўли, лабларига ўтди. Даврадан қандай чиққанини билмай қолди. Олдига келган Амир полвоннинг елкасига қўлини қўйди. Оғир энтикиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, деёлмади — томоги қуриб қолган эди.

Амир полвон упинг авзойини кўриб қўлтиқлари остидан ушлади.

— Полвон бова, шима бўлди? Тиловберди, сув онке!

Унга совиган чой ичирдилар. Бўри полвон энтикиб, лабларини ялади. Жилмайди:

— Қарилик, укам, юрак ярамай қоляпти. Амир, сен буёқга юр.

Амир полвонни эргаштириб, қоронғига юрди.

— Амир, менга қара, шу Абрај деганига бизнинг Тиловбердини чиқар, хўими?

— Э, полвон бова, давра билиб қолди-да.

— Иўқ, сен гапга кир.

— Қийин дейман-ов, шўрчиликлар кўнмас.

— Кўнади, уларга бари бир...

Бўри полвон анчагача давра сиртида туриб қолди. Ўзини ўнглаб олгач, яна даврага кирди. Синиқ овозда жар солди.

— Халойик, эшитмадим деманглар! Ҳўқиз тобоқни кўтарган Абрај полвонга Тиловберди полвон чиқадиган бўлти! Гилам тобоқни эса Жонибек кўтарадиган бўлти. А? Энди ўёғини билмадим, халойик! Ўзлари шундай фикрга келибди, бир билганлари бўлса керак-да!

Дарҳақиқат, шўрчиликлар учун бари бир эди. Чунки Тиловбердиям, Жонибек ҳам давра эгалари.

Қурга биринчи бўлиб Шоди полвон билан Жонибек чиқди. Жонибек Шоди полвонни биринчи қўлдаёқ чап оёғига сиртидан илдириб кўтариб, тўлғаб урди.

Гилам Жонибекда кетди.

### XXX

— Қани, энди қурга ҳўқиз тобоқни кўтарганлар чиқсин!

Бўри полвон шундай деб, давра айланди. Қўз остидан Насим полвонга тикилди: «Насим ошна, ўғлингга бир оғизгина — чиқма, у Бўри бовангни ўғли экан, демадинг-а. Демайсан, деёлмайсан. Чунки сен ўша Насимсан... Сендан бундай гап чиқмайди. Мана ҳозир биласан, сенинг фарзандинг киму, менинг фарзандим ким...»

Насим полвоннинг тўғрисига келганда тўхтамай ўтолмади. Соқолини силаб, томоғини қирди: «Мени бир умр мағлуб этдим, қойил қилдим, деб юргандирсан? Ошна, адашасан».

У Насим полвоннинг юзларида бирор ўзгариш сезмади. Насим полвон юзларини мағрур тутиб ўтирибди. Бўри полвоннинг баттар ғаши келди. «Кўп қайқайма, сенинг бу ўтиришинг зўрма-зўраки, илжайишинг — чидаёлмасликдан. Биламан, ич-ичингдан зил кетяпсан. Ҳозир кўрасан, менинг ким эканимни. Олдингдан салом бериб ўтаман...»

### XXXI

У хаёл билан андармон бўлиб сезмабди — қараса, қурда полвонлар ҳалиям йўқ.

— Ай полвонлар, чиқинглар-да энди, давра маҳтал бўп қолди!

Насим полвон ўтирган ёқдан Абрај, рўпарў тарафдан Тиловберди полвон даврага тушди. Тиловберди меҳмонга ҳурмат юзасидан қўлини кўксига қўйиб, Абрај полвонни олдинга таклиф этди:

— Қани, полвон, тортинг!

Абрај полвон Тиловбердига йўл берди:

— Иўғ-э, йўл боши сиздан, полвон!

Тиловберди полвон олдинга ўтди. Абрај унга эргашди.

Бўри полвон шуни, худди шуни кутган эди. У юзларида табассум ўйнаб, узоқроқда бўлсаям Насим пол-

вонга яна қаради: «Кўрдингми, Насим ошна? Үғлинг менинг ўғлимдан олдинда юришга юраги дов бермади. Менинг ўғлим ҳамиша биринчи...»

У, ўғилларни бир-бирига қиёслай бошлади. Айниқса, Абрај полвоннинг син-симбатига синчиклаб тикилди. «Момоқизнинг ўғли хушсурат йигит бўпти. Аммо Момоқизга ўхшамайди. Отасига тортибди. Насимнинг ўзиям ҳусндор эди-да. Фақат бурнининг пучуқлиги Момоқизга келбат беради».

Бўри полвон соқоли учини буклаб тишлаб, сезилар-сезилмас бош ирғади: «Борди-ю, Момоқизга етганимда, Абрај полвон менинг ўғлим бўларди...»

Абраига суқим кирмасин, дея ён-верига туфлаб, на-зарини қувди: «Туф-туф-туф...»

## XXXII

Полвонлар қўл бериб кўришиб, яна айланди. Сўнг, бири давранинг бу четида, бири нариги четида тўхтаб, бир-бировига қаради. Тиловберди полвон желаклари ўнгирини орқага сурис, енгларини сал тортиб қўйди. Бармоқларини тили билан ҳўллади. Уйнаб, Абрај полвонга қараб бора берди. Абрај полвон қўзлари қаршисида мардона ўйнаётган бармоқлар орасида ҳеч нимани кўролмай қолди шекилли, кўзларини пирпиратиб, кейинга тисарилди. Тиловберди унинг кўзларига тикилди: Абрај полвон қўрқаётган эди. Демак, ҳамла-га ўтиш лозим. Тиловберди полвон ўнг қўли билан Абраининг ёқасидан ушлаб ичидан чил берди. Шиддат билан орқага сурди. Абрај полвон орқасига сел-танглаб бориб, кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Одамлар устига чалқанча тушди.

Тиловберди полвон йиқитдим, деб ўйлаб қўллари-ни кўтарди.

Насим полвон ёнидагилардан ташвишли овозда сўради:

— Нима бўлди-а, нима бўлди?

Насим полвоннинг овози жуда хаста, фақат кўзи ожизларга хос овоз эди.

Хўжасоатликлар Тиловберди полвонни олқишилаб қичқирди:

— Ҳал-о-о-о-ол!

— Тиловберди полвоннинг ҳақи берилсан!

— Хайрият, одамлар устига тушди, агар шу зарб билан ерга тушганда ичаги узиларди!

Тиловберди баковул қошига чўккалади.

Бўри полвоннинг юзларида қувонч ифодаси кўринмади. У вағир-вугур қилаётган ҳамқишлоқларига амирана қўл силтади:

— Халойиқ, жим! Кўп жавраманг, жим бўлинг! Эшитинг, даврадаги Бўри полвон сўзим: Тиловберди полвон Абрај полвонни йиқитолмади!

Қони тез хўжасоатликлар бидиллаб кетди:

— Э, қўйинг-э, полвон бова, чалқайрамон ташлади-ю!

— Бундан зиёд қандай йиқитиб бўлади!

— Е ерга киргизиб юборсинми!

Бўри полвон:

— Халойиқ, сўзлаб бўлдингизми? Ай, Менгтўра халфа, гапни бўлмай туринг, барака топинг! Қайтариб айтаман, Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор!

— Нимага бекор бўлар экан?

Бўри полвон:

— Чунки у одамлар устига йиқитди!

— Сизга бари бир эмасми қаерга йиқитгани!

— Йўқ! Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсаям бекор! Полвонмисан — ернинг устига йиқит! Қани, бошқатдан олишинглар!

— Тавба, тағин ота эмиш бу одам!

Тиловберди полвон отасига бир ўқрайди-да, қобонини уйиб, яна давра айланди.

Бўри полвон сезди — ўғли ундан норози. «Уҳ, қанийди ўғли ҳозир йиқитган бўлса! Ўғли буни билмайди-да. Билмагани яхши...»

### XXXIII

Бўри полвон ўғлига нимадир демоқчи эканини эсидан чиқарди. Ҳа, айтгандай, унинг кўпни кўрган кўзлари шуни сездики, Абрај полвон кўкрагини бериб олишар экан. Бўри полвон бундай вазиятларда ёқадан қўшқўллаб ушлаб, тик турганча бирдан яғринга олсанами албатта юлдуз санар эди.

Абрај полвон худди шунга жуда ўнг келар экан. Ўғли буни сездимикин? Айтсамикин? Айтган билан қийин — Тиловбердининг ўнги яғрин эмас.

Бўри полвон қобоқ-тумшуғи осилиб давра айланадётган ўғлига разм солди. Қараса, Абрај полвон оёқларини чўқقا тоблаяпти. У бундан фойдаланиб, ўғлини имлади. Қоронғига бориб, ўғлининг елкасига қўли-

ни қўйди. Тиловберди отасининг қўлини пастга тушириб, юзини тескари ўгирди.

— Нимага иддао қиласан? Нима, ҳаромни ҳалол деб имонимдан кечайми? Полвон бўлсаңг ҳалол йикит! Кўп терсайма. Сездингми, у кўкракларини бериб олишянти. Еқасидан жуфт қилиб ушлаб, тикиласига яғринга ол-чи. Магарам ошиб кетса. Олаётганингда ё отамнинг пири, де. Тайнин айт... бор.

Бўри полвон ўғлининг елкинига қоқиб, даврага киритди.

#### XXXIV

Тиловберди полвон яна ўйнаб ҳамлага ўтди.

Одамлар устига йиқилиб юрагини олдириб қўйган Абрај полвон Тиловбердининг жон-жаҳди билан ҳамлага ўтишини кўриб, яна кейинга тисарилди. Тиловберди полвон унинг ёқасига қўл узатганда, Абрај полвон билагига уриб, ушлатмади. Яна одамлар устига яқинлашиб келдилар. Шундай катта давра торлик қилиб қолди.

Одамлар фонусларини кўтариб, ўриниларидан туриб кетди:

— Ай-ай, ўртага бориб олишинглар, ўртага!

Улар бир-бирини тинмай таъқиб этиб, ўртага қараб юрди. Абрај полвон Тиловбердининг оёқларига ҳадиксираб қараб қўйди. Тиловберди полвон эса унинг кўзларига тик боқиб, пайт пойлади. Аммо отасининг санъатини ишлатишга юраги дов бермади. Сабаб? Чунки ҳар полвоннинг ўз ўнги бўлади. Шу ўнгига келганда ғанимини осонгина ерга уради. Отасининг ўнги — яғрини, боласининг ўнги — учкоси.

Қийин, оталар санъатини ишлатиш қийин...

Бўри полвон зўр армон, афсус-надоматлар билан бош иргаб тиззасига урди: эҳ, йигитлик йиллари!

Тиловберди полвон янада шиддат билан ҳамлага ўтди. Оёқларини кериб ташлаб, қулочини кенг ёзиб, айқириб кела берди:

— Ҳаҳ-аҳ-ҳаҳ!

Абрај полвон орқага тисарила бошлади. Тисарилаеттганда ўзини бирдан орқага ололмас, кўпинча чап оёғи олдинда қолиб жетар эди. Буни Тиловберди полвон сезиб қолди. Бироқ ўзини билмасликка олиб, Абрај полвоннинг кўзларига тик боқиб бора берди. Шу ҳолат яна такорланганда Тиловберди полвон эн-

чиллик билан унинг билагидан ушлаб, чап оёғига оёғини илдириб, ўзига тортди. Қўлини ёнбошига босди. Абрај полвон чап яғрини билан йиқилаётіб, қўлини тортіб олишга улгурди. Оёғи кўтарилиб, кўкракла-ри билан тушди-ю, ирғиб туриб кетди.

Жимжит бўлиб қолган давра бир қалқиб тушди. Юзлаб юраклар бараварига:

— У-у-уҳ!— деб юборди.

Бу — стадиондаги футбол ишқибозларининг тўп дарвоза ёнгинасидан ўтиб кетгандаги «уҳ»ига ўх-шарди.

— Уфф, бўлмади, бўлмади!

— Қўлини ушлаб қололмади-да!

### XXXV

Отасининг ўғли, қўлини қўйиб юбормаганингда Абрај полвон аниқ юлдуз санар эди! Шошяпсан шекилли-да. Ё бармоқларинг яхши ушломаяптими? Ун-дай бўлса ана — сув билан ҳўлла!

Полвонлар бош баковул олдида оғизларини совуқ чой билан чайқаб, қўлларини ҳўллади.

Уларнинг олиши бор-йўғи бир неча дақиқа давом этган бўлса-да, ғарқ терга ботиб қолишиди. Айниқса Тиловберди полвоннинг бўйни, юзларидан тер селоба бўлиб оқди.

Тиловберди полвон эндиги олишда Абрај полвонга қараб кутимаган ҳолни кўрди. Абрај ҳалигина чекинаётган полвонга ўҳшамас, дадил боқаётган кўзлари гўё кел, кела бер, олишни энди кўрасан, деяёт-гандай эди.

### XXXVI

Тиловберди полвон ғолибона юришда давом этди. Қўзлар яна бир-бирини таъқиб эта берди. Тиловберди ўнг оёғини олдинга лапанглатиб ташлайди. Баъзан эса ҳаддан ташқари олдинга ташлаб юбориб, гавдаси орқада қолади.

Абрај полвон буни сезди! Унинг оёғига атай қарамай, қўзларига тик боқиб бора берди. Бутун диқ-қат-эътибори эса оёқда. Кутаётган вазият яқинлашиб келаётгани сари қўзлари янада бесаранжом, бежо боқди.

Хўжасоатликлар унинг ниятини пайқамаган бўл-

салар-да, Тиловбердининг бепарволиги оқибатида рўй берётган нозик вазиятни сезиб қолди. Аммо Тиловбердини огоҳ қилишга журъат этмадилар. Эҳтимол, кўзлари тик боқаётган Абрај полвон бу вазиятни пайқамаётгандир? Борди-ю, овоз берсалар, Тиловбердини чалғитган бўлмайдиларми?

Хўжасоатликлар худди шу ташвишда миқ этмай ўтирибди. Жумладан, Бўри полвон ҳам.

Шўрчиликлар-чи? Шўрчиликлар ҳам бу вазиятни аллақачоҳ пайқаган, бироқ улар ҳам ташвишда: айтиб қўйсалар, Тиловберди оёғини тортиб олмайдими? Унда қопқонга илинаётган ўлжаки ҳуркитиб юборган бўладилар-ку?

Қалтис вазият!

Давра нафасини ичига ютган, теварак сув сепгандай жимжит. Фақат Тиловберди полвон билан Абрај полвоннинг нафас олиши эшитилади.

Полвоцлар бир-бирини руҳан арбаяпти!

## XXXVII

Давра четида чордана қурган Бўри полвон серрайиб қолди, ўзини, жамики оламни унутди. Фавқулодда сесканиб, ён-верига аланглади. Сомон орасида қораийиб кўринаётган гилосдай тошни олди. Уни гоҳ ўнг, гоҳ чап кафтига олиб ўйнади. Мисоли олма ўйнаётгандай. Сўнг, худди ёнғоқ чақаётгандай кафтида бир сиқди-да, ўзидан олисга отиб юборди. Қўйнидаги тасбәхини олиб, қироат билан ағдара берди.

Шиқ!

Ичиди калима қайтариб, ўнг кафтини юзларига тортиди. Боши чапга хиёл қийшайди. Ўғлининг лапанглаётган оёғидан кўз узмади: «Ўғлим, оёғингни ол!»

Шиқ!

Уни зўр ҳадик босиб, қадди тобора чўкиб бора берди. Томогини қирди. Овозини ёлғиз ўзи эшитди. Оғзи анграйганнамо очилди. «Ўғлим, сенга айтаман!»

Шиқ!

Йўқ, зафарли юришларга ўрганган отасининг ўғли оёғини олмади! Аксинча, хуруж қилиб бора берди!

Шиқ!

Отасининг ўғли, оёғингни ол, ол!

Шиқ!

Абрај полвон Тиловбердининг кўзларига тик бо-

қиб, унинг олға ташлаган оғигига ерга теккунча зарб билан қоқиб юборди:

— Ҳап-а-а-а!

Ҳайқириқ ниҳоясига етмасданоқ Тиловберди полвон икки яғрини билан ерга гупиллаб тушди!

### XXXVIII

Отасининг ўғли дангал йиқилди! Шундай зарб билан йиқилдики, зарбидан сапчиб туриб кетди!

Абрай полвон қўлларини осмонга чўзганча иргишлаб, даврани айланиб чопди. Шўрчиликлар ўрнидан туриб, бирорлари телпагини осмонга отди, бирорлари қучоқлашиб кетди.

Абрай полвон баковул олдига чўккалади. Баковул унинг елкасига тўн ёпиб:

— Ҳўқизни тўйхонадан оласиз.— деди.

Абрай полвон тўнни баланд кўтарганича даврани яна бир айланиб, чопиб чиқиб кетди.

### XXXIX

Шиқ!

Бўри полвонийг қўлидаги тасбеҳ ерга тушди. Кўзлари юмилиб, боши өрқага хиёл чалқайди. Яна ўзини ўнглаб олди. Мушгайиб, Насим полвонга қаради.

Насим полвон илжаяр, у таитана қиласр эди!

Бўри полвон бошини хам қилиб, ерда кулча бўлиб ётган тасбеҳига тикилди. Уни олиб, авайлаб турди-да, даврадан чиқиб кетди. Давра сиртида кийинаётган ўғлининг овозини эшитди. Ўғли йиғлаб гапирав эди:

— Мен йиқитгандай ғирром деди, мана оқибати! Отамиз ниятига етди! Отамиз бор экан, бизга ғанимнинг кераги йўқ!

Бўри полвон тўхтаб, нимадир дёмоқчи бўлди. Бироқ сўзлашга мадори етмади. Оҳиста одимлаб қоронгиликка кириб кетдай. Дуч кёлган гўзапоя уюмига чиқди. «Қоронғи қандай яхши, одамлар кўрмайди...»

Чўнқайиб ўтиреди. Ёнбошлиб, салласини орқага сурди. Титраётган бармоқлари тасбеҳ доналарини суръат билан санади: шиқ, шиқ, шиқ...

Овозлар:

— Даврага дуо берсаям бўлар эди, полвон бова қаёққа кетди-а?

— Чакиринглар, шу яқинда бўлса овоз беради!

- Бўри полвон, ҳо-о-о!
- Уйига кетди шекилли.
- Унда, раис бова, сиз дуо беринг.
- Йўғ-э, чоллар бор-ку. Қани, Мирза бова!
- ...Юртимиз ҳамиша тинч, обод бўлсин, полвон-ларимизнинг белига қувват берсин, сочилган ризқимизни териб еб, янаги давраларгача ўйнаб-кулиб юрайлик...

## XL

Одамлар фонуслари пилигини кўтариб, уйларига йўл олди. Ҳовлиларда итлар ҳурди. Чироқлар уч марта ўчиб ёнди: чироқчи тўй хизматчиларини огоҳлантириди. Бирор чўғни тепкилаб ўчирди. Хизматчилар кетди.

Ой шом еди.

У, кампири алағда бўлишини эслаб, ўрнидан қўз-фалди. Тимирскиланиб, пастга тушди. Чироқлар остида бир одам ҳамон ўтирибди. Танимади. Кўзлари ёруғда қамашди. Кафтини пешонасига соябон қилиб, ўтирган одамга қаради: Насим полвон қаппайган тугунга чўн-қайиб ўтирибди. Ҳамроҳлари даврада айирган молларини олиш учун тўйхонага кирган бўлса керак.

Насим полвоннинг юзларida ғолиблик кайфияти! У рўпарасида пайдо бўлган шарпани сезди шекилли, қўлларини олдинга чўзиб, бармоқларини қимирлатди:

— Абрай, келдиларингми?

Бўри полвон унинг бармоқларига тикилиб, кўнгли юмшаб кетди. Руҳиятида илиқлик, раҳмидиллик уйғонди. Насим полвонни бағрига босгиси, унинг соқолларига пешонасини суйкагиси келди. Бир қадам босиб тўхтади. «Йўқ, асло, асло! Мен Бўри полвон бўп туғилган эдим, дунёдан Бўри полвон бўп ўтаман!»

Йўлига бурилиб, нимқоронғиликка етганда тўхтади, яна қайтиб келди...

## XLI

«Айтгандай, Насим ошна... Бизнинг Момоқиз омоними? Тани жони соғ, ўйнаб-кулиб юрибдими? Вақти хушми? Уям қарибдими? Ошна, мен Момоқизнинг қариганига ишонмайман. Ҳаёлимда Момоқиз ҳалиям ўша Ҳолвачининг қирларида юргандагидай...

Насим ошна, мабодо сен унинг кўнглини оғритмадингми? Хўрламадингми? Абрайдан бошқаям фарзандларинг борми? Булса нечов?

Мендан сўрасанг, ошна, яратганнинг ўзига шукур, Тиловбердининг онаси билан тотув яшаемиз. Қиздан қизим, ўғилдан ўғлим бор. Қизларимдан невара-ларим кўп. Қизларимнинг ота, деганини эшишиб бир суюнсам, невараларимнинг бобо, деганини эшишиб икки суюнаман. Ҳадемай Тиловбердининг бошиниям иккита қиласман. Яратганга мунг қатла шукур, бирордан кам жойим йўқ.

Умрим халқа хизмат қилиб ўтятти, ошна. Йигирма йилдан ошиқ раис бўлдим. Бир колхозда шунча йил узлуксиз раис бўлиш айтишга осон.

Ошна, даврани қандай бошқарган бўлсам, колхозният шундай бошқардим!

Район катталарининг бари ишимдан миннатдор эди. Йўлдош Охунбобоевнинг ўзи келиб кўкрагимга медаль тақсан. Елкамга қоқиб, раҳмат, фирқа полвон, раҳмат, деган. Охунбобоев ҳамма фирманинг ҳам елкасига қоқа бермаган, ҳа! Йишонмасанг, Қобил шўрдан сўра. Лекин... Насим ошна, бир гап айтсам бирорга айтмайсанми? Ошна, Момоқиз ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди!

Одамнинг пок, сўнмас туйгулари кўп, бари ўз йўлига экан. Аммо биринчи кўнгил...

Насим ошна, мен биринчи кўнгилдан ифратли, сўнмасини кўрмадим!

Ошиқ умрим давомида жуда кўп қизларни кўрдим. Тағин, гапимни ёмон тарафга бурма, сенда шундай феъл бор... Мен қизларни кўчаларда, театрларда, тўймаъракаларда, киноларда кўрдим. Бари хушрўй-хушрўй. Айниқса ҳинд киноларидаги қизлар! Сув билан ютгудай! Ҳинд қизлари сулув-сулув! Ҳинд қизларининг қошлари оралиғида хол, ёноқларида хол, иякларида хол! Улар тўлғаниб-тўлғаниб, эшилиб-эшилиб ўйнайди. Мен шунда, ўзимизкинг ёшлигимизни ўйлайман. Момоқизни ўйлайман... Интиқ бўлиб, ҳинд киноларидан Момоқизни излайман. Момоқиз йўқ... Ҳинд қизлари ҳар қанча эшилиб ўйнасин, тўлғониб ўйнасин, бари бир Момоқизга келбат бермайди. Ҳинд қизлари Момоқиз бўлолмайди...

Насим ошна, ҳинд қизлариям Момоқизнинг олдиндан ўта берсин!

Тиловбердининг онасигаям кўнглим кетиб уйлан-

ғанман. У Момоқиздан ҳам хўшрўй... Ошна, уям Момоқизнинг олдидан ўта берсин!

Насим ошна, мен Момоқиздан улуғини кўрмадим!

Ҳар эр кўнгилнинг қиз кўнгилга айтажак гаплари бўлади. Кўнглида шу гапи бўлмаган йигит — йигит эмасдир. Шу гапни қайсиdir йигитдан итизор бўлиб кутмаган қиз ҳам — қиз эмасдир. Дунёга келдим, деб юрмасинлар!

Бирор бу гапни бир сўз билан айтади, бирор кўп сўз билан. Яна бирор айтолмай қолади...

Насим ошна, мен ўз гапимни Момоқизга айтолмай қолдим...

Аммо мен ўз умримдан шукур қиласман, ошна. Ўзимга-ўзим айтаман; Бўри полвон, сен йигит бўлиб эдинг, ана, биринчи кўнглинг бор, дейман...

Насим ошна, Момоқиз ҳалиям кўнглимнинг тубтубида яшайди. Уни бирор ҳам, ҳатто Тиловбердининг онасиям билмайди.

Мен Момоқизни уйқуларимда кўраман. У жилмайиб қараб туради. Кўзларимни очсан — уй зимистон, ёнимда Тиловбердининг онаси ётган бўлади. Ай онаси, Момоқиз келди — мен уни кўрдим, дегим келади. Демайман...

Саҳаргача уйқум келмай, Момоқизни ўйлаб ётаман. Яна келар, деган умидда кўзларимни юмиб кутаман. Йўқ, у энди келмайди...

Саҳармардондан тўриқни мипиб, ўзимизнинг қирларга йўл оламан. Ҳайрондарадан от соламан!

Бизнинг фаллазорлар йўқ — эндиги Ҳайрондара бошдан-оёқ пахтазор. Сув тараётган сувчилар йўл бўлсин, дейди. Мен, шундай, тўриқни совитиб юрибман, дейман. Мен тўриқниямас, ўзимни совитиб юрганимни сувчилар билмайди...

Холвачига от қўйиб чиқаман!

Теваракка аланглайман. Уша ўзимизнинг қирлар... Уккағар қирлар ҳалиям юксак! Товатошлар ёналарда йиқилай-йиқилай дея омонат турибди. Улар қичрайиб қолгандай. Ё отдалигим учун шундай кўриняптими, билмайман. Чаналар йўқ — унда-бунда комбайнлар тўхтаб турибди. Тўрғайлар сийраклаб қолибди. Жониворлар техникани хуш кўрмайди...

Уша-ўша... фақат Момоқиз йўқ!

Тўриқ ердаги хасларга узалади. Жиловни қўйиб юбораман. Саллам оғирлик қилаётгандай бўлади —

орқага суреб қўяман. Қўлимнинг юзи билан пешонами  
ни артаман. Пешонам ҳўл, тафтли!

Оғир хўрсинаман. Ёлкаларим бир ҳурпайиб тушади. Қамчили қўлимни чап сонимга қўяман. Олис-олисларга қарайман.

Наҳорнинг мулойим шамоли соқолимни силайди. Олислар кўзимни толдиради. Бошимни қуи эгиб, эгар қошига термилиб қоламан. Эгарнинг қошиям олислаб боради. Оппоқ туманда чайқалиб-чайқалиб, бора-бора кўринмай кетади. Туман суюқ...

Ҳайрон бўлиб бармоқларим билан пайпаслайман. Йўқ, эгарнинг қоши жойида турган бўлади. Киприк қоқаман. Бор эс-хушим, кўнглим бир қалқиб тушади. Оғир бир тош гурсиллаб юмалайди. Кейин эгар қошини, қўлимни, ундаги томчиларни кўраман.

Кўнглимдаги оғир тош шу томчилар билан оқиб тушади. Енгил тортаман. Қамчили қўлим томчиларни артади. Аммо фойдасиз — хиёл ўтмай бу қўлимгаям томади. Томофимга нимадир тиқилади. Ютинаийин дейман — бўлмайди, бўлмайди!

Бўри полвондай одамнинг ютинишга дармони йўқ!

Тўриқ ҳадик олади, жимишиб, бўйини гажак қилади. Тўриқнинг бўйнига суюнаман. Бармоқларим билан ёлларини тараиман. Бўйини қучоқлаб, ёлларига юзимни суйкайман, ай!..

Шунда... шунда, олис-олислардан бир қўшиқ эшитилади. Сергак тортиб, қаддимни росттайман. Қўшиқ тобора яқинлашиб кела беради. Бора-бора қирни тулади. Қўшиқ қўйнида қоламан. Кўнглим қўшиққа тўлади. Лиммо-лим! Яйраб кетаман. Олисларга термилиб, куляман...

Кўнглим томчилашини қўймайди, мен — кулишимни!

Ошна, мен ўзимизнинг қўшиқни эшитаман, ўзимизнинг! Уни Момоқиз айтади. Момоқиз! Қизлар жўр бўлади!

Насим ошна, мен ана шунда Момоқизни кўраман!

У ўроқ ўриб-ўриб... рўмолининг учи кўксига тушиб тушиб... Уни яна елкасига ташлаб-ташлаб... менга қиё боқиб-боқиб... Зулфларини тоблаб-тоблаб... Ҳам иболи, ҳам гинали кулиб-кулиб... қўшиқ айтади!»

## XLI

Бўри полвоннинг кўнгли тўлиб, ёноқларидан маржон-маржон ёш оқди. Қалби тўридан нималардир ўқсиб-ўқсиб кела берди. Лабларини маҳкам юмди. Ўқсик зарбидан елкалари силкина берди.

«Насим ошна, менинг сендан ўзгаям ошналарим кўп. Бари тирикчилик юзасидан. Сендан угина, мендан бугина қабилида. Болалиқдан билла ўстган ошнага келмас экан. Ошна, тўйларимда, бетоб бўлиб қолганларимда сени ёдга олдим. Айниқса бурноғи йили сени кўп қўмсадим. Чунки ана кетдим, мана кетдим бўлиб қолдим-да. Ҳамма, ҳатто ғанимларим ҳам келиб, кўнгил сўраб кетди. Сен келмадинг...

Келганинг билан ҳалак бўлардинг: бари бир гап қўшмас эдим!

Насим ошна, кўзимга кўринниб, ярамни янгила-динг. Уёғи етмагандай, мана, ўғлимниям йикитдинг.

Билиб қўй, ошна, изингдан сурганим-сурган. Қаерда давра бўлса, изингдан қувиб бораман. Тиловбердини ўғлинг билан уч сафаргача олишираман. Борди-ю, уч мартасидаям ўғлинг ўқтам келса, унда, на илож, учдан кейин пуч...

Бари бир қўймайман! Ана, неваларим бор. Яхшилаб эшитиб ол, ошна, насиб бўлса, неварамни неваранг билан олишираман! Ишончим комилки, неварам бобосининг орини олади!

Сен кўрмаяпсан, ошна, ой ботиб, юлдузлар биринкетин сўниб бораяпти. Ўғлим ўқтамлигига юлдузлар ёнгани ёнган эди. Ўғлим мағлуб бўлгач, билмайман, сўнгани сўнган...

Ҳар одамнинг кўкда ўз юлдузи бўлади, шу юлдузнинг ёнгани — шу одамнинг ёнгани, шу юлдузнинг сўнгани — шу одамнинг сўнгани, дейишар эди. Ё, шу гапда жон бормикин, ошна?

Йўқ, ошна, йўқ, асло!

Юлдузим ҳали ёнади! Давраларим ҳали давом этади! Невараларим давраларда «Ё бобомнинг пира!» — дея айқириб-айқириб олиша беради!

Юлдузим мангуд ёнади!»

### XLIII

Тўйхона эшиги тарафдан одам овози, қўй маъраши өшитилди. Бўри полвон йўлига бурилди.

«Хўш де, Насим ошна, хўш де. Яратганинг паниҳига...»

1976



## ҚУШИҚ

### I

Хумор момога кун туғди.

Ёлғиз ўғли Армиядан келадиган бўлди.

Остонасидан суюнчихўр аримади. Хушхабар олиб келганларнинг бировига тўн ёпди, бировига белбоғ ўради, бировига дўппи кийгизди, ёлғиз ўғлидан борини аямади. Қўли сандиқда, қўзи остонада бўлди.

Аскарликдан қайтган ўғилдан бўлса ҳадеганда дарак бўлавермади. Шунда, момонинг кўнглига таҳлика тушди. Чин-да, йўл азоби, гўр азоби, йўлда нималар бўлмайди. Чолини отлантириб, йўлга чиқарайин деса, чоли қирда ётиб арпа ўради. Икки-уч кунда ўроқчиларга сув олиб боргани бир келиб кетади. Бечора чоли ҳали эшитмаган, бўлмаса от қўйиб келади.

Хумор момо қўлинни пешонасига соябон қилиб, чоли арпа ўраётган қирга, сўнг, ўғли келадиган Денов йўлига қаради.

Ниҳоят, аскар келди. Хумор момо кўчага чиқмоқчи бўлиб, калишини излади. Ўёққа аланглаб, буёққа аланглаб, тополмади. Яланг сёёқ чиққани эп бўлмади. Бу суюнчихўларнинг иши эканини билиб, кулиб тураверди. Калишини сўраган бўлди, теваракда юрган ҳамсояқўллар, хеш-таборлар елка қисди. Ҳовли дарвозаси олдида қўлларини белбоғига қистириб турган Мардон жувозкаш деди:

— Суюнчисига бирор нима атамасангиз калишигизниям бермайман, дарвозаниям очмайман. А? Йўқ.

Мардон жувозкаш борнинг боласи, майда-чуйдаларга узатган оёғиниям йигмайди, ҳа!

Момо билди, калиши жувозкашда. Жувозкаш дарвозани ичидан заңжирлаб олди. Билди, кўрди — ўғли келди, ана, дарвоза тирқишидан одамлар қора берди.

Ўғли оstonада турганини кўрган момо, эндиги атайдигани охирги суюнчи эканини билган момо, уч йилдан буён ўғлини соғинавериб, юрак-бағри эзилиб юрган момо, йўқчилигиниям эсидан чиқариб қўйиб, қисир қолган молини атаб юборди:

— Анави молимни атадим, бор-э!

Шундан кейингина жувозкаш қўйнидаги калишни момонинг пойига олиб келиб қўйди. Момо калишни оёғига йўл-йўлакай илиб, дарвозага талпинди. Жувозкаш дарвозани очди.

Остонада аскар кўринди. Момо ўзини ўғлининг бағрига отди. Юзини ўғлининг бағрига босди. Аскар момони бағрига босиб, бир-икки марта ердан кўтариб олиб, ерга қўйди:

— Ты похудела, мамашка, ничего, старость — не радость!

Ўғли ердан кўтариб, ерга қўйганда, момонинг беллари зирқираб кетди. Момо войвойлади. Уғлининг қилигини соғинишга йўйди. Дарди ичидан бўлиб, теваракдагиларга сир бермади. Юзларини ўғлининг кўкрагидаги нишонларга сўйкаб, ҳўнграб йиғлади.

Аскар онасини юпатди:

— Ну, мамаша, хватит!

Аскарнинг боши узра сочқилар сочили. Болалар сочқиларни териб олди. Аскар сочқилар остида уйга кирди.

Давра бўлиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўралди. Аскар ҳол сўраганларга бош ирғаб, лўнда-лўнда жавоб берди. Даврага аланглаб, онасидан сўради:

— Мамаша, где... как эта, как... да-да, где папаша?

Хумор момо, бу нима деяпти, деган бўлиб, даврагдагиларга жавдираб қаради. Русчани чала-чулла тушнадиган жувозкаш тилмоч бўлди:

— Отасини сўрайпти шекилли, жола:

— Ҳа-а, отангми, отанг қирга арпа ўроққа кетиб эди, улим. Хабар етган бўлса ҳали-замон келиб қолади.

Аскар тушунарли, дегандай бош ирғади:

Хумор момо ўғлининг пойқадамига ош берди. Тўй, отаси қирдан қайтганда бўлади, деди:

Аскар эрталаб туриб, бадантарбия қилди. Белига-

ча ялангоч бўлиб, ҳовлини айланиб чопди. Оёғини кў-  
тариб, бебилчагини пешонасига теккизди. Қўлларини  
ерга тираб, ётиб турди:

— Раз-два-три, живо, сержант Арзикулов!

Кун терак бўйи бўлганда аскарнинг ён қишлоқда-  
ги холаси дўпцосдай ўғлини эргаштириб келди. Ас-  
кар холасига пешвоз чиқиб, бармоқларини чаккасига  
қўйиб честь берди:

— Сержант Арзикулов!

Кўришиш учун холасига қўл узатди. Холаси аскар-  
нинг қўлини эмас, ўзини бағрига олди. Аскар, жияни-  
га честь берди:

— Сержант Арзикулов! Как твой имя? Баҳром?  
Значить, рядовой Боря!

Жиян тоғасининг гапига тушунмай, онасига қара-  
ди. Онаси орага тушди:

— Энди, иним, жияннинг ҳали аскарга бормаган,  
ўз тилингизда гапирмасангиз, тушунмайди.

Аскар чалқанча ётиб, оёқларини чалиштириб, қа-  
йиш тўқасини тозалади. Бармоқлари билан кўкраги-  
га чертиб, деворга соялаб турган эшакка қараб хиргө-  
ни қилди:

— Ай лавю, ай лавю...

Кун оққанда аскарнинг отаси қирдан эниб келди.  
Отини дарвоза устунига қантарди. Қамчини белбоғига  
қистириб, унга равона бўлди. Қучогини кенг очиб, ўзи-  
ча кулимсираб, ўзича гапириб келаверди:

— Қани, аскар келиб қолибди-да; қани!

Аскар отасига пешвоз чиқиб, честь берди:

— О, папаша здорово! Сколько зима, сколько весна!

Отаси қулоқлашиб кўришиб бўлиб, шу ўзимнинг  
ўғлими, дегандай, аскарга қараб-қараб қўйди.

Отаси мол сўйиб аскарнинг қадамига қон чиқарди.  
Қариндош-уругларни, тапга етарларни чақириб, тўй  
қилиб берди. Үғлининг ўзини тутиши, гапларини кў-  
риб, улай-булай изза бўлмади. Майли, ҳали-ҳозир ша-  
ҳар, аскарликнинг давоси бор, кейин яхши бўлиб  
кетади, деб ўйлади.

Аммо аскар ўзига келмади. Мўйсафид отасининг  
тоқати тоқ бўлиб; ёрилди:

— Улим, эрта бирор айтган экан, отангни кўр-  
дим — аҳмади фориғ, энангни кўрдим — товони ёриқ,  
деб. Отанг шул, энанг шул, қўй энди, ўз тилингда гапир.

— Ну, даёшь, папаша, даёшь!

— Мен-ку, чала-чулпа биламан. Қизйл аскар бўл-

ганимда ўрис ошналарим билан тиллашавериб, пича билиб олиб эдим. Лекин энанг бечора манави қишлоқдан нарини кўрмаган, тушунолмай қийналяпти.

Отаси нима қилишини билмай, ўй сурис қолди. У бир вақтлар Денов, Термизларда қизил аскарлик машқини олиб келиб, мана шу ерларда Совет ҳокимиётини барпо этиш учун елкасига милтиқ, қўлтирига тўппонча осиб курашиб эди. Унда манави мишиқи пўрим онасининг қорнида ё бор, ё йўқ эди. Бу ўзи кимга пўримлик қиляпти?

Отаси зардаси қайнаб, кўйлагини кўтарди. Чап биқинида ҳамон сақланиб турган ажабтовур изларни кўрсатиб деди:

— Ай сержант, сен ўзи ким билан гаплашаётганингни биляпсанми? Мен наган тақиб, Совет ҳокимиётини ўрнатганимда қаерда эдинг? Энангнинг қорнида, отангнинг белида эдинг! Ишонмасанг, мана кўр, нағанинг изи ҳалиям турибди, мана!

Отаси у деди, бўлмади, бу деди, бўлмади. Аскар гапни корламади. Отаси шу чиндан ҳам ўзимнинг ўғлимми, ё, бошқа бироми, дегандай аскарнинг ўёғидан қаради, буёғидан қаради. Аниқ бир гапга келомади. Кейин, шу ўзимнинг ўғлим экани ё, ҳаққост чин бўлсин ё, ёлғон бўлсин, дея қўлига қамчи олди. Аскар отасининг ниятини пайқади шекилли, юлқиниб чиқиб ҳовлини айланиб қочди.

— Вой энажон, ўлдим-э!

Отаси белбоғидаги қамчини олиб, аскарни яланн оёқ бўлиб қувди.

— Энағарнинг боласи, тўхта дейман!

Аскар ўқдай учиб, ошхонага кириб борди. Қозонни айланиб чопиб, онасининг кетига паналади.

— Энажон, отамни ушланг! Жон эна, ушланг!

— Қўрқма-э, индамайди.

— Индайди, энажон, ҳеч бўлмаса қўлидаги қамчини олинг!

Отаси зуғум қилди:

— Ушлама мени, энаси, ушлама, энағарни бир қамчи остига олайн!

Онаси орача қилди:

— Қўйинг, энди қобил аскар бўлади. Айт, қобил бўламан, де.

— Энди қобил бўламан, отажон, жон ота!

— Ҳа-а, энағарнинг аскари, тилинг бор экан-ку!

— Бор, мана, бор!

## II

Шундай қилиб, аскарнинг тили чиқди. Аскарча киймларини ечиб, уй кийимларини кийди.

Бир эрта отасининг овозидан уйғониб кетди.

— Сержант Орзиқулов, буёққа бир қаранг!

Аскар ҳадаҳалаб кийиниб, отилиб борди. Уйқули кўзларини уқалаб, отасига жавдиради.

— Сержант Орзиқулов, бет-қўлни ювиб, фариштали бўлиб келинг, муҳим топшириқ бор!

Аскар чопқиллаб бориб, чопқиллаб келди. Отаси уни оғилхонага эргаштириб бориб, кечаси моллар ташлаган таппиларни кўрсатиб гапирди:

— Манавилар нима, сержант Орзиқулов? Ҳа, яшанг, таппи! Энди, ўзингиздан қолар гап йўқ, сержант, тирикчилик, ҳа, тирикчилик. Биласиз, таппи қишида кўп яхши ўтин бўлади. Қишининг ғамини ёзда е, деган. Энди, енгингизни билагингизгача туриб тапти ёғганский, ҳа! Қани, бошланг!

Аскар таппиларга қараб, кўнгли айниди. Отасининг қўлидаги қамчига, кейин таппига қаради. Истаристамас билакларини турди. Энкайиб, таппига қўл урди Қўнгли ўйнагандан-ўйнаб, кўзларини чирт юмди Яна кўзларини очиб, елкаси оша отасига қаради. Отаси ҳамон қамчисини ўйнатиб, қаққайиб қараб турибди. Аскар тақдирга тан берди. Яна кўзларини юмиб, таппини кафтларига олди. Қулочкашлаб, деворга ёпди. Шунда, онасининг девордаги қатор таппиларга ботиб қолган панжа изларига кўзи тушди.

— Ҳа, бали, сержант Орзиқулов, гап буңдай бўти-да! Энсанлизнинг қўлидан бир ишни оладиган бўлдингиз!

Бир оқшом отаси масалани кўндаланг қўйди:

— Мана, меҳмонлигингиз ҳам қариби, сержант Орзиқулов. Келди-кетдилар ҳам сийраклаб қолди. Сўрамоқдан айб йўқ, энди ким бўлмоқчисиз?

Аскар ҳарбий хизматдан қайтиб, ё, прокурор бўламан, ё, милиция бошлиғи бўламан, деб ният қилиб эди: Ниятини айтишга тили бормай, елкасини қисди. Отаси гапнинг пўскалласини айтди:

— Билмаганский-да? Унда, бизники билганский! Манави заранг таёқни олиб, орқамдан юрганский! Сержант Орзиқулов пода боқсанский!

Аскар анграйиб, отасига қаради. Отаси бир ўқравиб эди, аскар ўрнидан сапчиб турди:

— Есть, пода боққанский!

Шу кундан эътиборан аскар чакана чўпон бўлди. Бир кекса чўпонга ҳамроҳ бўлиб, адирда узун кун чакана мол боқди. Аввал-аввал ҳеч кўниколмади. Қаерларгадир, хусусан, аскарликда бўлган ўша Астраханларга кетиб қолгиси келди. Аммо отасидан қўрқди.

Кейин-кейин адирларга ўрганиб қолди. Адирлар сиз зерикадиган, куни ўтмайдиган бўлди.

Оқшомлари уйма-уй юриб, ошиҳалол йиғди.

Боши иккита бўлиб, кетма-кет иккита қиз кўрди.

### III

Одамлар уни сержант Орзиқулов дейишини қўймади.

Тўй-гаштакларда ҳазил-мутойибачилар сержант Орзиқулов аскарликдан қайтганда гапирган гаплари, қилиқларини қилиб кўрсатиб, элни кулдирди. Болалар сержант Орзиқулов бўлиб гаплашди, кўришиб-сўрашди, честь берди.

У, сержант Орзиқулов бўлиб қолди.

### IV

Уруш бошланиб, сержант Орзиқулов урушга биринчилардан бўлиб кетди.

Урушдан қайтиб келса, отаси бечора йўқ, раҳматлик бўпти. Гул деган бир дард иккита қизиниям олиб кетибди. Чолидан айрилган онаси билан фарзандларидан жудо бўлган аёли мунғайиб, фариб бўлиб қолибди.

У урушдан ажабтовур бўлиб келди. Сўраб-суриштирганларга миқ этмади. Олис-олисларга термилиб, бош ирғади. Ҳамсояқуллари, қариндош-уруғларининг болалари ўнинг кўксидаги орден-медалларга қўлларини теккизив кўрди. Буларни қандай олдингиз, қаерда олдингиз, дея сўраб-суриштируди. Урушга борсак, биз ҳам орден олиб келардик, деди. Шунда, сержант Орзиқулов қирғинбарат кунлардан бор-йўғи бир марта гап очди:

— Урушнинг оти ўчсин, болам. Сизлар сўраманглар, мен айтмайин. Бундай оҳангжамоларни мен тақдим, энди сизларга тақиши насиб этмасин...

Колхоз раиси сержант Орзиқуловнинг кўксидаги орден-медалларни кўриб, эҳ-ҳе, деди. Уни яхши-яхши ишларга, хоҳласа, бригадирликка қўймоқчи бўлди. У бош

чайқаб, рад этди. Сўраб-сурештирса, Сувон деган бир одам унинг подасини боқяпти экан. У яна ўз подасини олди.

Сержант Орзиқулов икки йил ўтиб, фарзанд кўрди. Бунисиям қиз бўлди. Қиз бўлсаям умри билан бўлсин эди, буям кетди.

Ирим-чиrimнинг юзи қурсин, бари шундан кетди.  
Тўртингчиси ўғил бўлди.

Хумор момо неварасига исм ўйлади. Қишлоқдаги гапга етарларга маслаҳат солди. Оқ-корани таниганларга китоб кўрдирди.

Олис ўйладилар. Ўйламай бўладими, кетма-кет учта фарзанд кетди.

Ўйлаб-ўйлаб, охири эзгу бир якунга келдилар. Учтаси ҳаётда турмади, энди буниси турсин, ҳаётнинг соҳиби, посбони бўлсин, дея гўдакка Турсунқул деган исм қўйдилар.

Ота-она орзуси бажо бўлди. Турсунқул ҳаёгла турди.

## V

Ёлғиз ўғил Турсунқулнинг бир оёғи мактабда, бир оёғи адирда бўлди. Мактабдан кейин бир қўйнига нон, бир қўйнига китоб солиб адирга, отасининг олдига келди. Тошга чўнқайиб ўтириб, китоб ўқиди. Баъзан овозини қўйиб, достон ўқигандай ўқиди.

Эл таъбири билан айтганда Турсунқул ғазалхон бўлди. Байрамлар, тўй-маъракаларда даврага чиқиб шеър ўқиди. Мактаб кутубхонаси камлик қилиб, район магазинидан даста-даста китоб олиб келиб ўқиди. Сандиқлар таги, дераза токчалари китобга тўлди.

Адабиёт муаллими Турсунқулнинг шеърий дафтари ни кўриб чиқиб, бир-иккитасини район газетасига чиқариб берди. Ёлғиз ўғилнинг довруғи донг таратди.

Одамлар ўйлаб қолди. Отаси бор-йўғи подачи бўлса, ўғли қандай қилиб шеър ёзади? Ҳайрон бўлишиб, отасидан сўради:

— Сержант Орзиқулов, улингизга нима бериб боқяпсеиз?

— Шу, биз нима есак, уям шуни ейди;

— Унда, қандай қилиб байт битаяпти?

— Шунга ҳайронман. Шунча бўй-бастим билан мен байт битолмайман, бу энағар битаяпти.

Бир оқшом сержант Орзиқулов ўғли йўғида унинг хонасига кирди. Эшикни ичкаридан занжирлаб, ўғли-

нинг дафтарларини титкилади. Деворга илингани ажаб-товор расмларга қаради. Расмларда турфа гуллар, қорли тоғлар, жониворлар бор. Айниқса отнинг расми кўп. Йўргалаб бораётган от, ёлларини шамолда ҳилпиратиб, елиб бораётган от, олисларга термилиб кишинаётган от, олд оёқларини кўтариб, тумшуқларини тумшуқларига теккизисиб, искашиб турган отлар...

«Отга кўнгли бор экан. Эсайсин, от олиб бераман», ишт қилди сержант Орзиқулов.

Ўғлининг тахлоғлиқ дафтарини варақлади. Бир қалин дафтарни варақлаб қараб, ҳайрон бўлди. Шуларнинг барини ўғли ўзининг ичидан чиқариб ёзганми ё бирор китобдан олиб ёзганми, билолмади. Дафтарнинг бир бетига келиб, янада ҳайрон бўлди. Бетда бир қиз расми бор. Қиз хушрўйгина. Елкасида гулдор рўмоли бор. Расм остида ҳуснинат битилган. Шу қизга битилган байт бўлса ажаб эмас, дея ўлади.

Аёlinи чақириб, расмни кўрсатди. Аёли қизга қайта-қайта тикилиб, танимадим, дея ёлкасини учирди.

Аёли ўзида йўқ хурсанд бўлди. Ёлғиз ўғли уйгонибди! Кимdir бировга, ким бўлсаям бир қизга кўнгил қўйибди! Бир қиз билан кўнгил олиб, кўнгил берибди. Ёлғиз ўғли суюкли бўлибди! Уғли мактабни битирсин, насиб бўлса шу қизни келин қилади. Уч бирдай қизни қора ерга берди, насиб бўлса шу қиз ҳам келин бўлади, ҳам қиз бўлади!

Сержант Орзиқуловнинг бир қувончи икки, орзузи эзгу бўлди. Насиб бўлса, ўғлини вақтлироқ уйлантиради. Ёлғиз ўғил эртароқ уйланса, эртароқ фарзандли бўлади. Узидан-ўзи кўпайиб, униб-ўсади. Фарзандлари отасига йўлдош бўлади. Қолаверса, унга неварап бўлади!

Ота-она орзу-ҳаваси ҳамиша эзгу. Аммо ҳаёт ҳамиша ҳам ота-она орзу-ҳавасига, хоҳиш-иродасига эш бўлмайди. Ҳаёт бошқа, орзу-ҳавас бошқа.

## VI

Турсунқул мактабни битириб, кийимларини чамадонга жойлади. Гап йўқ, сўз йўқ, ўқишига отланди.

Онаси оғринди. Урушда қон кечган отаси ўғлини қўллаб-қувватлади. Қўлига пул берди. Бот-бот тайинлаб, хуш-хушвақт ўқишига жўнатди:

— Улим, биз ўқиёлмадик, боиси, замон кўтармади. Манави заранг таёқ билан қолдик. Замонинг келибди-

ми, энди сен ўқи. Замон ўқиганники. Бирдан-бир тила-  
гим — отанг ким, энанг ким, шуни унутмасанг бўлди.

Турсунқул ўқишига кириб келди.

Таътил кетидан таътиллар ўтди. Турсунқул ўсиб-ул-  
гайди. Ёноқларига бир нималар тошиб, ғадир-будур  
кир бўлиб юради. Шу кирлар кетиб, юзлари силлиқ  
бўлди. Кийимлари ажабтовур бўлиб ўзгарди. Сигарета-  
ни лаблари четига қистириб юрадиган бўлди. Гугурт  
эмас, зажигалка тутди. Портфели сиртига аёлларнинг  
расмини ёпиштириб олди. Пойабзали товони кўтари-  
ди. Сочига соч қўшилиб, қулоқларини ёпди. Паловни  
қошиқда ейдиган бўлди.

Бир тўйда «Модерн токинг» деган ансамблнинг ашу-  
ласини хиргойи қилиб ўйнади. Кўпни кўрганлар мийи-  
ғида кулиб:

— Отасига тортибди,— деди.

## VII

Турсунқул тонг саҳарда уйғониб, бетини ювмасдан  
киоскага чопди. Қараса, киоска очиқ, аммо ҳали бугун-  
ги газеталар келмабди.

У киоска олдини олиб турди.

Почта машинаси келиб, почтачи газета-журналларни  
уйқусираб, имиллаб тушириб бошлади.

Турсунқулнинг сабри чидамай, газеталарни апил-  
тапил тушириб берди. Шеъри чоп этилган газетадан  
ўнта олди. Қайтимиға қарамай, газеталарни қўлтиғига  
қисиб жўнади. Бирорини қўлига олиб, тағин, бирор мис-  
раси тушиб қолмадимикин, деган ташвишда шеърла-  
рини йўл-йўлакай ҳижжалаб ўқиди. Йўқ, мисралари  
тугал экан.

Ижарасига келиб, эшикни ичкаридан қулфлади.  
Шеърларини чалқанча ётиб ўқиди, тик туриб ўқиди,  
ўтириб ўқиди.

Турсунқул ўзини катта шоир ҳис қилди.

Расмдаги юзига, қулоқларини ёпиб турган соchlari-  
га тикилиб, ўзини XIX аср буюқ шоирларига ўхшатди.  
Кейин яна айниди: «Улар соқол қўйган, трубка чек-  
кан. Йўқ, ўхшамайди».

Дарҳақиқат; қадимги улуғлар соқол қўйган, тамаки  
чеккан. Нимага энди Турсунқул соқол қўйиб, тамаки  
чекмас экан? Ҳамма соқолини олиб, сигарета чекиб  
юради. Йўқ, оддий халқдан фарқ қилиш керак...

Турсунқул газетадаги исем-фамилиясига бот-бот ти-

килди. Пичирлаб ўқиди: Турсунқул Орзиқулов! Пешонаси тиришиб, энсаси қотди. Бунча узун бўладими! Яна тагин жаранглайди! Умуман, шоирнинг исми шарифига ўхшамайди! Шоирнинг номи жаранглаб, ялтираб турса! Узи, исмининг маъноси нима? «Турсунқул! Турсун, ўтирсин, ётсин... Шуям гап бўлди-ю. Яна тагин «қул», деган қўшимчасиям бор. Қул дегани «раб», дегани. Орзиқулов! Бундаям қул! Ота-бобосиям оғзига келганини исм деб қўяверган экан-да. Провинциальный! Этнография!»

Турсунқул ўз исми, қолаверса, ота-бобосининг исми шарифидан орияти келди! Ота-бобосининг номидан уялди! Узига муносиброқ, шоирона ном топишни ўйлади. Неча ўнлаб номлар, тахаллуслар топди. Узига ёқмади. Охири тариҳдан келиб чиқиб, ўзини Паҳлавон Даҳо деб атади.

## VIII

Бир ёзги таътилда ота-онаси Паҳлавон Даҳони уйлантироқчи бўлди.

Даҳо оёқ тираб, рад этди, ўқишини ўртага солди, ҳали ёшман, деди. Аммо асл боисини айтмади.

Ота-она нияти қатъий бўлди. Онаси кўзига ёш олиб, тавалло қилди:

— Ўзимизники яхши-да, ёлғизгина боламиз бўлсан...

Даҳо ўша дафтардаги қизни айтди:

— Олсам ўшани оламан, бўлмаса йўқ!

Ота-она ёлғиз ўғлининг кўнглига қаради.

Тўй бўлиб, келин ота-она олдида қолди. Куёв сенгябрда ўқишига қайтди. Байрам, таътилларда келиб-кетиб турди.

Бир ўғил, бир қиз кўрди.

Уқишлилар битиб, Паҳлавон Даҳо ўз областига ишга бораdigан бўлди.

Даҳонинг ич-ичидан зил кетди. У шаҳарда қолмоқчи бўлди. Шаҳарда қолиш учун пинҳона уриниб кўрди. Бўлмади. Паспорт, ижара, иш масаласи қийин бўлди.

Паҳлавон Даҳо ичини ит тирнаб, қишиғига қайтди.

Узи 'ўқиб-улғайган' мактабда ўқитувчи бўлди.

## IX

Паҳлавон Даҳо мактабда ўзини осмондан тушгандай сезди. Ўзини гўё ерга урилган, хўрланган ҳис этди. Аммо отдан тушсаям эгардан тушмади. Теварак-атрофига, жамики ҳаётга осмондан қараб яшади. Ўқитувчилари ундан, яна ўзимизга қайтиб келибсиз-да, дея ҳол-аҳвол сўраганларида Даҳо ўзини камситилган ҳис қилди. Гарчи бу гап тўғриликча айтилган бўлса-да, у буни, ҳолинг шу экан, нима қиласдинг кеккайиб, ўзимиз қатори одам экансан-ку, деган маънода тушунди. Ерга тушмаслик учун турли-туман баландпарвоз, ҳавоий гапларни тўқиб гапирди. Университетда аспирантурада қолдирмоқчи эди, қолмадим, деди. Шаҳарда катта ишларга қўймоқчи бўлишиди, кўнмадим, деди.

Кўпчиликдан ўзини четга олиб, ўзига-ўзи бино қўйиб юрди. Уйда ҳам, ишда ҳам, кўча-кўйларда ҳам ўзини жамоадан холис тутди. У ўз атрофидаги ҳаётга, турмушга кўниколмагани каби, теварагидагилар ҳам унга кўниколмай, ўрганолмай юрди. Уйда ҳам, ишда ҳам теваракка бегона кўз билан қаради. Теварагидагилар, ҳатто ўз фарзандлариям унга бегонасираб, ёт кўз билан қараб яшади. У кулса, болалариям кулди. У хўмрайса, болалариям хомуш бўлиб, тортиниб ўтирди.

## X

Даҳо ўзини-ўзи қафасга солди. Юраги сиқилгандан-сиқилиб борди. Айниқса оқшомлари ичини ит тирнаб, кўнгли худди шими почасидай ғижим-ғижим бўлиб қолди.

Тиззасига шапиллатиб уриб, сапчиб турди. Тентираб, кўчага чиқди. Ўйлаб-ўйлаб, колхоз кутубхонасига йўл олди. Кутубхона эшигидаги қулфни кўриб, ҳайрон бўлди. Лўмбоздай қулф чанг босиб ерранг бўлиди.

Даҳо қулфга тикилиб қолди. Қаёқдантир идора қоровули келди. Энтикиб нафас олиб, Даҳонинг юзига энгашиб қаради.

— Э-ҳа, сизмисиз, шоир ука. Мен, кутубхонага бирор маст-аласт ўғирликка келдими деб ўйлаб, чопиб келибман.

— Оғзингизга қараб гапиринг.

— Гашнинг тўғриси-да, ука, одамнинг кўнглига нималар келмайди дейсиз. Кутубхона остонасига ойлаб

инсон зоти қадам қўймай-қўймай, бирдан одам пайдо бўлиб қолса қизиқ-да.

— Кутубхоначи борми?

— Ҳа, бор. Кутубхоначи анави Самиевнинг келини бўлади. Ҳозир ўтоқда.

— Келадими?

— Энди, уёғини билмадим, шоир ука. Ҳозир ўтоқ, ундан кейин узум узиш, кейин ҳаммани пахтага ҳайдайди, қарабисизки, шу билан қиши ҳам келади. Қишида ҳафтада бир очса очади, очмаса йўқ. Нима, бирон зарил иш бормиди?

— Шундай, янги газета-журналларга бир қарасам деб эдим. Янги китоблар бўлса, уйга олмоқчи эдим.

— Бугуннинг газеталарими? Бугуннинг газеталари ни тополмайсиз. Келиннинг ўзи бўлганда почтага бориб, бир ҳафта, икки ҳафталик газета-журналларни бағригинасига мана бундайгина босиб, кўтариб келарди. Ўзи йўқ-да. Мен сизга бир гап айтами, ўзимизникисиз, келин йўқ вақтлари почтальон газета-журналларни бир ҳафталик қилиб, қассоб қайнотасига ташлаб кетади, ҳа. Қайнотаси газета увол бўлмасин деб, элхалқа гўшт ўраб беради. Астагина бориб сўрасангиз, бир-иккита газета беради. Яхши одам, қўли очиқ.

Даҳо мактабга қараб юрди. Мактабни бир айланди. Қоровулдан бошқа жонни кўрмади. Бекатдаги темир ўриндиқча ўтирди. Ҳафсаласи пир бўлиб, уф-ф, деди.

Кўча юзидағи симёғочга осилган радиокарнай бирдан овоз берди. Узуқ-юлуқ шовқин-сурондан кейин радиоузелчи микрофонни тўқ-тўқ урди. Қириниб йўталиб, гапириди:

— Эълон, ўртоқлар, эълон эшилтирамиз! Кечаке-часи Сайд чавандознинг саман оти қочган. Дарагини айтганга эчки, ушлаб келганга бир қўй суюнчиси бор! Яна бир эълон! Бугун колхознинг ёзги клубида икки серияли индийский кино бўлади! Қайтараман, индийский! Бош ролда Раж Қапур! Эшиятпизми, Қапур, Қапур! Билет нархи ҳар серияси йигирма тийиндан қирқ тийин! Кино қоронғи тушганда бошланади!

Даҳонинг ҳам энсаси қотди, ҳам кулгиси келди.

Қош қорайиб, ҳаво файзиёб бўлди.

У ўрнидан туриб, қаёққа боришини билмади, шими кетини тортиб-тортиб қўйиб, уйига йўл олди. Йўлда тўхтаб, ўйлаб қолди, Уйга бориб йўмаям фўлдим, деди

ўзича. Кўнгли ниманидир истади, ниманидир қўмсади, нимагадир ташна бўлди, нимагадир талпинди.

Нималигини ўзиям билмади.

Уйи тарафга қўл силтаб, изига қайтди: ўйлаб қолди. Айтгандай, ҳалигина радиоузелчи барчани кинога таклиф қилди-ку. Нимага энди у бормас экан? Айтилган жойдан қолма, деган. Айтилган жойга бориш керак. Тўғри, хинд фильмларини ёмон кўради. Шундай бўлсада, бориш лозим.

Даҳо клубга қараб юрди. Клуб чироқлари ҳали ёнмаган, теварак нимқоронғи, одам одамни зўрга танийди. Болалар қувишиб ўйнайди.

У клуб кассаси олдига борди. Қасса тешигидан мўраламоқчи бўлиб энгашиб, бирдан кейиннига тис бўлди. Қараса, тешикдан бир ит тумшуғини чиқариб турибди. Коровул кассахонани итхона қилган бўлса керак, деб ўйлади.

Даҳо эшик олдида турган киночининг қўлига танга ташлаб, ичкари кирди. Клуб ярмига скамейкалар қўйилган, ярми бўш. Скамейкаларнинг бирининг оёғи йўқ, қийшайиб қолган, яна бирининг орқа суюнчиғи йўқ, яна бирининг ўтиргич дасталари тўлиқ эмас, бус-бутуни жуда кам. У бир бўш скамейкага тагига дастрўмолини тўшаб ўтирди.

Киночи клуб чирофини ёқди.

Даҳо саҳнага қараб, маҳлиё бўлиб қолди. Саҳна деворига қалдирғочлар уя қуриб ташлаган. Уяларда пат, хаслар осилиб ётибди. Олапат қалдирғочлар саҳна узра чарх уриб учади.

У қалдирғочларга маҳлиё бўлиб, пайқамади. Клубдаги скамейкалар тўлди. Жой етмай қолиб, бировлар ташқаридан тош, яна биров гўла олиб келиб, тагларига қўйиб ўтирди. Уйи яқинлар стул кўтариб келди. Болалар ерга тизилишиб ўтирди.

Кино бошланди. «Сангам». Кўплар, айниқса болалар ура, дея қийқириб, чапак чалди. Киномеханикка қараб тўнгиллаганлар ҳам бўлди:

— Яна «Сангам!» Йигирма йилдан буён шу кинони олиб келсан, инсоф ҳам керак-да, ука!

— Утган якшанбада қандай кино олиб келайнин деганимда индийский бўлсин, дедиларингиз-ку!

— Индийский кино битта эмас-ку, ахир!

— Бошқаларини колхозларга олиб кетиб қолибди. Шуниям зўрга олдим, халқ талаб қиласпти, деб.

— Бўлди қилинглар эйди, кўрайлик.

Клуб бозорга ўхшаб ғувиллади. Одамлар кўнгилла-  
рига келганини гапириб, хохолаб, қийқириб, ҳуштак  
чалиб кино кўрди.

— Қаранглар, ҳозир қизнинг кийимларини олиб  
қўяди, ана олди!

— Ҳозир қиз билиб қолади!

— Энди қиз қўшиқ айтади, войдод, оҳу кўзларинг-  
даи!

— Қўшиқниям эзади-да!

— Ўзиям ҳурилиқо-да, оҳ-оҳ!

— Шу артист қишлоғимиздаги Тошмирза бригадир-  
нинг қизига ўхшайди!

— Тошмирза бригадирнинг қизи қорачадан кел-  
ган, бу оқдан келган!

— Кинода шундай кўринади-да, аслида юзидагининг  
бариси упа-сурма!

— О-о, ҳа, кўзингдан, Раж Қапур! Ўзимизнинг Ка-  
пур-да бу!

Кино узилиб қолди. Одамлар ҳуштак чалди, ҳой-  
ҳойлади.

— Ҳой, сапожник!

Экранда яна кино кўринди. Одамлар бу сафар ба-  
раварига ҳой-ҳойлади:

— Ҳой, сапожник, ўтказиб юбординг!

— Қизнинг сувда балиқдай балқиб сузганини қол-  
дириб кетди-я!

— Тўхтат ашқол-дашқолингни!

— Олган қирқ тийининг бурнингдан чиқсин!

Ҳуштаклар тинавермагач, киночи кинони тўхтатди.  
Одамлар айтган жойдан қайтариб қўйди. Кино ярим  
соат мобайнида тўрт марта узилди. Узилган вақтлари  
Даҳо ерга қараб, кўзларини юмиб ўтириди.

Кино давом этди. Кўчма киноаппарат яқинроғида  
ўтириган бир одам ўрнидан туриб, бақирди:

— Ҳой, боғ бригада қизлари, эшитмадим деманглар!  
Эртага ўтоқ эмас, сойга ариқ тозалагани борамиз,  
эшитдиларингми?

— Ай, Абил табелчи, кўп кариллама!

— Нимага карилламайман? Иш зарилми, кино за-  
рилми? Кино кўрасан-а, кино кўрасан, мана кўрасан,  
мана бўлмаса!

Абил табелчи шундай дея, экранга тушаётган нурга  
бармоқларини кийдириб тутиб, тuya ўркач қилди, ҳўроз-  
қанд қилди, бешиктерватар қилиб ўйнатди.

— Кино кўрасан-а, кино кўрасан!

Барча қилиғи экранда акс этди. Одамлар қиілқириб юборди.

Даҳо ерга тупуриб, кинога қўл силтади.

## XI

Узум узиш тугаб, пахта терими бошланди. Даҳо мактаб аҳли сафида «Ҳазорбоғ» совхозига ҳашарга бориб келди.

Дарслар бошланиши билан совуқ ҳам бошланди. Мактабга кўмир келиб, Даҳо бир тонна кўмир олди. Кўмирни дарвоза олдига тушириб, қош қорайгунча ўтинхонага ташиди. Қоп-қора кўмирга ботди. Яхшилаб чўмилмоқчи бўлди, аёли қўймади:

— Аввал овқатни еб олинг, кейин чўмиласиз.

Даҳо бет-бошини ювиб, овқат еди. Болишга ёнбошлаб, ухлаб қолди. Бир маҳал уйғонса, уй қоронғи, деразадан ой қарайпти. Ёнида ўғил-қизи, ундан нарида аёли ётибди.

Даҳо кўзларини очиб-юмиб, қоронғига эл қилди. Ўғил-қизининг димоғига қулоғини тутиб, қулоқ солди. Улар бир меъерда пишиллаб ухляяпти. У пастга силжиб қолган кўрпани болаларининг устига тортиб қўйди. Узининг кўрпасини уларнинг оёқларига ташлади. Авайлаб, аёлининг олдига ўтди. Даҳонинг кўнгли талпинди, кўнгли энтиқди, кўнгли ором олди. Хаёлида ҳаёт деразадан боқаётган ойдай бўлиб туюлди...

Кўзларини юмиб, тин олди. Туриб оёқ учидар юрди. Эшикни авайлаб очди. Аёли шивирлаб овоз берди:

— Овқат ошхонада, устига тобоқ тўнтариб қўйибман.

Даҳо даҳлизда оёғи учидар туриб, ота-онаси ётган хона эшиги тарафга қулоқ солди. Ўйғоқлик нишонасини сезмай кўнгли хотиржам бўлиб, даҳлиз эшигини авайлаб очди. Ташқарига чиқиб, эшикни қандай авайлаб очган бўлса, шундай авайлаб ёпди...

Ой ёруғ, тун аёз.

У омонат юриб, бирдан чирсиллаган овоздан сескашиб, этлари увишиб кетди. Қарсиллаган овоз келган оёқлари остига қаради, халқоб сувлар музлабди.

Омборхона чироғини ёқиб, ичкарилади. Сичқон шитирлаб қочиб, бурчакдаги ковакка ўзини урди.

Омборхонага аланглаб, ўзга жониворларга кўзи тушмагач, кўнгли тинчиди. Ёғоч қозикдаги нўхтани олиб, сичқон ғойиб бўлган бурчакка ташлади. Ки-

йимларини бирин-кетин ечиб, шу қозиққа илди. Того-рага кириб, жойлашиб ўтириб олди. Қоракуя бадани-га сер солди. Тогора олдидағи сатилга қўлнини солиб, сесканиб кетди. Сув совибди. Нима қилишини билма-ди. Ошхонага олиб бориб иситиб келмоқчи бўлди. Совуқда эринди. Чўмич билан боши, елкаларидан сув қўйди. Баданини уқалаб, яна бошидан чўмичлаб қўйди. Баданидан оққан сув тогорага қоп-қора бўлиб тушди. Юзини кафтлари билан артиб, сатил ёнидаги юмaloқ кир совунни олди. Шунда, бадани учиб, дир-дир қалтиради, боши сарак-сарак бўлди. Совунни жо-йига ташлаб, чўмични газетага қўйди. Сатилни қўш-қўллаб кўтариб, бошидан шариллатиб қўйди. Оёғи остига газетани сурниб, артинди. Тишлари тик-тик этди, этлари дир-дир учди. Баданидан ҳовур кўта-рилди. Қўллари қалтираб, бошини ҳўл сочиқ билан ўради.

Омборхонадан чиқаётib, анграйиб қолди. Ёғоч сўри устидаги бир халта уннинг деярли ярми жиққа ҳўл бўпти. Ҳали, бошидан сатиллаб сув қўйганда сач-раган. Энди уннинг ярми хамир бўлади.

Омборхонадан чиқиб, чироқни ўчирди. Ошхонага чопқиллаб бориб, пастак эшигидан энкайиб кирди. Гугуртни топиб, примусни ёқди. Примуснинг пилиги бир ёниб, қизарди. Очиб қараса, ермойиси қолмабди. Ермойи ҳовлида. Учоққа ўт ёқиб иситиш анча вақтни талаб этади.

У дилдираб, шўрвани совуқлигича ичди. Чойнак-нинг жўмрагига оғзини қўйиб сув ичди.

Эртаси танаси қақшаб, бадани қизиб юрди. Ҳаммом-га боргиси келди. Олдин магазин ёнидаги сартарош-хонага борди. Қутидай ёғоч кулбага кириб, ўриндиқча чўқди. Ойнага қараб, соchlарини силади. Сартарош ойнага қўл силкиб, бош чайқади. Даҳо тушунмай, елкаси узра қайрилиб қаради. Сартарош уннинг елка-ларига қўлнини қўйиб, ойнага қараб гапирди:

— Йўқ, дедим-ку, ука, сочингизни ололмайман.

— Ия, нега?

— Чинимни айтсам, ука, биз бу касбга ўқимаган-миз. Бекор юрмай деб, таниш-билиш қилиб, қимирилаб турибмиз. Хуллас, хашаки сартарошмиз. Биз соч ола-диган бўлсак, устара билан теп-текис қатрон қилиб оламиз. Ундан бошқасиnga ярамаймиз. Яраган билан пати юлинган товуқдай қилиб ташлаймиз. Таг-томири билан бўлса, бош устига.

— Йўқ-йўқ.

Даҳо шошиб ўрнидан турди.

— Тағин кўнглинигизга олмайг, ука, сиз ўзимизни-  
ки бўлганингиз учун гапининг тўғрисини айтдим. Ана,  
тайёр автобус, шаҳарга бориб келинг. Маданиятли  
одамлар шаҳарга боради.

Шунда, қишлоқда, умуман, колхозда ҳали ҳамом-  
нинг ўзи йўқ эканлиги ёдига тушди. Нима қилишини  
билмай қолди. Калласини қирт-қирт қашиб, шу якшан-  
ба куни район ҳамомига боришга аҳд қилди. Сочла-  
ри ораси қичигандан-қичиди. Шампунь олиб бошини  
яхшилаб ювиш учун, ёнидаги магазинга кирди.

Магазиндан сичқон ҳиди келди.

Магазиннинг бир тарафи ҳўжалик моллари, бир  
тарафи саноат моллари. У ўнг тарафдан — саноат мол-  
ларини томоша қилиб бошлади. Қатор-қатор пальто-  
лар, костюм-шимлар, турли кийим-кечаклар осилиб,  
тахланиб ётибди.

Даҳо кийим-кечакларга қараб эслади. У энди  
эсини таниб, мактабга қатнай бошлаган вақтлариям  
шулар бор эди. Даҳо ўшанда кийим-кечакларга сук-  
ланиб қараб, катта бўлсан олиб кияман, деб орзу  
қиласди. Ана, катта бўлди. Кийим-кечаклар ҳалиям  
турибди. «Қизиқ, буларни энди ким олиб, ким кияди?  
Жандафурушга топшириб юбориб бўлмайди — ҳамма-  
си қимматбаҳо мол. Ҳеч кимга керак эмас экан, нима  
қиласди чиқарис, ўйлади Даҳо.

Хўжалик молларига қарагиси келмади. Боиси, сич-  
қон ҳиди кўнглини ўйнатди. Чўнтагини кавлаб, сотув-  
чига деди:

— Иккита яхши шампунь беринг.

Сотувчи пинагини бузмади. Даҳо ҳайрон бўлиб,  
сотувчининг юзига қаради. Сотувчи илжайди.

— Ҳазиллашынсизми, шоир ака?

— Йўқ, тўғри гап.

— Бизда унақа нарсалар умуман бўлмайди.

— Унда, иккита совун беринг.

— Ҳа, совун бошқа гап, совун бор, мана.— Сотув-  
чи шундай деб пештахта устига иккита кир совун  
қўйди.

— Йўқ, атир совун, деяпман.

— Атир совун йўқ. Бир бўлиб эди, тамом бўлди.  
Атир совундан олқинди яхши, шоир ака, кирни яхши  
олади.

— Кирга эмас...

— Унда, ана, тайёр автобус, шаҳарга бориб келинг. Маданиятли одамлар шаҳарга боради.

Даҳо магазиндан энсаси қотиб чиқиб, мактабига йўл олди.

Дам олиш куни районга жўнади. Район ҳаммоми сассиқ, буғи йўқ экан. Аммо иссиқ суви бор экан. Даҳо иссиқ сувга яхшилаб ювениб олиб, охирги автобусда қишлоғига қайтди. Йўлда чанқаб, юраги куйди. Қишлоқ марказида тушиб, ҳовузга қараб юрди. Бир ҳовуч сувни лабига олиб бориб, қараб қолди. Сувда майдамайда қизил қуртчалар ўйнаб юрибди. Даҳо афти бужмайиб, сувни тўкиб ташлади. Кўнгил ташналиги босилмай, юраги куйгандан-куйди.

Авлалиги нонвойхона, эндиги ошхонага борди. Минерал сув сўради. Йўқ, қатиқ сўради. Нимаики сўраса, мўйловли ошпаз йўқ деб бошини ирғаб тураверди. Даҳонинг зардаси қайнаб кетди:

— Нима бор ўзи? Бу столовойми ё бир чўл-биёбонми?

— Столовой. Мана, шўрва бор, бўлди. Бизда шўрвадан бошқа нарса бўлмайди. Сизга ўзи нима керак?

— Ҳеч нима, бир дам олиб ўтирасам деб эдим!

— Унда, ана, тайёр автобус, шаҳарга боринг, ўйнаб келасиз. Маданиятли одамлар шаҳарга боради.

Даҳо ошпазга қараса, ошпаз жиддий гапиряпти. Шунда у э-э, дея қўл силтаб, жўнади. Йўлда ўйлаб кетди: «Маданиятли одамлар шаҳарга борар эмиш. Қизиқ, ҳаммаси шу гапни қайтаради. Нима бало, шоирлигимга шама қиляптими дейман».

Йўлда уни почтачи тўхтатиб, қўлига иккита хат берди.

— Қалламни қашиб ўйлайман, Паҳлавон Даҳо ким бўлди экан дейман, билсан, сиз экансиз.

Сахийлик қилгиси келиб, бир газетаям узатди.

— Келинг, битта газетаям берай, мана!

— Чеккасига Маматов деб ёзилган-ку.

— Анави Мардон тракторчи-да. У адирда ер ҳайдаб юрибди. Тонгда кетиб, шомда қайтади, бари бир ўқимайди, олаверинг. Қизларига бериб юборардим, қарасам, бугун мактаб ёпиқ экан. Ўйи бўлса олис, юраманми, қариган чофимда. Олаверинг, шоир одамсиз, ўқийсиз. Энди, менга қаранг, ука, кўнглингизга олманг, шу ота-бобонгизнинг исм-фамилиясидан қолманг. Отабоболаримизнинг исм-фамилиясида гап кўп. Отабоболаримиз етти ўлчаб, бир кесиб, исми шариф

қўяди, ҳа! Ҳеч бандани ота-бобосининг исми шарифидан жудо этмасин.

Даҳо газетани почтачининг кетидан отиб юборгиси келди. Ижирғаниб:

— Т-фу, провинциал! — дея пичирлади.

Газетани қўлтиғига қисиб, йўл-йўлакай хатларни очиб ўқиди. Бир редакция шеърларини бадий заиф деб чол этмабди. Яна бири уни Фарбнинг тақлидчиси, Фарбнинг сояси, дебди. Хат охирида шундай маслаҳат берибди: «Фарб оҳангларига ўйнаманг, ўзингизнигини яратинг».

Даҳонинг куйган юраги баттар куйиб, ижирғанди: «Уҳ, саводсиз, тўнкалар!»

## XII

Даҳо қиши бир амаллаб, баҳорни икки амаллаб ўтказди. Мактабда ёзги таътил бошланиши билан чамадон кўтариб йўлга тушди. Уйдагиларга:

— Дам олишга кетяпман, путёвкам бор,— деди. Бекатда чамадонини ёнига қўйиб ўтириб, автобус пойлади. Шунда, йўл четига бир тележка ўқувчи қиз даладан келиб тўхтади. Тракторчи тележка кузовининг қўйи поғонасини очди. Қизлар ерга тап-тап ташлаб, муаллимига салом бериб, уй-уйларига тарқалди.

Трактор кабинасидан Назар бригадир тушди. Назар Қишлоқ хўжалик институтида, Даҳо университетда баравар ўқиди. Беш йил мобайнинда борди-келди қилиб, чойхонада ошлар қилиб еди. Шу боисдан Даҳони қўриши билан бекатга қараб юрди. Қўришиб, ёнма-ён ўтириди. Похол шляпасини бошидан олиб, тиззасига кийгизиб қўйди. Бир-бирларидан ҳол-аҳвол суради.

— Чинимни айтсам, Турсунқул ошна, шаҳарга яна қайтиб боргим келяпти! Институтимизда спорт секцияси, стадион, бассейн, финский ҳаммомлар бор эди. Бўш вақтларимизда машқ қиласардик, чўмилардик, хуллас, вақтимиз бекор кетмасди, кўнгилдагидай маданий дам олардик. Ҳатто мусобақаларда қатнашиб, мастерликка кандидат ҳам бўлиб эдим, биласиз. Ҳаммаси тугади, ошна! Қишлоқда буларнинг биттасиям йўқ. Борлариям хўжакўрсинга, ошна, биласиз, кўзингиз тушган. Дам олиш ҳақида-ку, гап бўлишиям мумкин эмас. Эртадан кечгача иш, иш. Одамларнинг жонларигаям тегиб кетди, ошна.

— Қиши билан дам оласизлар.

— Дам олиш қаёқда дейсиз. Қишида колхоз сут планини бажаролмай қолади, Турсунқул ошна. Кейин биз бечора активлар қўлимизда даранг-дурунг идиштовоқ уйма-уй юриб, хўжаликлардан сут йифамиз. Халқ сут бергиси келмайди. Қанчадан-қанча кўнгил қоронғичиликлар бўлади. Халққа ҳам қийин-да, ким қаҳратон қишида бола-чақасининг оғзидағи оқини бериб қўяди. Шу, ошна, ҳаммасига қўл силтаб, яна биронта институтга кириб ўқисаммикин дейман.

— Униям беш йилда битирасиз-келасиз-да.

— Йўқ, мен битирмайман-да. Мана бўлмаса, мана, деб, курсдан-курсга қолиб-қолиб, ўқийвераман-да.

— Қўйинг-э.

— Йўқ, чиним: беҳазил. Ҳа, Сора, қараб қолдингми? Қел, сингил, ўтириб тур, муаллиминг билан гурунг қизиб кетди.

Даҳо эътибор бермабди, кетига қараса, бир ёшлини қиз йўл четида турибди. Қиз тортиниб-суртиниб Назар бригадирнинг ёнига келиб ўтирди. Ерга қараб, рўмолининг учини буклаб ўйнади.

— Бу бизнинг кенжা сингил бўлади, Турсунқул ошна. Олтинчи синфда ўқийди. Узиям аълочи.

— Ҳа-а. Содиқовнинг синфиданмисан?

— Ҳа.

— Қалай, каникуллар яхши ўтятпими?

— Кўриб турибсиз-ку.

— Йўқ, иш қийин эмасми дейман?

— Иш бўлади-ю, осон бўладими, муаллим. Ҳар куни каллаи саҳардан кечқурунгача иш.

— Ҳа энди, каникулда ота-оналарга ёрдам бериш ҳам керак-да.

— Бир каникулда эмас, йил-ўн икки ой шундай. Дарсдан чиқиб, далага борамиз. Кечқурун ишдан қайтиб, апил-тапил овқат еб, ухлаб қоламиз. Уйқуга тўймай, эрталаб соат саккизда яна мактабга чопамиз.

— Унда, қачон дарс тайёрлайсан, аканг аълочи деб мақтаяти-ку.

— Дарс тайёрлашга вақт қаёқда. Муаллимимиз дарсни сўраса, тошдай бўлиб тураверамиз. Кейин ўзлари журналга бирон-бир баҳо қўйиб, чоракдан-чоракка ўтказиб қўяверади. Узингиз ҳам шундай қила-сиз-ку, Санам дугонам айтди.

Даҳо уст-бошлари, юzlари кир Сорага тикилиб қолди. Кўнглидан манави гаплар ўтди: «Ана, бўлажак

чала-чулла, хом-хатала мутахассислар. Сони бор-у, салмоги йўқ, дипломи бор-у, калласи йўқ мутахассислар. Улар ҳали вояга етмасданоқ жисман пачоқ, руҳан майиб, ақлан ғариб бўлиб қолади».

— Ўзи булар маладес, Турсунқул ошна. Мен қойил бўлгандан шуларга қойилман. Кўклам келди дегандан дарсдан чиқиб, пиллага барг, читир ўт ташийдиган ҳам шулар, пахтани ягана қиласидиган, ёзда ўтоқ қиласидиган, кейин чеканка қиласидиган ҳам шулар. Кузда пахтани териб оладиган ҳам шулар. Ўзи, пахтага ораласа бўйи кўринмайди, Турсунқул ошна. Лекин кунига ўйнаб-ўйнаб юз килодан ошириб пахта теради. Чевар-да, чевар. Қўли гул.

— Жим, жим.

Даҳо радиокарнайдан тараляётган овозин таниб қолиб, шундай деди. Сўнг, Назир бригадирга шивирлаб изоҳ берди:

— Гапираётган бизнинг курсдош бўлади. Ўша ерда ишлайди.

Назар бригадир ҳа-а, деди-да, Даҳо билан хайрхўшлашиб, синглисини эргаштириб кетди.

Даҳо радиокарнайга эътибор билан қулоқ солди. Радиомухбир давом этди:

— Мұҳтарам радиотингловчилар, маълумингиз ким, шу кунларда қуёшли она юртимизда олтин ёз фасли кезмоқда. Доно халқимиз бу фаслини олтин ёз, деб атайди. Бу атама бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, олтин ёз фасли тўкин-сочинчилик, пишиқчилик фасли, эзгулик фасли. Тилими тилини ёрадиган ананас қовунлари-ю, ишкомларда ғуж-ғуж осилиб турган узумлари-ю, шохларда она қуёш нурида олтиндай товланиб турган ширин-шакар мева-чеваларни-ю, қўйингки, барча-барчаси кўзни олади, кўзни қувонтиради, яшнатади! Баракалла, сахий қуёш, қандингин ур, олтин ёз, олтин ёз — ўтади соз, дегинг келади!

Хўш, ана шу олтин фаслда қишлоқ меҳнаткашлари ишдан бўш вақтларида қандай дам олмоқдалар? Биз нурафшон қишлоқларимиздан бирида бўлиб, эндиғина эллик баҳорни қаршилаган илгор колхозчи Мўмин ака Қўйбоқаровга ана шундай савол билан мурожаат қилдик. У киши дил сўзларини мана бундай тўлқинланиб изҳор қилди:

— Ишдан бўш вақтларимизни жуда кўнгилли ўтказамиз. Маданий-маишӣ ҳордиқ чиқаришимиз учун ҳамма нарса муҳайё. Қишлоқларимиз шаҳар тусини

олган. Қишлоқ билан шаҳар ўртасида тафовут қолмади, десак ҳам бўлади. Бугун биз қишлоқларимиз жамолига боқиб, жаннатмакон нурафшон қишлоқ, қишлоқларим — гулбоғларим, деб баралла айта оламиз.

«Қаҳрамонига ёзиб берибди. Тўхтаб, тутилиб-тутилиб гапиришидан билиниб турибди», деди ичидা Даҳо.

Бурилишда автобус кўринди. Даҳо ўрнидан туриб, чамадонини олди. Автобусга ўтириб, йўлда деразадан бошини чиқарди. Дақиқа сайин кейинда қолиб кетаётган қишлоғига истеҳзо билан тиржайиб қаради: «Хайр, жаннатмакон нурафшон қишлоқ! Хайр, қишлоқларим — гулбоғларим!»

### XIII

Даҳо бугун бу курсдошининг, эртага у курсдошининг ижарасида кун кўрди. Бирови билан ҳамхона бўлмоқчи бўлди. Курсдоши кўнмади:

— Икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамайди,—деди.

Шундан кейин ўзига алоҳида ижара қидирди. Излаб-излаб, бир ғариб, рангсиз-бўёқсиз ижарани топди. Шунда яшай бошлади.

Ўзига иш излади. Очмаган эшиги, ёпмаган эшиги қолмади. Турли-туман ялтоқлик қилди, артист бўлди, елпатак бўлди. Ўртага одам қўйди. Аммо редакциялардан иш тополмади. Шоирман, дейиши билан рад жавобини олаверди:

— Шоир? Йўқ-йўқ...

Эшиклар ичкаридан ёпилди, телефонлар узиб қўйилди.

Шоирман, дея кўкрагига уриб юрган Даҳо ўйлаб ўйига етолмади. Шоирман деса, одамларнинг пешонаси тиришса, шоир эмасман деса, шоирлигидан бошқа мақтанадиган ери бўлмаса.

Даҳо нима қилишини билмай, ҳайрондан-ҳайрон бўлди. Юриб-юриб, охири шаҳар қарамоғидаги район маданият уйидан паноҳ топди.

Қишлоғига бориб, мактабдан бўшади, паспортини рўйхатдан ўчирди. Аёли йиғиб юрган бор пулни олди. Аёли мўлтираб, бир ўғил-қизига, бир эрига қараб:

— Энди биз нима еймиз?— деди.

— Кўрқма, очингдан ўлмайсан. Ана, ота-онам бोқади.

— Энди мен нима қиласман?

— Яхшилаб жойлашиб, уй олай, сениям олиб кетаман.

Аёли хайр, дея узалиб, эрининг юзидан ўпди. Даҳо аёлининг ўнг қулоғи солинчагига тикилиб, кўнгли ўйнади: аёлининг ўнг солинчаги — сирға тешиги яра, қўтирил яра!

Аёлининг юзига қараб, кўнгли ўйнагандан-ўйнади: аёлининг соchlари қазғоқ, ёноқлари кир, оғзи сассиқ!

Даҳо адирда пода боқиб юрган отаси билан хайрхўшни насия қилди. Қўшалоқ чамадон кўтариб, шаҳарга қайтди.

Остонада онаси, ўғил-қизи термилиб қолди.

#### XIV

Даҳо йўлини қилиб, паспортини область районларидан бирига қайд қилиб олди.

Буйруқ чиқиб, биринчи маошини олди. Сўлим сув бўйидаги кафеда дастлабки маошини ювди. Ҳамкаслари билан шаҳар кўчаларини саир қилиб, яйради. Қамлик қилиб, соат ўнларда яна бир кафега кирди. Қафтини кафтига ишқаб, завқланди: «Шаҳар қандай яҳши! Ҳамма нарса бор...»

Даҳо маданият уйида бир йилча ишлаб, музейга ўтиб кетди.

Музейда бир катта шоирнинг бошида ажабтовур либос кўрди. Янги ҳамкасларидан пицирлаб сўради:

— Бу нима?

— Берет.

Даҳо, катта шоирлар берет кияр экан, деб шу куниёқ берет топиб кийди. Ойнага қараб, қизарди. Берет Даҳога ярашмади. Бети тайпоқ товоқقا ўхшаб қолди. Шундай бўлса-да, кийиб, ўзини катта шонр фаҳмлади.

#### XV

Аёли кетма-кет мактублар йўллади. Мактубларида ялинди, ёлворди. Қоракўзлари тилидан тавалло қилди.

Даҳо мактубларга шунчаки кўз югуртириб, йиртиб ташлади.

Аёли қоракўзлари билан яна мактуб битди. Мак-

туб бошида йиғлаб ўтирган кенжасининг сочларини чанглаб, бошини ерга босди. Кенжаси вой сочим, дея чинқириб йиғлаб, бошини эгмади.

Аёли ёниб-ёлворди, аёли куйиб ёлворди:

— Эгил дейман, шўрпешона! Эгил дейман, сағир!

Кенжаси оғриқ зўридан мактубга эгилди. Шунда, кўз ёшлари селоба бўлиб, мактубга томди. Томчилар қуриб, доф бўлиб қолди.

Аёли томчилар остига: «Кенжагинангизнинг кўз ёшлари!»— дея битиб, мактубни жўнатди.

Даҳо мактубни очиб, томчиларни кўрди. Бошини ирғаб, димоғида кулди: «О, худди китобдагидай. Эҳ, овсар Шарқ, тўпори Шарқ, соддадил Шарқ! Булар ҳамон китобдаги гапларга ишониб юрибди!»

## XVI

Қўйди-чиқдининг ўзи бўлмайди. Аввало бирор гап-сўз, қолаверса, таг-заминли бирор баҳонаи сабаб лозим. Боиси, ўртада бир жуфт қоракўз бор.

Аёлимни севмайман, аввал-бошдан кўнглим йўқ эди, десинми? Бўлмайди! Аёлига кўнгил қўйиб, шеърлар бағишлаб уйланган.

Аёлим касал, десинми? Бўлмайди! Иигит бўлсанг даволат, дейди.

Саводи йўқ, ўқимаган, десинми? Буям бўлмайди! Уйланётганингдаям ўқимаган эди, шоир бўлсанг, ана, энди сиртдан ўқит, дейди.

Аёлинин... бадном қилсинми? Аёлим... хиёнат қилди, десинми? Йўқ-йўқ, бу гап асло бўлмайди. Аёли ҳалол аёл.

Даҳо бир варақ қоғозни ажи-бужи чизиб, кўп ўйлади. Ўйлари худди шу чизиқлардай бир-бирига айқашиб,чувалашиб кетди. Варақнинг орқа тарафини ўнгарди. Қўли ихтиёр этган йўсинда мақсадсиз чизиб, ўйлади.

Охири ўйлаб ўйига етди. Топган гапидан ўзида йўқ қувониб, қаламни варақ устига чирт эткизиб ташлади. Ўзича, ўзини оқладиган, юзини ёруғ қиладиган гапни топди: уйланганимда аёлим... бокира эмас эди, дейди!

Нимага шуни ўшанда айтмадинг, десалар-чи? Иигитлик ғуурим йўл қўймади, дейди!

Дарҳақиқат, Даҳо ўйлагандай бўлди. Уз яқинлари-га шу гапни айтиб, ўзини ўзи оқлади.

Гап оғизма-оғиз юриб-юриб, аёлининг қулоғига етди. Аёли шундай бир мактуб йўллади, ўз қалбини шундай баён этди!

У аввалига аёлим бу туйғуларни бирор китобдан кўчириб олган, дея гумон қилди. Ўлаб-ўлаб, қайси китобдан эканини билолмади. Яна бир бор ўқиб, бу гаплар аёлининг ўз қалбига доир эканига ишонди. «Жорж Санд бўл-э,— деди ўзича мактубга тикилиб.— Агар ўқиса, зўр адиба бўлиши мумкин экан».

Аёли мактубининг охирида дебди: «...Нима десангиз денг, ўлмаган жоним, чидайман, лекин шу гапингизни қайтиб олиниг, мен кўз очиб сизни кўрганман. Аёллик ғурурим бор...»

Даҳо оғзининг ўнг бурчи билан иржайиб, мактубни тўрт бўлди: «Об-бо, ўзи бор-йўғи аёл-у, яна тағин ғурурим бор дейди-я. Аёлда ғурур нима қилади...»

## XVII

Даҳо керишиб эснади. Деразадан ташқари қараб, э, дея қалқиб тушди. Кўзларини пириратиб юмиб, яна очди. У кўпдан буён юрагини ҳовучлаб юрган воқеа бўлди: аёли болаларини эргаштириб идорага кириб келди. Ана, ташқаридан қоровул чол билан гаплашди. Ана, болалари йўлак бўйндаги гулларга қўлларини теккизиб кўрди. Ана, аёли болаларини эргаштириб, идорага қараб юрди.

Даҳо кўзлари олайиб, сапчиб турди. Хонага аланглаб, коридорга отилди. Орқа эшикдан ҳовлига ўтди. Зироатни оралаб чопиб, деворга осилди. Қатта кўчага ошиб тушиб, кетига қарамай бекатга чопди. Дуч келган автобусга чиқиб олди. Кўнгли тинчиб, елкасидан нафас олди: «Яхши бўлди, юзма-юз бўлмадим. Энг муҳими — юзма-юз бўлмаслик. Фарзанд — фарзандда, кўнгилни эритиб юборади. Кон туйғуси ёмон, қошкўз ёмон, одамии дарҳол асир этади».

Ижарасига келиб, эшикни ичкаридан қулфлади. Дераза пардаларини туширди. Кир адёлига бурканиб, кўзларини юмди. Кўнгли бирёқли бўлди: «Энди тополмайди. Қараб-қараб кетади. Аммо идорадагилар сидида шарманда бўладиган бўлдим».

Шу ётишда хийла ётди. Етган кўйи дераза пардасига узалди. Пардани ўғринча қайириб, ташқарига

мўралади. Қараса, оқшом бўлибди. Имиллаб, ташқарилади. Ҳовли ўртасидаги кранга бошини тутди. Артиниб, чекди.

Шунда катта эшик тақиллади.

Даҳонинг юраги «шиф» этди. Ҳали тугамаган сигаретани четга отиб, хонасига юргургилади. Эшикни ичкаридан қулфлаб, остоңада аланг-жаланг бўлиб турди.

Үй бекаси эшикни тақ-тақ уриб, жиянингиз келди, деди.

Даҳо шундагина енгил тин олиб, эшикни очди. Борса, эшик олдида жияни турибди. Жиян уни кўриб, жилмайди. Даҳонинг қовоғига қараб, кулгиси қочди. Даҳо жияннига қўл учини узатиб, теваракка аланглади. Бошқа одам йўқлигини билиб, жиянни ичкари бошлади.

Жиян ижара уйда омонат ўтириди. Тоғасидан ҳолаҳвол сўради. Даҳо бош ирғаб, журналга тикилиб ўтириди. Рўйихушлик бермади.

— Идорангизга бордик, йўқ экансиз, ҳали тушликдан қайтмади, дейишди.

— ...

— Бирга ишлайдиган одамларингиздан адресингизни сўраб эдик, билмаймиз, у квартирадан квартира га кўчиб яшайди, дейишди.

— ...

Даҳо рўйихушлик бермади.

— Қарадик-қарадик, бўлмади. Энди умид йўқ деб, вокзалга бордик. Кутиш залида ўтириб эдик, бир сафар сиз билан қишлоқча борган курсдошингизни кўриб қолдик. Ўша янги адресингизни билар экан, ёзиб берди.

— ...

— Янгамни болалари билан вокзалга қўйиб келдим. Топа оламанми-йўқми, овора қилмайин дедим-да.

Даҳо журналдан, журнал Даҳодан тўймади. Жиян Даҳонинг қўйнига қўл солди:

— Уйларингизга кўчиб борадиган бўлдим, тоға. Аммам қўймаяпти. Энди чол-кампирга ўзим қарайман. Беш кунлиги борми-йўқми.

Ана шунда Даҳога жон кирди. Ер остидан жияннига қаради. Қараса, жияни чин кўнгилдан гапирияпти. Даҳо мотамда ўтиргандай бош эгиб, таъзияли тарзда гапирди:

— Шундай қилинг, жиян. Бизнинг тақдиримиз мана, кўриб турибсиз. Ўз она юртимизга тўғри келмадик. Шарт-шароит дегандай...

— Тоға, мен бир тракторчиман. Сиз ўқимишли одамсиз. Ўқимишли бўлгандаям улай-булай ўқимишли эмассиз. Дунёнинг китобини ўқигансиз...

— Гап ўқишида эмас...

— Ўқишида-да, тоға. Шоирчасига айтганда, она-Ер сизларни ўқишига юборади, чол-кампирлар ўзи емай, ўзи ичмай сизларни ўқитади. Шулар ўқиб келиб, турмушимизни яхшиласин, еримизга қарасин, дейди. Сизлар эса тайёрига — шаҳарга чопасизлар. Шароит ёмон бўлса, мана сиз шоирсиз, ёзинг — уёқ-бўёққа! Тузатинг, янгиланг!

— Гап битта менда эмас.

— Биламан, гап битта сизда эмас. Бу азалдан бор гап. Уккафарлар ўқиб, кўзи очилади-ю, битта-битталаб шаҳарга қараб қочади. Оқибат, қишлоқларимиз аввал қандай бўлса, шундайлигича қолиб кетади!

Даҳо энсаси қотиб, яна журналга тикилди. Жиян вазиятни тушуниб, бошқа гапга ўтди:

— Тоға, янгамни олиб келдим. Яхшими-ёмонми, бир ёстиққа бош қўйгансизлар!

— Ну что?

— Тоға, болаларингиз вокзалда қолди.

— Ну что?

— Улар пуштикамарингиздан бўлган болаларингиз.

— Ну что?

— Уларни бориб олиб келсан, деган эдим.

Даҳонинг хаёлидан соchlари қазғоқ, ёноқлари кир, оғзи сассиқ аёли ўтди. Тумшуғини чўзиб:

— Да ну!..— деди.

Жиян эгилиб, Даҳонинг юзига қаради. Қараб туриб-туриб, кўнгли бузилиб кетди. Овози ногирон, қалтираб чиқди:

— Тоға,

Қора кўзнинг ёши ёмон,  
Қора қошнинг оҳи ёмон!

— Да ну!..

Жияннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Үпкасини босмай, ҳиқиллаб йиғлади. Ёноқларини арта-арта эшикка равона бўлди.

Даҳонинг аёли болаларини эргаштириб, онасини-  
кига кетди.

## XVIII

Зал одамга лиқ тўлди. Ҳаяллаб келганлар дераза  
токчаларига ўтирди, остоңада тик турди, девор бўй-  
лаб тизилди.

Давранинг икки кўзи тўрда бўлди.

Минбарга Улуғ шоир таклиф қилинди. Улуғ шо-  
ирнинг номи айтилиши билан давра гурр қарсак  
чалди.

Қарсаклар адо бўлгунича Улуғ шоир бир нуқта-  
га тикилиб турди. Кейин, шарқона вазиятда улуғ ту-  
риб, шеър ўқий бошлади.

Давра сув сепгандай сокин бўлди. Қилт этган садо  
бўлмади. Давра назм оғушида қолди.

Улуғ шоирнинг назмида шарқона бир донолик,  
нуктадонлик бўлди. Бухоро минораларидаюксаклик  
ҳам ҳашамлик, Самарқанд мадрасаларидаулуғлик  
ҳам бепоёнлик бўлди.

Улуғ шоирнинг улуғ назми ниҳоясига етди.

Давра қалқиб кетди. Гулдурос қарсак бўлди. Улуғ  
шоирнинг қучоги гулга тўлди.

Паҳлавон Даҳонинг ичидан бир нима ўтиб кетди.  
Нафаси ичига тушиб, инқиллади. Бит кўзларининг  
пахтаси чиқди. Даврага, кейин гулга кўмилган улуғ  
шоирга ғайронга қаради. Даҳонинг кўзлари куйди,  
кўзлари ёнди.

Минбарга Паҳлавон Даҳо чиқди. Аввал-аввал дов-  
дираб, бора-бора ўзини ўнглаб олди. Ўзини сипо тут-  
ди, кўзларини юмди, қулочини кенг очди, бошини са-  
рак-сарак этиб, ўқиб бошлади:-

Менга қәраб  
Титрайсан, дарахт  
Изғирин ўрамиш  
Сенинг-да  
Баргингни.  
Менинг ҳам куртакларим  
Ичимда ўртанар  
Кўксимда тўлғонер  
Тешиб юборгудай бағримни!

Давранинг у ер-бу ерида чала-чулла чапак бўлди.  
Даҳо кўзларини очиб, даврага назар солди. Дав-

рада бирор елкасини қисди, бирор лабини бурди, бирор энкайиб, эшикка равона бўлди. Узаро пичир-пичир бошланди.

Даҳо барчасини кўриб турди. Алам билан янги шеърини бошлади. Бир шивирлади, бир бақирди, бир ҳайқирди. Шаҳодат бармоғини даврага бигиз қилди, муштини даврага ўқталди, гурс этқизиб минбарга муштлади. Шеърни ҳайқириб тамомлади:

**Ҳайқираман Цезардек  
Талпинаман Кегардек!**

Даврада бирор овоз бериб кулди, бирор ҳиринглаб кулди, бирор пиқиллаб кулди. Бирор ол-а, деди.

Даҳо жойига бориб ўтириди. Даҳонинг юраги тез-тез урди, боши қизиди, қўллари қалтиради. Нафаси қайтиб, ўтиrolмади. Ёнидаги танқидчига юринг, чекиб келамиз, дея шивирлади.

Даҳо ташқарилаб, энтикиб нафас олди. Оғзиға сигарета қистирди. Танқидчи гугурт чақиб тутди. Кейин ўзиям чекиб, Даҳодан сўради:

— Қалай, яхши бўляптими?

— Чидаса бўлади.

— Ўзиям халқ роса йифилиби-я.

Даҳонинг афти буришиб, зардали қўл силтади.

— Ну-ну, содда экансиз, шоир. Сиз ҳали халққа ишониб юрибсизми? Халқ деганингиз пода-ку!

— Нега энди, ичида интеллигенция ҳам бор.

— Қатъий назар! Халқ — пода!

## XIX

Паҳлавон Даҳо адабий даврага қўшилди.

Давра ўзларидан ўзганинг фийбатини қилиб бўлди. Жағлари толиб кўнгиллари ором олди. Сигарета бурқситиб, хаёлларга ғарқ бўлди. Бирор деразага, бирор бўш шишага қараб хаёл сурди. Бирор сигарета турунини шифтгача кузатиб қўйди.

Энди кимнинг фийбатини қилсак экан-а, дегандай, бир-бировига қаради.

Шу вақт зинапояда Улуғ шоир кўринди. Улуғ шоир даврани кўриб-кўрмасликка олиб ўтиб кетди.

Давра яна жонланди. Давра энди Улуғ шоирни чайнади:

— Нимасига кеккаяди, ҳайронман.

- Тумшугига солсанг.
- Шоир сифатида шоир, лекин одам сифатида ноль!
- Одам эмас!
- Яшанг, кўнглимдагини гапирдингиз, ичим экансиз.
- Аввало одам бўлиш керак, дўстим, одам.
- Граждан бўлиш керак.
- Мен унинг асарларини ҳурмат қиласман, ўзидан жирканаман.
- Асари бошқа, ўзи бошқа.
- Башараси сфинкларга ўхшайди, ҳеч бир ифода йўқ.
- Ўзидан асари яхши.
- Асарлариям ундаи зўр эмас.
- Экзотика.
- Қандайдир отларни, атласларни ёзадими·э.
- Ҳалиғи, отнинг рули бор-ку, оти нима эди?
- Отнинг рули?
- Ҳа, отнинг рули. Отни мана бундай, бундай қилиб бошқарадиган рули бор-ку.
- Юган.
- Ҳа-ҳа, юган! Шу юганга тақилган тақинчоқлар-гача тасвирлаган-е. От бир ҳайвон бўлса, «Газ-24» бўлмаса.
- Провинциаль! Уз қишлоғи даражасида бўлиб қолган.
- Примитив! Ўзининг миллий қобиғини ёриб чиқолмаган.
- Масалан, мана, менинг асарларим глобальный, жаҳон адабиёти талабларига жавоб бера олади.
- Конечно, одамлар унинг тилига учиб, алданяпти. Адабиётда тил нима деган гап, ерунда!

## XX

Сурхон даштлари осмондай бепоён.

Уфқлари алвон-алвон.

Оқшомлари мусаффо-мусаффо.

Бепоён даштлар узра тўрғайлар ҳаволади. Чарх уриб чулдиради, чарх уриб бўзлади.

Даҳо костюми ишидан бармоғини ўтқазиб, елка-сига ташлаб олди. Юмалоқ тошга чиқиб, пойида ёйи-либ ётган дашту далаларга боқиб хитоб қилди:

— О-о-о!

Гўё парвозга талпинаётгандай бўш қўлини кенг ёйиб, олис уфқларга ўйчан боқди.

Ёнида унинг шими қайишидан ушлаб турган жияни ҳайрон бўлиб, тоғасининг қўлтиғи остидан юзларига, ёйиқ қўлига, кейин тоғаси термилаётган уфққа қаради.

Тоға-жиян хийла юрди. Жиян бурнини ковлаб-ковлаб юравериб, оёғи толди. Оёқлари чалишиб мункиб-мункиб кетди.

Даҳо жияни чарчаганини билиб, бир харсангтош олдидা оёқ илди. Костюми астарини ағдариб буклаб, тошга қўйди. Тушиб кетмасин, дея ён чўнтағидаги ручкасини босиброқ қўйди. Ўзи тошнинг бу четига, жияни у четига ўтири.

Даҳо сигарета тутатди. Даشتларга термилиб, хаёл сурди.

Даштлар узра ҳавода юзлаб тўрғайлар бир чарх-палак бўлди, бир юлдуздай учди, бир жойида муаллақ қотиб қолди.

Тўрғайлар сози кўнгилни қитиқлади, кўнгилни созлади.

Беш-үн қадам олдиндаги тошлар орасидан бир тўрғай ўқдай отилиб учди. Тошлар узра муаллақ бўлиб, чулдиради. Яна тошлар аро шўнғиб, яна кўкда ҳаволанди.

Жиян шу тошларга қараб чопди. Қўлларини тиззалиги тираб, тошларга энкайди. Шу кўйи хийла туриб, яна қоматини олди. Шаҳодат бармоғини бир нимага ниш қилиб, тоғасига қичқирди:

— Тоға, манавинга қаранг!

Даҳо имиллаб, қўзғалиб, жияни олдига борди. Тошлар орасига қараб, хас-чўпдан бино бўлган инни кўрди. Ин ичига патлар тўшалган. Унда иккита полапон қимир-қимир этади. Полапонларга ҳали пат битмаган, қанот битмаган. Полапонлар ҳали жиш!

Полапонлар питир-питир этиб, индан ерга тушгиси, йўрғалаб-йўрғалаб юргиси, ҳаволаниб-ҳаволаниб учгиси келди. Жон-жаҳдлари билан талпинди. Аммо начора, дард бор-у, дармон йўқ!

Полапонлар оғзини капса-каппа очиб, пийп-пийп, дея нораста овоз берди. Полапонлар оғзи шундай катта, шундай катта — овоз бераётгандарига бор танаси, бош-кўзи мисоли оғиз бўлди!

Даҳо чўккалаб ўтири. Узалиб, иннинг бир чўпини суғуриб олди. Чўп учини полапоннинг оғзига олиб

борди. Полапон оғзини юмиб олди. Ҳадик олди шекилли, оғзини қайтиб очмади.

Даҳо чўпни шайлаб турди.

Ниҳоят, полапон яна оғзини очиб, пийп-пийп, деди.

Даҳо эпчиллик билан чўп учини полапон оғзига тикиб юбориб:

— Хол, попал! — деди.

Жиян сесканиб тушди.

Тўрғай бошлари узра чарх уриб бўзлади.

Полапон интилди, полапон талпинди, полапон яна пийп-пийп, дегиси келди.

Даҳо чўп билан полапонни туртди.

Полапонда ҳаёт нишон бермади...

Шунда, тошлар орасидан ҳаддан зиёд заиф, нимжон овоз келди. Даҳо бир тошии кўтариб қараса, остида ёнғоқдай чинор тухум ёткабди. Тухумнинг ёрик нишиндал бир тумшуқ чиқиб турибди. Тухум — вақтвақти билан қимирлаб, ичидаги полапон ҳаётга талпинди. Орзусига етолмай зорланиб овоз берди.

— Бечора-э, чиқолмаяпсанми? Ҳозир чиқарамиз, ҳозир. Аввал бир сув ичиб ол, дадил бўласан.

Даҳо шундай деб, қҳм-қҳм, дея оғзида тупук тўплади. Кейин тупугини ерга авайлаб сизиб, тухум ёриғига тўқди. Тухум ёриғи балғамга тўлди.

Полапоннинг овози ўчди.

— Ия, индамай қолди-ю, жиян. Яхшиликка ёмонлиг-э.

Даҳо бармоқлари орасидаги сигаретани бурқситиб-бурқситиб бир-икки тортиди. Сўнг сигарета чўғини полапон тумшуғига олиб борди. Сигарета чўғи тупука тегиб, «жиз» этди.

Жиян инграб юборди.

Даҳо сигарета ўчиб қолишидан ташвишланиб, уни босиб-босиб тортиди. Кейин яна полапон тумшуғига олиб борди.

Полапондан садо чиқмади.

Шунда, Даҳонинг сабр косаси тўлди. Тухумни олиб, кўзлари яқинига олиб келди. Афтини бужмайтириб фу, деди, тухумни юзидан холис тутди.

Тўрғай бошлари узра чарх уриб бўзлади.

Даҳо тухумни силкиди. Ичидаги полапонда жон асари сезмагач, тухумни тошга отиб юборди. Тухум тошга тушиб, «чирс» этиб ёрилди. Полапон бир ён, бешиги бир ён бўлди!

Тўрғай бошлари уэра чарх уриб бўзлади.  
Жиян чинқириб юборди. Тоғасининг тиззасига юзларини босиб йиғлади.

— Нимага йиғлайсан? Чўқиб олади деб қўрқаяпсанми? Чўқиб кўрсинг, манави тош билан соламан.

Жиян ўйкасини босолмай йиғлади. Бир кўзи қири билан ерда сулайиб ётган полапонга қаради. Сескануб, яна кўзини яширди.

— Кетдик, жиян, роса айландик. Овқат вақтиям бўлиб қолди.

Даҳо йўл бошлади, жиян кетига қараб-қараб, унга эргашди. Даҳо костюмни олдига келиб, афти буришди.

— Уҳ, зверь, уҳ, ваҳший! — деди пиҷирлаб.

Жиян нима гаплигини билолмай, олдинга ўтиб қаради. Костюм чўнтағидаги ручкага қандайдир бир қуш, тахминан, тўрғай... ўтириб кетибди.

## XXI

Саратон сарғайди. Сунбула болалаб, мезонлар арғамчи солди. Яккахон бедана жуфтини чорлаб питпиллади.

«Оқ олтин» — ҳашарга чорлади!

Ҳашар — кўпга келган тўй. Аммо Даҳо ҳашарни ўзича тушунди. У ўзини камситилган, хўрланган деб билди:

— Мендай одамни пахтага ҳайдади-я, ҳей, саводсизлар! Пахта терими тугасин, прозага ўтаман! Кўп эмас, битта проза асари ёзаман. Шу асаримда Шарқ билан Фарбни пайванд қиласман! Шу билан анави юрган ёзувчиларни ер билан теп-текис қилиб ташлайман! Улар ҳам ёзувчиман деб юрибди-да, қандайдир бир исқирт, провинциаль одамлар ҳақида проза ёзиб. Менинг қаҳрамоним супер шахс бўлади! Жо Дассен! Марҳум француз қўшиқчиси! Дассен ҳақида проза ёзаман! Ёзгандаям Прустчасига ёзаман!

Ёнида пахта тераётган ҳамкаси Даҳони пуфлади:

— Зўрсиз, зўр!

Даҳо ийиб кетди. Шаҳодат бармоғини ҳамкасбига бигиз қилиб:

— Сиз — тарихий шахссиз! — деди.

Ҳамкаси довдираб, уёқ-буёғига аланглади. Ўзида бирор-бир тарихийлик кўрмади. Истеҳзолалиб:

— Йўғ-э, биз ҳали у даражага етганимиз йўқ, — деди.

— Йўқ, ортиқча камтарлик — манманлик! Сиз аллақачон тарихий шахксиз!

— Тушунтириб айтинг-да, нима гап ўзи?

— Сиз — мен билан бирга ишлаш шарафига мұяссар бўлмоқдасиз! Мен билан елқұма-елка бўлиб меҳнат қилмоқдасиз! Бу — буюк шараф! Ҳали замонлар келади, номингиз тарихларга битилади! Паҳлавон Даҳо билан беседа қилиш шарафига мұяссар бўлган шахс деб ёзилади!

— Қуллуқ, қуллуқ!

Одамлар Даҳога буюксиз, дея илтифот қилди, мулозамат қилди, марҳамат қилди. Фақат бир-иккита қиз Даҳони кўриб кўрмасликка олди. Даҳога қарасаям, бурнини жийириб қаради. Бу, Даҳонинг иззатнафсига тегди. Даҳо фавқулодда шундай деб қолди:

— Қизлар, тарихда қолишни истайсизларми?

Қизлар нима гап, дегандай бир-бирига қаради. Бирори ажабланиб сўради:

— Нима эди?

Даҳо бошини сарак-сарак, кўзларини ола-була ётиб деди:

— Мабодо тарихда қолишни истасанглар, мен билан бирга расмга тушинглар!

— Ким билан?

— Мен билан! Само собой, бу расм танланган асарларимда берилади. Шунда, расм тагига: «Паҳлавон Даҳо замондошлари даврасида» деб ёзиб қўйилади. Қарабисизки, мен баҳона тарихда қоласиз, ана!

— Вой-во-ой, қачон тушайлик?

— Хоҳласангиз, мана ҳозир, пахта ичидан тушинглар. Расм тагига: «Паҳлавон Даҳо простой народ билан пахта теримида», деб ёзиб қўямиз, тамом!

Даҳо музейдагиларнинг жонига тегди. Бирорлар, шу ишдан кетган кун идорага ош қилиб келаман, деди. Бирорлар, шу даф бўлган кун ўз бошидан садақа ваъда берди.

Даҳони оҳлар урди.

Бир вақтлар музейда ишлаб, кейин газетага ўтиб кетган одам вафот этди. Музей аҳли марҳум билан видолашиб учун мозорга йўл олди. Даҳо турли-туман важлар айтиб, тайсаллади. Бўлмади. Үлмайининг кунидан музей аҳлига эргашди. Мозорда марҳумнинг расмини кўриб таниди. Марҳум бир пайтлар Даҳони газетага ишга олмаган одам эди. Даҳонинг

юзи ёришди, кўнгли ором олди. «Сен ҳам ўлар экансан-ку», деди ичидা.

Марҳум лаҳадга қўйилиб, устидан тупроқ тортилди. Азалий одатга биноан бир оқсоқол овозини қўйиб сўради:

— Халойик, марҳум қандай одам эди?

Одамлар ёппасига овоз берди:

— Яхши одам эди, раҳматлик!

Музей аҳли такрорлади:

— Яхши одам эди, бечора!

Даҳо тишларини ғижирлатиб, одамларга ўқрайди. Тишлари орасидан вишиллаб, нафратланиб айтди:

— Ифлос эди!

Даҳо буни ўзи учун айтди. Аммо мотам сукунати эмасми, гап теваракдагиларга баралла эшигилди. Эшигилар чўчиб тушди.

Музей аҳли ер ёримади, ерга кириб кетмади.

Музей директори идорага келиб, ўзини босолмай энтиклиди. Қулт-қулт сув ичди. Бўлмади. Босиб-босиб ичди. Столга уриб, бўлим бошлиғига буйруқ берди:

— Анавп палпис дарозни кўзимдан йўқотинг!

— Қим?

— Ҳалиги маймун шоир-чи, тахаллуси Дарозмиди, Даҳомиди, нима эди...

— Ҳа, энди, шоир-да, шоир...

— Мен сизга айтаяпман!

— Хўп, бир оғиз сўзингиз.

Буйруқ шу куни тайёр бўлди.

Даҳо у деди, бу деди, бўлмади. Уз гапини айтиш учун директорга кирди. Директор, башаранг қурсин, дегандай афти буришиб, деразага қаради.

Даҳо ўзи ўтириб, ўзи гапирди:

— Мен ҳақиқатни юзингизга айтиб, виждоним олдиди покланиб кетгани кирдим. Сизлар — догма, ма-на бундай қотиб қолганлизлар!

Даҳо стол қиррасига кўрсаткич бармоғини уриб кўрсатди.

Директор эсанкираб, муомала бошлади:

— Шоир...

— Сизлар ҳақиқат кўзига тик қарай олмайсиз, ҳақиқатдан қўрқасиз! Каръерангиз, креслонгиздан қўрқасиз! Ҳақиқатни айта билмайсиз! Айта билганларни эса бўғасиз, ноҳақ ишдан ҳайдайсиз!

— Шоир...

Директор Даҳонинг титраб-қақшаётганини кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.

Даҳо соchlари отнинг ёлларидаи ҳурпайиб, столга уриб давом этди:

— Сизлар шаблон одамсизлар! Асрлар давомида айтилавериб, сийқаси чиқиб кетган «яхши одам эди» қабилидаги штампавой гапларни такрорлашдан бошқани билмайсизлар! Сизлар тўтиқушсизлар! Бирор нима деса, тўтиқушларча шуни қайтарасизлар! «Яхши одам эди» эмиш. У аблар эди! Мени бир ой синаб кўриб, ишга олмаган! Мана мен ҳақиқат ханжарини қалбимга санчиб, асрлар мобайнида ҳеч ким айтольмаган ҳақиқатни айтдим! Мен — ҳақиқатман!

Паҳлавон Даҳо «ўз аризасига биноан» кетди.

## XXII

Даҳо йиллаб тентираб юрди. Юриш-туришида таин бўлмади. Оҳ-зор қилди. Ҳаётдан, одамлардан нолиди.

Юриб-юриб, область радиосидан иш топди. Ўша ерда ишлайдиган курсдошини ўртага солди. Бошлиқ кўнмади. Курсдоши Даҳони оталиққа олди. Бошлиқ ноилож қолиб:

— Майли, синов шарти билан оламан. Фақат соқолини олиб келсин,— деди.

Муҳтоҷлик олдида ғурур ҳам, шараф ҳам ожиз!

Даҳо шу заҳотиёқ сигиниб юрган соқолини таги билан қирдириб ташлади.

Синовдан яхши ўтиб, кўп қатори ишлаб кетди. Үнга курсдоши ақл бўлиб турди. Курсдоши нима деса, шуни қилди.

Идора уй ваъда берди. Аёллар келин тавсия қилди. Даҳо бўлажак келин билан мулоқотда бўлиб, яйраб кетди: «О, ана аёл! Юзлари, тишлари ялтирайди, соchlари товланади. Турган туришидан француз духининг ҳиди келади...»

## XXIII

Шоирлар булоқ бўйини маизилгоҳ этди.

Даҳо толлар остидан қайнаб чиқаётган булоқقا, улкан ёнғоққа, ўркач-ўркач қирларга, олачалпак қорли тоғларга қулочини очиб, оғзини тўлдириб хитоб қилди:

— О-о-о!

Қўлларини булоққа узатиб, сўнг, лабларига босди. Узича, булоқни чўлп-чўлп ўпди. Кафтларини қорли чўққиларга ёйиб, кейин лабларига қайта-қайта босди. Узича, тоғларнинг оппоқ юзидан ўпди.

— О, Швейцария!

Даҳо беретини тол шохига илди, уст-бошларини қоқиб, булоқ сувларига юз-қўлини ювди. Пастда машинасига сув сепаётган шофёрга қўл силкиб, олиб кел, деди. Шофёр тош девордан ошиб, иккита қоғоз халта кўтариб келди.

Шоирлар булоқ бўйида давра олди.

Даҳо бўш шишани сувга отди. Шиша боши бир кўриниб, бир кўринмай оқди. Пастда юрган бир кучук сувни ёқалаб чопиб, шишани етиб олди. Шишани ис-каб-искаб, юз ўгириб кетди.

Шиша оқиб кетган пастдан бир одам булоқ ёқалаб келди. Шоирлар билан қўшқўллаб кўришди. Таёғига суюниб, ўртадаги узун-қисқа шишаларга қаради. Бош иргаб, юзини булоққа ўгириди.

Даҳо уни ўтиришга таклиф қилди. Қелган одам қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдириди:

— Қуллуқ, ош бўлсин. Хуш-хушвақт кетсаларингиз биз ўтиргандай гап. Билсаларингиз, булоқ табиатнинг каромати. Суви кўп улуғ.

— Биламиз, брат, биламиз.

— Билсангиз шу. Анави куни беш-олтитаси шаҳардан келиб, ўтириб кетди. Кейин билсан, артистлар экан. Қаранг-э, артист бўлмай, қора ер бўлгурлар, булоққа чўмилгани етмагандай, кир пайпоқлари, даст-рўмолларини сувга отиб кетибди. Ахир, бу булоқдан ўнлаб қишлоқлар сувлади. Аёллар булоққа сувга келса, сатилларига пайпоқ илашибди. Таёқни олиб чопиб келсан, жувонмарг ўлгурлар кетиб қолибди.

Даҳо келган одамнинг тирсагидан ушлади. Филжайиб, ўтирганларни кўрсатиб гапириди:

— Артистларни қўйинг, улар ўз номи ўзи билан артист, ҳа, артист! Биз шоирлармиз. Эшитяпсизми, шоирлар! Шоирлар — фазога интилган инсонлар! Бугунги газетани ўқидингизми? Газетада мана бу шоирнинг насрый достони чиқди. Шунга хўжайиндан машина сўраб, ўйнагани, аниқроғи, достонни ювгани келдик. Қўп эмас, бир-икки соатга. Узиям достонми-сан-достон! Табиатни қўриқлаш ҳақида, ҳа, она табиатни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳақида!

Келган одам анои шекилли, гапиям анои бўлди:

— Ўзларингиз шаҳарда яшаб, табиатни қандай қилиб қўриқлайсизлар?

— Қўриқлаймиз, ҳа, қўриқлаймиз! Достонлар ёзib, халқни табиатни асрашга чорлаймиз! Хуллас, хотиржам бўлинг, брат, бу ерда шоирлар ўтирибди.

Келган одам булоқни ёқалаб кетди. Хиёл ўтиб, сойнинг нариги бетидаги чайлада иккита бола қора берди. Болалар магнитофон қўйиб келди.

Шоирлар билди. Ҳалиги одам ўғилларини кўз-кулоқ бўлиб туришга юборди.

Болалар чайлага жойлашиб, магнитофонларини пастлатиб қўйди.

Шоирлар базми авж олди. Еган оғиз уялар, дегандай, шоирлар достон муаллифини бири қўйиб, бири мақтади. Бирори шоирнинг елкаларини ёпиб турган соchlарини силаб, қўшиқ айтиб мақтади:

— Соч эмас, бу, шаршара-э, шаршара!

Даҳо бир қўлида пиёла, газетага разм солиб, ўзича илжайди, ҳайрат билан бош чайқаб гапирди:

— Қойил-э, классика, просто классика! Баъзи жойлари просто Марсель Прустчасига ёзилган!

— Поток сознания!

— Модернизм!

Шоирлар шу баҳона ўзларини кўз-кўз қилгиси келди. Ўзларининг кимларни ўқиши, кимларга сажда қилишларини билдиргиси келди. Шоирлар бир-биридан қолишмади:

— Кафка!— кўзларини олайтириб хитоб қилди бирори.

— Камю!— ундан қолишмади ёнидагиси.

— Пруст!— янада баланддан келди Даҳо.

Қарасалар, бир-бирларидан кам эмас. Кейин, кўнгиллари таскин топиб, бир-бирларининг соғлиги учун кўтарди.

— Жозе Мария!

— Кейрош!

— Ия, саломат бўлсинлар, иккови битта одам-ку.

— Йўғ-е?

— Ҳа, Салтиков-Шчедрин дегандай гап-да.

— Шундайми? Уф-ф, кайфим ошди...

Даҳо ўзини мастиликка олиб ёнбошлади. Уятдан кўзларини юмиб, мудради.

Достони чиқсан шоир карсиллатиб бодринг чайнаб гапирди:

— Ўзиям достонни ит азоб билан чиқардим-да.  
Анави адабий ходим бор-ку, ўша фирт түнка экан-э!  
Достонни ўқиб бўлиб, бу таржимами, нима ўзи,  
дейди.

— Қайси, ҳалигими, фирт саводсиз-ку!

— Анавими, ноль-ку, ноль!

— Биринчи жумладан бошлаб ёпишса бўладими.  
«Шеробод адирлари Гренландия айсберглари каби  
оппоқ ястаниб ётар эди», деб ўқиб, ўхшатиш бундай  
бўлмайди, дейди. Ичимдавой қуруғ-э, хайрият, ўх-  
шатиш нималигини билибсан, дедим. У десам, бу деди,  
бу десам, у деди. Мен айтдим, ўртоқ, савод деган  
парса борми ўзи, Стейнбеклар ҳам шундай ёзган,  
кўп нарсаларни Гренландия айсбергларига таққослаб  
тасвирлаган, дедим. Бари бир, эшакнинг қулоғига  
танбур чертдинг нима, унга гапирдинг нима, во-во!

Шоир кўрсаткич бармоғи билан кесакни уриб кўр-  
сатди. Кейин ёзилиб келгани кетди.

Даҳо унинг кетидан оҳиста гап бошлади:

— Ўзи бир саводсиз, яна тағин ҳаммани инкор  
қилади.

— Саводсиз ҳам гапми, түнка.

— Одам сифатидаям бир пул.

Достони чиққан шоир қайтиб келди. Даҳо илжа-  
йиб, илтифот қилди:

— Қелинг, шоир, келинг. Э, яшанг, шоир, ажойиб  
одамсиз-да!

— Буюксиз, шоир, буюк!

— Йигитнинг гули!

Чайлада ёнбошлаб ётган болалар магнитофонини  
кўтариброқ қўйди. Булоқ бўйларини ашула олди:

Киши ҳолимни билмас, меҳрибонидин адашгонман,

Ватан оворадурмен, дўстонидин адашгонман...

Даҳо чайладаги болаларга қичқирди:

— Э, алло, анави овозинг ўчгурни бақиртирмаса-  
ларинг-чи!

Даҳо чайқалиб-чайқалиб, пастлаб кетди. Хисёл  
ўтди, келмади. Достони чиққан шоир алағда бўлиб,  
шофёрга тайинлади:

— Ука, шу шоир акангиздан бир хабар олинг.  
Айтиб бўладими, бегона жой, буёғи градуси ба-  
ланд...

Шофёр хўп, дея ўрнидан туриб, сув ёқалаб юрди.  
Сув бурилиб оқадиган ерга бориб тўхтади. Тағин,

шоир одам, уялиб қолмасин, деган ўйда бурилишдан авайлаб қараб, ажаб синоатни кўрди:

Қуёш қирлар ортига ботай-ботай деяпти. Сўнгги нурлари булоқ сувларини йилтиратиб, кўэни қамаштиряпти. Паҳлавон Даҳо ботаётган қуёшга тик боқиб, хаёл сураяпти, нимадир қуёш нурларида йилтираб, булоқ сувларига шитир-шитир этиб тушяпти. Паҳлавон Даҳо қуёшга шоирона-шоирона боқиб, сувга... чоптиряпти!

Шофёр чаппа бурилди. Уҳ, дея чопқиллаб юрди. Ҳовзир келади, деб, жойига ёнбошлиди.

Даҳо булоқ ёқалаб келди. Зўрга эгилиб, булоққа қўулларини ювди. Ҳўл қўулларини ёnlарига силкиб-салкиб қуритди. Ашула айтилаётган тарафга кўзларини сузиб қараб, ўнг қўлини шоп қилиб бақирди:

— Э, анавини ҳангратмасаларинг-чи! Одаммисандар ўзи?

Болалар ё, Даҳонинг гапини эшитмади, ё, эшитиб эшитмасликка олди. Булоқ бўйлари ашула оғушида қолди:

Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашгонман,  
Фарibi кўйи ғурбат, хонумонидин адашгонман,  
Ва ё бир мурғи вақший ошёнидин адашгонман.

Даҳо қўл силтаб, жойига ўтирди.

— Одам эмас булар, эшитсаям эшитмасликка олиб, молга ўхшаб без бўлиб тураверади!

Даҳо ёнидан жой олганда шофёр ўзини қаерга қўйишни билмади. Қалласини қашиб, уёқ-буёғига аланглади. Бир қуриган тол чўп билан ер чизиб ўтириди. Даҳонинг юзларига қарай олмади.

Давра яна қизиди. Қўнгилхушлик давом этди.

Даҳо бошмалдоғи билан елкаси оша чайлага ишора қилиб сўради:

— Ўзи бу ашула текстини ким ёзган?

— Ким билади. Менимча, матбуотнинг шанба сонларида чиқиб турадиган Қамтарий, Деҳқоний деган пенсионер шоирлар бор-ку, ўшаларники бўлса керак.

— Ҳа-а, айтдим-а, қандайдир бир примитив диалектикада ёзилган деб.

— Ўшалар жуда қизиғ-а. Шеърини Деҳқоний эрурман, деб тугатади-да, имзоси остига дурадгор, пахта-кор, деб ёзиб қўяди. Энди буям бир оригиналлик-да.

Үлүғ Фурқатнинг улуг ғазали ашула бўлиб, булоқ бўйлари узра учди, ёнғоқ япроқлари узра учди.

Тирикман зоҳирида, ҳалқ бир одам гумон айлар,  
Ва лекин ҳоли сурат, танда жонидин адашгомман.

Даҳо бир олмани артиб-артиб, егиси келмади. Артистлик билан қўлини қўксига қўйиб, ёнида ўтирган шофёрга узатди:

— Лутфан тақдим этаман.

Шофёр бир олмага, бир Даҳонинг қўлига қаради. Жирканиб, бурни буришди. Билдирмай олмани кетига отиб юборди.

Ашула ниҳоясига етди.

Даҳо елкасидан нафас олди.

— Уф-ф, хайрият-э, овози ўчди. Энди буям санъатда-а? Нима деб бўкирди, «тирикман зоҳирида» дедими? У нима дегани ўзи? Бундай ашулани биз ҳам айтиа оламиз, мана.

Даҳо қулочларини очиб, дутор чалаётган одам қиёфасини олди. Овозини атайин йўғонлаштириб, олдини дутор қилиб, ашула айтди:

Тирикман зоҳирида, ҳалқ бир одам гумон аилар...

## XXIV

У дастлабки меҳнат таътилидан хушчақчақ кайфиятда қайтди. Иш бошлаш ҳақида ариза ёзди.

Тушдан кейин бошлиқ чақирди.

Борса, бошлиқ, кадрлар бўлими бошлиғи, маҳаллий комитет раиси ўтирибди.

Бошлиқ Даҳога бир қофоз узатиб, ўқинг, деди. Даҳо қофозни олиб, ўз аризасини кўрди. Ҳайрон бўлиб, бошлиққа қаради. Бошлиқ ияги билан аризага ишора қилиб:

— Ўқинг, нимага анграясиз,— деди.

Даҳо ўз аризасини дона-дона қилиб ўқиди:

— «Область радиосининг бошлиғи, ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Ҳ. М. Бердиевга шоир Паҳлавон Даҳодан

## АРИЗА

Ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз Ҳамид Маликович, қалай, соғ-саломатмисиз? Сизга узоқ умр ва баҳт тилайман. Баҳтимизга узоқ яшанг.

Мен сизнинг даврингизда қувнаб дам олиб келдим. Туркум шеърлар ёздим. Илҳом келмаган пайтларда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб сайд қилдим. О, гавжум бульварлар, серманзара скверлар, гулзор аллеялар! О, Швейцария, Швейцария!

Ҳаммамиз учун ҳурматли Ҳамид Маликович, рухсат этинг, ишни келган жойидан давом эттирай.

Ҳурмат билан Паҳлавон Даҳо».

Кадрлар бўлими бошлиғи кулгисини кафтлари билан яширди. Маҳаллий комитет раиси кулиб юбор-маслик учун деразага қаради.

Бошлиқ Даҳодан сўради:

— Қайфингиз борми, ё...

Бошлиқ, ё сал камроқми, демоқчи бўлди. Тилини зўрга тийди.

Даҳо ўз аризасини ҳимоя қилди:

— Ҳамид Маликович, ёзгандан кейин чин юракдан ёзиш керак-да. Нима керак, схематик, халтура гапларни ёзиб...

Бошлиқ, бу бола мени майна қиласяпти, деб ўйлаган экан. Шундагина тушуниб, гапни бўлди:

— Бўпти, шоирчиликда бўлади. Боринг, яна шундай ҳужжат ёзиш керак бўлса, кадрлар бўлими билан маслаҳатлашиниг.

## XXV

Такси қишлоқقا келиб, улкан тут олдидан чапга бурилди. Олдинда ўтирган Паҳлавон Даҳо бирдан таксичининг билагига ёпишди.

— Ия, тўхтатинг!

Такси кескин тўхтади. Ичида ўтирганлар бир қалқиб олди. Нима гап, дейишиб, бир-бирига қаради. Даҳо боши билан тор кўчани имлаб кўрсатди. Қарасалар, тошлоқ кўчада бир оппоқ тобут қалқиб-қалқиб келяти. Тобут тевараги ғуж-ғуж одам.

Таксичи машинани четга олди.

— Бечора, кекса одамга ўхшаяпти, тушамиз.

— Катта кўчага чиқиб олишсин.

Оппоқ тобут катта кўчага қалқиб чиқди. Таксини ёнлаб ўтиб, қишлоқ қибласидаги мозорга йўл олди. Энг охирида қариялар ҳасса сунянишиб ўтди.

Даҳо кўча четида ўйнаб юрган бир болани кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақирди.

— У, бола, бери кел! Анави ўлгаи ким, билмадингми?

— Мактабнинг қоровули Ортиқ бова бор-ку, ўша.  
— Ҳа-а.

Даҳо шундай деб, такчисига ўгирилди.

— Ҳайданг!

Такси тор кўчага бурилди. Тошлоқ йўлда чайқалиб, тебраниб юрди.

Даҳо кетига қарамай, елкаси оша қўл силтаб гапирди:

— Ким эмиш десам, бир простой қоровул экан. Шунгаям машинадан тушиб юрамизми.

Такси Даҳо таваллуд тоиған уй олдида тўхтади. Улар олдинма-кейин машинадан тушди. Даҳо порт-фелини кўтариб, йўл бошлади. Уларга онаси пешвоз чиқди. Енглари учини тортиб қўйиб, келганлар билан қўшқўллаб кўришди. Даҳони бағрига босди.

— Қани, бу...

— Отангми? Бечора Ортиқ бова қазо қилган экан, шунга кетди. Киринглар, ҳали-замон келиб қолади.

Улар меҳмонхонага кирди. Даҳо эшикни очиқ қолдирив, пардаларини тушириб қўйди. Парда очилиб, ундан Даҳонинг жиянлари мўралади. Даҳо уларга қўл силкиб, боринглар, ўйнанглар, деди.

Онаси дастурхон ёзди.

Қўш дераза ортидан бир қора соя лопиллаб ўтди.

Эшик пардаси кўтарилиб, сержант Орзиқуловнинг юзи кўринди.

— Ассалому алайкум!

— Э-э, салом, салом!

Меҳмонлар ўрнидан туриб, сержант Орзиқулов билан қўл берив кўришди. Сержант қўлинни кўксига қўйиб, бош ирради.

— Қани, келинглар, хуш кўрдик.

— Шундай, бир айланиб келдик,— деди Даҳо.

— Яхши-да, яхши.

— Булар бизнинг коллегалар. Бу киши старший редактор Қудратилла Олимов. Бу киши kommentator Жалил Даминов.

— Бинойи, хўп бинойи.

Даҳо ўтирганларга отасини боши билан кўрсатиб деди:

— Бу киши бизнинг пахан бўладилар.

Сержант Орзиқулов тўрда ўтирганларга қараб бошини қимирлатди. Кейин дастурхонга қараб олиб:

— Энангга бирон нима айтдингми, улим?— деди.

— Билмадим, қозон осилди шекилли. Очил жиян кўринмайди?

— Уни Ортиқбойникида қолдирдим, майда-чуйда ишларига қарап деб. Минг қиласаям азали уй-да. Нима, бирон хизмат борми? Бўлса бемалол айтавер, мана, биз тайёр. Мен бир қозондан хабар олай-чи.

Сержант Орзиқулов ташқарилади. Хиёл ўтиб, парда орасидан мўралаб:

— Бемалол ўтиравериинглар, қулинг ўргилсин палов бўляпти,— деди.

Даҳо маъқул, дегандай бош ирғади. Портфелдан магнитофонни олиб, қўйди.

Сержант Орзиқулов кўп ўтмай яна қайтиб келди.

— Хуш келибсизлар, хуш келибсизлар, улларим.

Тўрда ўтирган шарҳловчи қулочини ёйиб хитоб қилди:

— О-о, қаҳрамон, қаҳрамон!

Даҳо бошини кўтариб қараб, отасининг кўксидаги орден-медалларга кўзи тушди. Даҳо қизарди, ҳамроҳларига қараб узр дегандай бош ирғади.

Сержант Орзиқулов кўксидаги орден-медалларга назар солиб, жилмайди. Худди бирор уни қутлаётгандай қўлларини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдириди:

— Қуллуқ, қуллуқ.

Сержант Орзиқулов ўз жойига чўкди.

Катта муҳаррир Даҳодан ўпкалади:

— Паҳлавон Даҳо, қаҳрамон отангиз бор экан, шу пайтгача айтмаганингизни қаранг-а. Қаерларда бўлганисиз, бобой?

— Сиз сўраманг, мен айтмайин, меҳмон... Қишлоғимиздан юздан зиёд одам жўнаб, шундан ўн бештачамиз омон-эсон қайтдик. Бари бирин-кетин ёшини яшаб ўтди. Ортиқбой билан икковимиз қолиб эдик, бечора бугун буям кетди. Бир ўзим ёлғиз қолдим...

Сержант Орзиқулов кўнгли бузилиб, бир бошқа бўлиб қолди. Дастурхон четини буклаб эрмак қилди.

Қўли қалтиради. Меҳмонлар буни пайқаб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Сизларга минг раҳмат, бобой. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига шон-шарафлар бўлсин!

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Репортёр бўлганда овозингизни ёзиб олардик, мана яна бир ойлардан кейин Фалаба куни келади. Тўғрими, Даҳо?

— Ну да...

— Мана, тайёр факт — қатор орден-медаллар.

— Орден-медаль бўлган билан биттасиням тайин йўқ. Майда-чўйда медаллар.

— Бари бир медаль, Даҳо.

— Буларнинг ҳаммасидан битта Юлдуз афзал. Масалан, манави четдагисини олайлик. Фалаба медали. Буни уруш тугаганда ҳаммага берган.

Гапга сержант Орзиқулов аралашди:

— Унда, нимага сеники йўқ?

— Биз унда туғилмаганимиз, бўлмаса бизгаям берарди.

— Ҳа, бали, шу медаль бўлмагандан сен туғилмасдинг, дунёга келмасдинг! — Сержант Орзиқулов шундай дея чиқиб кетди.

Даҳо отасининг кетидан қараб қолди. Имиллаб туриб, уям ташқарилади. Ҳовлида уёқдан-буёққа юрди. Онаси унинг диққат бўлаётганини сезиб, ҳол сўради.

— Анави чолни қаранг, мамаша. Бизнинг коллегаларнинг олдига алмисоқдан қолган бор темир-тақасини тақиб чиқибди. Кошки улар темир-тақа нималигини тушунмаса. Улар Кафкани ўқиган, Жойсни ўқиган...

— Қўявер, улим, Ортиқбой бова бандалик қилди, шунинг учун тақсан. Доим урушга борганлар бандалик қилса, шундай қиласди. Бир билгани бордир-да.

— Одам деган қаерда қуруқлик қилишни билсада. Пахан келганларни ким деб ўйлаяпти? Ахир улар Пrustни ўқиган. Гарантия бераман, бу қишлоқда ҳеч ким Пrustни ўқимаган.

Даҳо ошхона билан уй ўртасида бир-икки бориб-келиб, ичкарилади.

Бу вақт сержант Орзиқулов нариги уйга ўтиб, болишга ёнбошлиди. Қўзи илиниб-илиниб кетди. Етиб-ётиб, гарчи меҳмонлар билан кўзи кўзига тушмаётган бўлса-да, барни бир ўзини ёмон сезди. Имил-

лаб, ўрнидан қўзғалди. «Борай, манзират қилиб, гурунг бериб турай. Тағин, уй хўжаси бизнинг келганимизни ёмон кўриб, бошқа уйга кириб ётиб олди, демасин. Меҳмон отангдан улуғ деган».

Сержант Орзиқулов яна қайтиб келди.

— Қандай, зерикмайгина ўтирибсизларми, улларим? Ҳай, баракалла.

Сержант Орзиқулов қараса, меҳмонлар магнитофон қўйиб, ёнбошлиб ётибди. Палов ҳали пишмаган. Шунда, сержант Орзиқулов гурунг бергиси келди:

— Биз ҳам баҳоли қудрат мол боқиб юрибмиз, улларим...

Сержант Орзиқуловнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Ўғли ер остидан отасига шундай ўқрайди, шундай ўқрайди! Кейин, магнитофонга қараб, атайин гапни бурди:

— О, «Биттлз!» Ливерпуллик буюк тўртлик! Жон Леннон, Пол Маккартни, Жорж Харрисон, Ринго Стар! Бечоралар тарқалиб кетди.

— Ия, ҳали «Биттлз» ансамбли йўқми?

— Эшигтганингиз йўқми? Анча бўлди. Жон Леннон Америкага кетиб қолди. Бошқалари Лондонда бродяга бўлиб юрибди. Яқинда Хантер Дэвис «Биттлз» ҳақида автобиографик китоб ҳам ёзди-ю...

Сержант Орзиқулов ёмон вазиятда қолди. Юзлари ловуллаб қизариб, қўлидаги бўш пиёлани ўйнади. Ўзини-ўзи айблади: «Ўзи, меники номаъқул-да. Булар ўқимишли одамлар бўлса, менинг подам билан неча пуллик иши бор. Ҳай калла-э, калла-э...»

Сержант Орзиқулов кўз қири билан ўғлига қараб-қараб қўйди. Кейин, қўлларини қовуштириб, меҳмонларнинг оғзига қараб ўтирди.

Кун қайтди.

Сержант Орзиқулов деразаларни очиб, пардаларни сурниб қўйди.

Ичкарига кўклам ҳавоси уфурди.

Қаердандир чивинлар пайдо бўлди. Ғуж-ғуж бўлиб, дастурхондаги қанд-қурсларга ёпишиди.

Даҳо бошидаги беретини олиб, дастурхон узра силкиди. Чивинлар бир кетиб, яна қайтиб келди.

Сержант Орзиқулов ҳовлига чиқиб, бир даста ялпиз териб келиб, дастурхонга сочиб ташлади.

Ўйни ялпиз иси олди.

Чивинлар ялпиз исидан қочиб, қаергадир фойиб бўлди.

Гап гапга уланиб кетди. Сержант Орзиқулов бош ирғаб, маъқуллаб ўтираверди. Қимир этмади. Чивинлар ҳам кўринмади.

Даҳо ҳайрон бўлди.

Сержант Орзиқулов пиёлага узалди. Шунда, яна дастурхон узра чивинлар ғимирлади.

Даҳо бу гал чивинлар парвозини эътибор билан кузатди.

Сержант Орзиқулов чойни олиб, яна ўз мувозанатига қайтди. Чивинлар паствлаб-паствлаб, сержант Орзиқуловнинг чап оёғи олдида кўздан йўқолди.

Даҳо ёнбошлаган кўйи узалиб, отасининг чап оёғи панжаларига, бебилчагига, кейин, товонига қаради. Яна мувозанатига қайтиб, кўзларини юмди. Тишини тишига қўйиб, билин-билинмас ингради.

Отасининг калиш уриб, қорайтириб юборган товони... ёриқ! Ёриқ қонталаш! Қонталаш ёриқ ғужгуж чивин!

Даҳо ташқарига отилди. Зинапояда афтини бужмайтириб, фу, дея тупурди. Парда орасидан ичкарига мўралаб:

— Пахан, сизни кампир чақиряпти,— деди.

Даҳо лип этиб ичкари кириб, эшик зулфинини тушпурди.

Ташқаридан сержант Орзиқуловнинг овози келди:

— Ҳа, кампир, чақирибсан деб эшийтдим, палов пишдими, тузини кўриб берайнми...

## XXVI

Қош қорайиб, одам одамни танимайдиган бўлди.

Урушнинг сўнгги иштирокчиси Орзиқулов деразадан мўралаб, ўрнидан қўзғалди. Даҳлизда калишини оёғига илиб, ташқарилади. Теваракка қараб, ҳовли бурчагида қантариқлик Олапар итга кўзи тушди. Бориб, Олапарни бўшатди. Олапар думини ликиллатиб, сержант Орзиқуловнинг қўлини исқади.

Урушнинг сўнгги иштирокчиси уй олдига келиб, деразадан меҳмонхонага энгашиб қаради. Меҳмонхона жимжит. Дастурхонда шишалар юмалаб ётибди. Ўғли оёқ-қўлини кенг ёйиб, юзтубан кетибди. Бировининг ярми сандиқ остида, ярми кўрпачада, боши дастурхонда қолибди. Яна бирови сандиққа суюниб кетибди.

Сержант Орзиқулов уларга қараб туриб-туриб, «тор-мор бўлган батальонга ўхшайди», деди ичидан. Уларга қўл силтаб, юз ўғирди. Ичкаридан ов милтигини олиб чиқди. Ошхонада ивирсиб юрган кампиринга қараб-қараб, дарича тарафга юрди. Изидан Олапар эргашди.

Урушнинг сўнгги иштирокчиси тез-тез юрди. Қишлоқдан чиқиб, секин одимлади. Сувсиз тошлоқ оралаб юрди. Шунда, ўнг оёқ бошмалдоғи «зирқ» этиб кетди. Оғриқ «зирқ» этиб, миясига урилди. Уҳ-уҳлаб, тошга ўтирди. Зирқираган бошмалдоғини чангллади. Кафтлари ҳўл бўлди. Ҳўл кафтини кўзлари олдига олиб келиб, ҳеч нима кўрмади. Аммо димоғи қон ҳидини туйди. Қонаган бошмалдоғига қум сепиб, оқсоқланиб-оқсоқланиб йўлга тушди. Олапар қон томган қумни исказб, яна эгасига этиб олди.

Сержант Орзиқулов оқсаб, мозор олдидан ўтди. Мозор тарафдан бойўғли сайради. У сесканиб, ёқасига туфлади. Овозинг ўчин-а, деди қаҳр билан. Яна ўйлида давом этди.

Боғлар оралаб юрди, ўриклар остидан юрди, ўркач-ўркач адирлар бўйлаб юрди.

Измолисойга келди.

Сойга эниб, булоқ бўйида оёқ илди. Оёқларини узатиб, нафасини ростлади. Ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичди. Юзларини чайди. Яна адирга кўтарилиди. Бир қора шарпа, тахминан тулки майда тошларни шилдиратиб юмалатиб, сойга эниб кетди.

Урушнинг сўнгги иштирокчиси елкасидан милтигини олиб, тошга суяб қўйди. Яғрини билан шу тошга суяниб ўтирди. Олапар эгасининг пойида ётди.

У елкасидан нафас олиб, кўзларини юмиб очди. Чап кўкраги ости санчиб бошлади. У кўкрагига қўлини солиб уқалади. Орден-медаллари тебраниб, жарангжурунг этди.

Урушнинг сўнгги иштирокчиси олис-олисларга қарди. Олислар бепоён, олислар зим-зиё. Олисларда чироқлар милт-милт этади. Булар шаҳарлар. Денов, Термиз, Тошкент... Эсида, у урушдан ана шу шаҳарлардан ўтиб келган. Поезд Термизга кечаси келиб тўхтаган. Шунда бир одам вагонга чиқиб, Холлиев Алини кўрган борми, деб сўраган. Шунда у, ҳа, бор, мен кўрдим, деган. Сўнг, кейинроқ келадиган бўлди, деган. Аслида эса термизлик Холлиевни ўз қўли билан ерга бериб қайтган. Сакен деган қозоқ тупроқ ташлаб турган,

Айтгандай, шу Сакен уйига зўрға қайтиб эди, кўп йўталарди...

— Ай, Сакен оға, бу дунёда бормисан? Йўталинг қолдими ўзи? Ҳа, бинойи, бинойи.— У беихтиёр шундай деди. Пэйида ётган Олапар эгасининг гапини эшишиб, сапчиб турди. Думини ликиллатиб, эгасига қаради. Эгаси Олапарнинг бўйинни силади. Ит яна чўзилди.

— Мендан сўрасанг, Сакен оға, бугун Ортиқбойни бериб қўйдик. Қишлоқда бор-йўғи иккита фронтовик қолиб эдик. Икковимиз доим дардлашиб, ҳасратлашиб юрардик. Энди мен ёлғиз бўлиб қолдим, Сакен оға, ёлғиз. Үзимдан сўрасанг, оға, баҳоли қудрат элнинг хизматини қилиб юрибман. Поданинг ҳам ўзига яраша ташвишлари кўп, биласан. Айниқса кўклам вақти одамнинг егани ўзига татимайди. Шу эрта кўкламда де, бир ёнимда заранг таёфим, бир ёнимда Олапар итим, қирда ёнбошлаб ётиб, кўзим кетибди. Уйқумда де, бир кўк мол болалётган эмиш. Мол зорланиб, мени сўрар эмиш. Мен бормас эмишман. Нимага бормас эмишман, ўзим ҳам билмас эмишман. Бирдан кўзим ялт этиб очилиб кетибди. Қарасам, Ҳамиднинг тарғили юрибди, Бердиевнинг сариқ қашқаси юрибди. Иқбол момонинг оқ молиям бор, Саид мерғаннинг олаоғи ҳам ўтлаяпти. Эътибор берсам, Ортиқбойнинг қора қашқаси йўқ. Катта тошга чиқиб, кафтимни пешонамга соябон қилиб қарадим. Шунда, қирнинг нариги бетида зорланиб мўнграган овозни эшиздим. Чопқиллаб борсам, қашқанинг олдида жажжигина бир бузоқ ётибди. Худди онасидай унинг ҳам манглайида қашқаси бор. Қашқа гўдагини тинмай ялаб-юлқайди — ювиб-тарайди. Кўнглим ёришиб, фарзанд кўрибсан-да, қуллук бўлсин, дедим. Чўккалаб, бузоқни бафримга босдим, қашқасини силаб-сийпаладим. Оқшом вақти бузоқни бафримга босиб, Ортиқбой фронтовикнинг уйига бордим. Ай, фронтовик ошна, суюнчини чўз, дедим. Суюнчисига бир чопонлик бўлдим...

Урушнинг сўнгги иштирокчиси жимиб қолди. Қейин, бошқа қуролдошларини эслади. Москвалик Григорий, донбасслик Василий, ленинградлик Валентин кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Айниқса Валентин кўз олдидан кетмади.

— Валентин, Ортиқбойни бериб қўйдик, эшиятсанми, Ортиқбой кетди. Ҳали, Сакенгаям айтдим. Валентин, қандай, эсон-омонмисан? Ҳалиям оёқсиз юриб-

санми? Ёғоч оёқ қўйдирдингми? Ёғоч оёқ, оёқ эмасда, Валентин... Эсингдами, Валентин, бир ертўлада икки кунлаб оч-наҳор ётганимиз? Туз тотмабмиз-а. Тузнинг ўзи бўлмаса ниманиям тотардик. Ўлимни бўйнимизга олдик, лекин ертўладан қўл кўтариб, омономон, деб чиқмадик. Қирғинбарот кунларнинг юзи қурсин, Валентин. Энди у кунлар қайтиб келмасин. Қайтиб келмас дейман-ов. Бизнинг ҳукумат кўп танти, тинчликпарвар ҳукумат. Телевизорда кўрдингми, бизнинг ҳукумат нома битиб, шарт қўйди. Ў, Рейган, деди, кўзингга қараб иш қил, дунё қалқиб турибди, деди. Қадамингни ўйлаб бос, одамзотнинг ҳаёти хавф остида, кел, энди шу уккағар бомбани портлатмайлик, деди. Шу кундан эътиборан атом бомбаси портлатган номард, қани, қўлни бер, деди. Рейган сўз берди, қўл берди, лекин яна атом портлатди. Уккағарнинг каттаси номард экан, гапида турмади. Ишқилиб, энди қирғинбарот кунлар бўлмасин, Валентин. Урушни кўргани охирги фронтовик биз бўлиб қолайлик, Валентин...

Урушнинг сўнгги иштирокчиси ўйлаб қараса, у ёлғиз эмас экан. Қуролдошлари ҳали кўп экан. Ана шунда... ана шунда унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилди. Жойидан дадил туриб, кийимларини тузатди. Телпагини бостириброқ кийди. Қўйнидан бир патрон олиб, миљигини ўқлади. Ўзича буйруқ берди:

— Взвод, становись!

Урушнинг сўнгги иштирокчиси ўзича тасаввур этди. Ана, қуролдошлари бўйсира бўлди. Қурол-яроқлари шиқирлади, жангир-жунгур бўлди. Одатдагидай Валентин бўйсира бошида турди. Взвод буйруқ кутди.

— Равнясь! Смирно!

Взвод нафасини ютиб, қоққан қозиқдай қотди. Урушнинг сўнгги иштирокчиси миљиқ ўқталиб, олға босди.

— Взвод, к бою вперёд!

Урушнинг сўнгги иштирокчиси мардона-мардона одимлар отиб, олис чироқларга қараб юрди. Кетидан Олапар эргашди.

— Взвод, запевай:

Вперёд, дивизия!  
Моя дивизия!  
Твоё оружие отточено в бою,

Вперёд, любимая! Неустрашимая!  
Вперёд! За родину свою!

Урушнинг сўнгги иштирокчиси олға босди. Ана, мўлжалга яқин қолди. Энди олға бориб бўлмайди. Ўёғи хатарли. Ўққа учади ё асирга тушади.

У олисларда милтираётган чироқларни мўлжалга олди. Нафасини ютиб, тепкини босди.

Адирлар ларзага келди.

У кўрди, мўлжалга олган чироқ лип этиб ўчди.

У кўрди: «Ўғли оёқ-қўлини кенг ёйиб, юзтубан кетди. Бироннинг ярми сандиқ остида, ярми кўрпачада, боши дастурхонда қолди. Бирори сандиққа суюниб кетди».

Урушнинг сўнгги иштирокчиси ўғлини тор-мор этди.

## XXVII

Даҳо шанба куни навбатчи бўладиган бўлди. Репортёр билан ёзувларни, эшиттиришни ижарасига олиб кетди. Кечаси бир маҳалгача ёзувни эшитиб, эшиттиришининг кам-кўстини тузатди. Кеч ётиб, эртаси тушга яқин уйғонди. Тўшакдан тургиси келмади. Ёнбошлаб, шеър ёзди. Шеър ўнгидан келди. Уни қайта-қайта кўчирди. Ўзича овоз чиқариб ўқиди.

Ишга душанча куни борди. Борса, идора жимжит. Одамлар хомуш. Бир-бирлари билан гаплашмайди. Гап сўраса жавоб бермайди.

У ҳайрон бўлиб, курсдоши олдига кирди. Курсдоши қайғуриб гап бошлади:

— Нима қилиб қўйдингиз, дўстим?

— Нима қилибман?

— Шанба куни эшиттириш эфирга чиқмай қолибди-ку.

Даҳо шундагина нима гаплигини билди.

— Ҳа-а, нима эмиш дебман. Мен, бирор ўлибдимикин деб ўйлабман. Шунгаям... халқда нима дерди? Ҳа-ҳа, шунгаям ота гўри — қозихонами? Нима кўп, кун кўп. Шанба куни бўлмаса, мана, душанба куни бор.

— Дўстим, эшиттириш шанбада эфирга чиқиши керак эди. Ақалли записларни қолдириб кетганингиз-

<sup>1</sup> Олға, эй қўшин!

Жангларда қайралди яроғинг сенинг!

Олға бос, она юртиңг, тупроғинг учун!

Олға бос, ботирим, қароғим менинг!

да ҳам оператор қизнинг ўзи эшиттиришни эфирга бераверарди.

— Ўйга олиб кетмасдим, эшиттиришнинг камчилиги кўп эди. Шуларни тузатаман деб олиб кетдим.

— Дўстим, радиотингловчи эфирни кутган-да.

— Кутмайди! Аввало ҳозир одамлар радио эшитмайди, ҳамма телевизор кўради.

— Бари бир, программа программа-да, ахир.

— Ҳафа бўлманг-у, ўзи, қизил одам бўлиб қолибсиз. Нима фарқи бор, бир кун олдин бўлмаса, бир кун кейин эфирга чиқамиз.

— Бошлиқقا ҳам шундай дейсизми?

— Айтаман, нега айтмайман. Радио бир кун гапирмаса гапирмабди-да, шунгаям ота гўри — қозихонами, дейман.

Бошлиқ Даҳони сўрамади, кўришни истамадиям.

Даҳо «ўз аризасига биноан» кетди.

## XXVIII

Паҳлавон Даҳо нонкўр шеърлар битди. Галамис, қинғир-қийшиқ гапларни шеър қилиб ёзди. Замондан, макондан нолиди.

Бир-иккита мурид топиб, ўзини-ўзи афиша қилди:

— Мени тушунмаяпти, ука, бу подалар тушунмаяпти. Мени тақиқлаб қўйишиди. Изимдан одам юрибди, ука. Мени бўғишияпти, ука, ҳаётим хавф остида...

Улуғ шоирнинг ҳар шеъри Даҳонинг кўксига ўқдай бўлиб қадалди.

Даҳо кўксини чанглаб яшади. На еганида ҳаловат бўлди, на ичганида. Улуғ шоирни кўрганда ичини ит тирнаб, миясини нимадир қитиқлади, ич-ичидан ғаши келди. Пешонаси тиришиб, юзини четга бурди. Афти буришиб, ерга туфлади. Улуғ шоир гўё уни кўрмаган бўлиб, теваракка улуғона назар солиб, сокин ўтиб кетди. Даҳонинг пешонаси баттар тиришиб, т-фу, дея четга тупурди. Ёнида турган шишадоши киноя билан сўради:

— Қалайсиз энди, шоир?

— Башарасига тупурсанг! Юришини қаранг, асарига тирноқча ўхшаса ўлсин агар.

— Сиз билан биз-ку, ёмон бўлсаям бир мартадан уйланганимиз. Бу уйланмайдиям.

— Нимасига уйланади...

— Бунга ким ҳам тегарди.

— Ё...

Даҳо шундай дея, шишадошининг қулоғига пичирлади. Шишадоши бошини чапга қийшайтириб қулоқ солиб, бирдан хахолаб кулиб юборди. Нашъа қилиб, тиззасига шапатилаб кулди. Даҳо бопладимми дегандай, кўзларини ўйнатиб, мийифида кулди. Шишадоши Даҳога шап эткизиб қўл ташлаб, деди:

— Аммо-лекин топдингиз, дўстим. Ёши ўттиздан ошиб кетди, ҳамон сўппайиб юрибди. Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур.

— Сўраганларга ҳали-ҳозир изланаяпман, деб баҳона қиласмиш.

— Топган баҳонасини қаранг... арпа ун баҳона, деганлари шу-да! Йигит уйланади, дўстим, йигит!

— Мана, йигит деган биздай бўлади. Аллақачон икки марта уйланиб қўйдик. Насиб бўлса ҳали яна уйланамиз, изланаяпмиз! Аммо-лекин топдингиз, қоъйилман. Мен бу гапни ўртоқларгаям айтиб чиқаман.

— Айтиш керак, рост гап бўлгандан кейин айтиш керак, кенг тарғибот қилиш керак, но...

Даҳо лабларини чўччайтириб, шаҳодат бармоғини лабларига босди.

— Но... тағин мени айтди деманг. Бир авлод деган номимиз бор.

— Үлдимми сизни айтиб, уёгини ўзим қотираман. Сизгаям, ўзимгаям гард юқмайдиган қилиб айтаман.

Даҳо мийифида кулди, кўнгли роҳатланди. «Ана энди унга бирортаям қиз тегмайди,— хаёл қилди у— Квартирама-квартира кўчиб, кўчама-кўча ичиб, дайди бўлиб юраверади. На уст-бошида, на ейиш-ичишида тайин бўлади. Оч-наҳор, исқиртларча тентираб куни ўтади. Кейин, ижодидаям тайин бўлмайди. Ўзининг кўнглини ўзи кўтариб, ўзича кеккайиб юраверади. Охир-оқибат, ёлғизлик, шаҳар шароити жонига тегиб, ўз-ўзидан қишлоғига кетиб қолади. Улуғ шоир шу билан тугайди».

## XXIX

Даҳо Улуғ шоир уйланаётган эмиш, деган гапни эшитиб, ранги ўчиб кетди. Сергак тортиб, бир нуқтага тикилиб қолди. «Йигитнинг боши иккита бўлмагунча

моли иккита бўлмайди, деган гап бор. Ана энди у уйланади, боши иккита, рўзгорли бўлади, бирдан, сонга киради. Кейин, ўсади...»

Даҳонинг ўйчан кўзлари олайиб, пахтаси чиқди. Асабийлашиб, чирс эткизиб, гугурт чақди. Қўллари титраб, папирос тутатди. Босиб-босиб папирос тортди. Ичи туунга тўлиб, пўкиллаб йўталди. Оғзига кафтини қўйди. Қўзлари ёшланиб, «черт, побери», деди. Папиросли қўлинни тумшуғига тираб, ўйга толди: «Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Қандай қилиб бўлса ҳам бундай баҳтнинг олдини олиш керак. Баҳтни тезроқ учирив юбориш керак. Бўлмаса кейин кеч бўлади. Аммо қандай қилиб баҳтнинг олдини олади, баҳтни учирив юборади? Бўлажак келинни танимаса, улуғ шоир у билан сирлашиб, маслаҳатлашмаса. Бир оғиз маслаҳат сўраганда эди, ўзи биларди, ишни қандай қилиб бузишни».

Даҳо кўп ўйлади. Ўзича турли йўл, ҳийлаю найранг, фисқу фасод, фийбат-иғволарни ўйлаб кўрди. Охири бир қарорга келиб, шу куниёқ ниятини амалга оширишга тушди. Бўлажак келин бўлмиш ишлаётган идорадан бир-икки аёлни қўлга олди. Шулар орқали қизни йўлдан урмоқчи бўлди. Худди таъзия билдираётгандай юзларига ғамгинлик тусини берди. Бошини маъюс эгиб, дардчил гап бошлади:

— Ҳай бечора қиз-е, пешонаси шўр экан-да.

— Ундан деманг-е.

— Пешонаси шўр бўлмаса, келиб-келиб шу болага тегадими.

— Қўйинг, ундан деманг, баҳти очилиб кетсин.

— Баҳти очилиб бўпти. Бечора ҳеч кими йўқ, етим қиз бўлса керак-да, а?

— Нега, туппа-тузук ота-онаси, ака-укалари бор, таг-тугли қиз. Олий маълумотли, қўлида ҳунари бор, келишгангина қиз.

— Унда нега бир исқирт алкашга тегади?

— Вой, алкашми?

— Бўлмасам-чи, ҳали эшитганларингиз йўқми? Фирт алкаш, керакли жойларда даволаниб чиқсан. Хронический алкаш, қўли мана бундай қалтирайди.

Аёллар Даҳонинг юзига синчиклаб тикилди. Қарасалар, Даҳо ўта қайғуриб гапирайяпти. Шунда, аёллар бир-бирига савол назари билан қаради. Даҳо буни сезиб, отни қамчилади:

— Нафақат алкаш, алкашни даволаса бўлади.

У бир дайди бола. Қаерда қорни тўйса, қаерда куни ўтса ўша ерда ётиб қолаверади. Уйим-жойим демайди. Синглимизга... келин бўлмишнинг оти нима эди? Ҳа-ҳа, келин бўлмиш синглимизга эса кўча-кўйда юрадиган дайди эмас, уйим-жойим дейдиган чин инсон керак, шундайми? У эса инсон эмас! Уни йўлга солиб ҳам бўлмайди. Шундай қўпол, шундай қўпол, у ким, ваҳший ҳайвон ким. Ҳуллас, уни тузатиб, одам қилиб бўлмайди.

— Йўғ-е, унчалик эмасдир.

— Йигит сўзим, опа, ахир биз у билан дўстмиз-ку, дўсти биладими, сиз биласизми. Биз бир-биримизни беш қўлдай биламиш-ку. Йигит сўзим, агар ўша қиз шу бола билан уч кундан ортиқ яшаса, тўртинчи куни кўзида ёш билан қайтиб келмаса, отимни бошқа қўяман!

— Бўйингиздан опангиз қоқиндиқ-е, агар шунча айтмаганингизда бир бечора қиз оёқ ости бўларкан-да.

— Оёқ остиям гапми, жувонмарг бўлиб кетарди.

— Шуни айтинг-а...

Даҳо аёлларга разм солиб, гапи ижобат бўлганини пайқади. Айниқса, йигитлик шаънини ўртага қўйиб гапирганда аёллар лақقا ишонганини кўриб, янада кескин борди:

— Агар ўша синглимиз ўша бола билан икки ойдан ортиқ яшаса, йигит эмасман!

— Бўлди, бўлди, гап йўқ.

— Но... но, тағин мени айтди деманглар.

— Ҳа, йўғ-е, ўлибмизами, опоси-е...

Аёллар шундай дея, қизнинг олдига йўл олди.

Даҳо елкасидан нафас олиб, кафтини кафтига мамнун ишқади. «Буёғиниям қотирдим. Қиз бошқа гапларимга ишонмаса ҳам, қасамимни эшишиб ишонади. Дўсти қасам ичиб айтибди, рост бўлиши керак, деб ўйлади. Ажойиб халқимиз бор-да, қасам деган гапларни ўйлаб топган. Қўзни чирт юмид қасам ичасан, одамлар лақقا ишонади-кўяди. Қарнайчидан пуф кетди, қасамхўрдан нима кетди? Э маладец, Шарқ! О, Шарқ, Шарқ!..»

Аёллар қизни ўртага олиб, бор гапни айтди. Қизни ўйлдан қайирди, яхши-яхши куёвлар топиб беришга ваъда берди. Қиз бир гапида турди:

— Емон бола бундай яхши асарлар ёзолмайди. Қўп ичармиш? Ишонмайман. Бундай асарлар ёзиш учун ўта ҳушёр калла керак, ўта ҳушёр вақт керак. Меним-

ча, у баъзи-баъзида, кайфияти бузилгандা кўп ичса керак. Буям ёлғизлиқдан, кейин яхши бўп кетади. Борди-ю, сизлар айтгандай чиқиб қолса, унда майли, пешонамдан кўраман...

Аёллар баттар бўл, дегандай қизга қўл силтаб кетди.

### XXX

Тўйдан кейин уч кун ҳам ўтди, икки ой ҳам ўтди, ҳатто икки йил ҳам ўтди. Қелин билан куёв бинойидай яшаб кетди. Куёв учун қелиндан яхши аёл, қелин учун куёвдан яхши йигит бўлмади. Уйли-жойли бўлди. Улуғ шоирга қайлиқ етишмай турган экан, у бирдан униб-ўсди.

Одамлар ялт этиб Паҳлавон Даҳо ҳамда даҳоба-шараларга қаради. Даҳо ўзини қўярга жой тополмай қолди. Дарди ичида бўлди. «Вой аплаҳ-е, яшаб кетди-я,— деди ичида.— Мен буни фақат талантмикин десам, бу ифлос, яхши одам ҳам экан-ку,вой аплаҳ-е». У энди манави кўргиликдан умид қилиб, ўзининг кўнглини ўзи кўтариб яшади: «Бир ҳисобга яхши бўлди. Рўзғор ташвишлари билан бўлиб, асарлариям ўзимиз қатори бўлиб қолади. Ўзимиз қатори бўлиб қолса қолди, қолмаса...» Даҳо ўйлаб-ўйлаб, Улуғ шоир билан аёли орасига низо солишни топди. «Аммо қандай қилиб низо солади? У ифлос салом берсанг, саломнингни олмаса, кўриб кўрмасликка олса. Одамзотдан ҳуркса, одам ҳидидан ҳазар қилса».

Даҳо энди артист бўлди. Ўзини Улуғ шоирга дўст тутиб, бир амаллаб қўйнига кириб олди. Ўзини шогирд, мурид қилиб кўрсатди. Бир-иккита шеърларини ўқитиб, маслаҳат сўраган бўлди. Қоғозга у-бу нарсалар ўраб, уйига борди. Улуғ шоир у билан оstonада гаплашди, ичкарига таклиф қилмади. Даҳо алам қилиб, ичида сўқиб қайтди: «Уҳ, черт побери, тўнка! Бир оғиз ичкари кир, демади-я, мол! Қараб тур, хотининг билан ажралмаганингният кўраман. Эр-хотин ажралганда уйдан эр костюмини елкасига ташлаб чиқиб кетади. Уй эса хотин ихтиёрида қолади. Дунёнинг ишлари шундай. Қарабсанки, яна квартирама-квартира кўчиб, дайди бўласан. Бу дунёда оиласи билан ажралган эркакни эл ҳам, сиёsat ҳам кўтармайди. Дунёдан хор-зор бўлиб ўтасан».

## XXXI

Шундай кунларнинг бирида жияни келиб қолди. Даҳо жияни билан совуққина салом-алик қилиб, «кел, ўзи сен кам эдинг», деди ичида. Жиянининг ғамгин юзларига қараб, сергак тортди.

- Ҳа, нима гап, тинчлики?
- Холам юборди, тоғангни айтиб кел, деди.
- Яқинда бориб келдим-ку.
- Шундай бўлсаям юборди, ким билади.
- Ну-у, сен билмасанг ким билади, бир уйда яшаб туриб.

— Отангиз баъзан у ерим оғрияпти, бу ерим оғрияпти, деб нолиб қолади. Ким билади, энангиз шаҳарда яшаяпсан, отангни катта дўхтирларга кўрсатиб кел, дейдими.

Даҳо нима баҳона топишни билмади. Ишдан жавоб бермайди, дейин деса, ишламаяпти. Ўйлаб-ўйлаб, охири топди:

— Вақт йўқ, жиян, глобальний проблемалар билан бандман. Мана, Орол денгизи қуриб кетаяпти. Экология! Она заминнинг бир фарзанди сифатида бундан қаттиқ ташвишдаман! Шу ҳақда бир баллада бошлаб қўйдим.

— Тўғри-ю, лекин ота-она — ота-она-да, тоға.

— Та-а-ак, сенга қандай тушунтирам экан. Кел, сенга тракторчиласига тушунтирай. Бу, ота-она, фарзанд, турмуш ўртоғи, деган гаплар, домашний гаплар, майда проблемалар, жиян. Домашний проблемалар билан майда одамлар шуғулланиши керак. Масалан, мана сен ва бошқалар.

— Э-э, тоға, нима десангиз денг, нима кўп, Оролга ўшаган денгиз кўп, денгизни ўйлайдиган олим кўп. Лекин ота битта.

— Вот это да! Ана шу-да, ана шу! Айтдим-ку, сизлар майда одамсизлар деб. Майда одамлар ана шундай ўзининг шахсий манфаатини ўйлайди, ана шундай эгоист бўлади. Жуда нари борса ота-онаси, бола-чақасини ўйлайди. Ундан нарини кўрмайди. Мана, ўзингдан мисол. Йўқ, ватан, халқ манфаатларини ўйлаш керак! Биз йирик фигуralармиз, жиян, йирик фигуralар! Елкамизда умумжаҳон, умумбашарий проблемалар турибди. Орол қуриб кетаяпти, Орол! Экология! Умрингда битта китоб ўқимагансан, яна тағин маҳмадоначилик қиласан.

— Одамни ҳадеб ерга ураверманг, тоға, биз ҳам китоб ўқиганмиз.

— Ҳалиги, оти нима эди... Ҳа-ҳа, Эргаш Жуман-булбулни дейсан-да?

— Фозил Йўлдошниям.

— Фольклор дейсан-да. Короче, боролмайман, жиян, Орол қуриб кетаяпти...

## XXXII

Даҳо Улуғ шоирнинг заиф жойини билиб олди. Энди ана шу заиф жойидан фойдаланишни мақсад қилиб олди. Тўй-маъракаларда Улуғ шоирнинг ёнида ўтириди. Кўча-кўйларда у билан тез-тез ҳамишиша бўлиб турди. Улуғ шоир билан қадаҳ чўқишириб, алёрлар айтди:

— Дўстим, бизнинг тақдиримиз ҳам бир, мозоримиз ҳам бир. Келинг, умрбод дўст бўлиб қолайлик. Шунинг учун оламиз!

— Раҳмат, айтганингиз келсин.

— Шу гапингизга бетингизни тутинг, бир ўпай.

Даҳо Улуғ шоирни маст қилиб, серқатнов кўча бўйлаб уйига жўнатди. Ўзи лип этиб телефон будкасига кириб олди. Улуғ шоир теварагига аланглаб, Даҳони излади. Тополмагач, чайқалиб-чайқалиб йўлга тушди. Будкада паналаб қараб турган Даҳо: «Всё,— деди ўзича.— Уни йўловчи машина туртиб кетади, ё такси тўхтатаман деса, такси уриб кетади. Е бўлмаса ўзи кайф билан юмалаб тушади».

Эртасига қараса, Улуғ шоир отдаи бўлиб юрибди. Даҳонинг энсаси қотди. Аммо билдирамай, ҳол-аҳвол сўради:

— Қалай, кеча яхши этиб олдингизми, дўстим? Жуда хавотир олдим-да. Дўстим уйига яхши этиб бордимикин деб, бир маҳалгача ухламай ётдим.

— Раҳмат, дўстим, раҳмат, уйга қандай этиб олганимни билмайман, эрталаб кўзимни очсан, уйда ётибман.

— Ҳа, яхши. Биз ҳам шу. Юринг, уйга эсон-омон этиб олганимиз учун бир олайлик. Ўзи, эрталабдан буён бош оғрияпти.

Улар қўлтиқлашиб, ўзлари хонаки бўлган хилват кафега борди. Ҳийла вақтгача отамлашиб, ўпишиб-қувишиб ўтириди. Даҳо Улуғ шоирни кўкларга кўтариб

мақтади. Кафе чироқлари ўчиб-ёнди. Улар кафедан бир-бирини суюб чиқди. Улуғ шоир такси тўхтатмоқчи бўлди. Шунда, Даҳо уни авради:

— Теваракни қаранг, дўстим, теваракни! О, баҳор, ўз оти ўзи билан баҳор-да. Соғ ҳавода мириқиб нафас олиб, пешком юришга нима етсин, оҳ-оҳ!

— Тўппа-тўғри! Ҳақиқий дўстим экансиз!

— Келинг, мана шу ерда хайрлашамиз. Сиз мана бу кўчадан юрсангиз, тўғри уйингизнинг олдидан чиқасиз. Мен буёқдан кетдим. Эртагача хайр, дўстим. Қани, лабларингизни тутинг, бир ўпид қўяй.

Даҳо Улуғ шоирни район ҳушёрхонаси жойлашган кўчага солиб юборди. Ўн беш кунликка тушади, дея умид қилди. Ўзи бир оз юриб, лип этиб таксига чиқиб олди.

Эртасига қараса, Улуғ шоир яна отдай бўлиб юрибди. Даҳо елкасидан нафас олиб, уф-ф, деди.

У энди Улуғ шоирни ичириб, бирорларга қайраб кўрди:

— Шефингиз сизни одам эмас, деди. Қўлини мана бундай қилиб, у шоир ҳам эмас, менинг бир сатримга арзимайди, деди. Жуда хафа бўлиб кетдим, дўстим. Агар кучим бўлганда тумшуғига солардим.

— Куч? Қанча куч керак? Қани ўша қуруқ?

Улуғ шоир шер бўлиб кетиб, бошлиқнинг кабинетига йўл олди.

Даҳо писибгина уйига жўнаб қолди. «Наконец, Улуғ шоирнинг уйи куядиган бўлди,— хаёл қилди у йўлда. — Ана энди жавобгарликка тортилиб кетади».

Улуғ шоир шу кетишда тўғри бошлиқнинг олдига кириб бориб, чапараста қилиб сўкди. Ёқасидан ушлаб, бир-икки силкиди. Бошлиқ, яхшиликча кет, бўлмаса қаматаман, деди. Улуғ шоир шердан шер бўлиб, костюми ёқасини очиб бақирди:

— Қамат, мана, қамат! Мени қаматсанг, тарихда қоласан!

Улуғ шоирни яратганинг ўзи қўллади. Бошлиқ Улуғ шоирни аяди. Мастилик — пастлик дея, елкасига қоқиб қўя қолди.

Даҳо Улуғ шоирни тағин топди. Аммо энди Улуғ шоир бир гап эшитдими ё бирон нимани пайқаб қолдими, ишқилиб, кўпчиликдан, хусусан, Паҳлавон Даҳо ҳамда даҳолар даврасидан ўзини олиб қочадиган бўлдӣ.

### XXXIII

Жамоа жам бўлди. Даврада ўтирганлардан бири Даҳодан сўради:

— Шоир, кейинги вақтларда анави улуғ қуруқ билан апоқ-чапоқ бўлиб қолдиларингиз?

— Э, қўйинг ўшани, одам эмас экан. Шунча одамгарчилик қилдим, чўнтағимдаги охирги чақамгача ичирдим, бўлмади. Бир кундаёқ тупурди-кетди. Ифлос экан.

— Ана шу-да, шоир, ана шу. Бир вақтлар биз ҳам худди сизга ўхшаб у билан дўст бўлиб, тарвузиимиз ёрилган. У истаган пайтда тузингизни еб, туэлифингизга тупуриб, сотиб кетади.

— Бўлмаса, мана, нон турибди, Паҳлавон Даҳо сўзим, кайфи ошиб қолганда елкамга кўтариб, уйнга олиб бориб қўйган вақтларим бўлган.

— У яхшиликни биладими, мол-ку.

— Дўстлар, менда бир ғоя бор. Келинглар, шу улуғ ифлосни иҳота қилиб ташлаймиз.

— Иҳота? Қандай қилиб?

— Уни беш-олтита эътиборли, мартабали одам эъзозлаб, қўллаб-қувватлайди. Ана шу одамлар билан борди-келдисини узиб ташлаймиз.

— Қийин, уни жуда қадрлашади.

— Осон. Масалан, бирор гап тўқиб, ўша одамларнинг унга нисбатан бўлган симпатиясини йўқ қилиб ташлаймиз. Сўнг, ҳамма ердан қадами узилиб, яккамоҳов бўлиб қолади.

— Сиз айтган иҳотани аллақачон қилиб кўрдик, аммо у ифлоснинг кўнглидагидай бўлиб чиқди.

— Да, унинг кўнглидагидай бўлди. Биз уни яккамоҳов қилиб қўямиз деб юрсақ, у ифлоснинг ўзи танҳоликка интилиб юрган экан. Билмасдан, ёрдам бериб қўйибмиз. Оқибат, ўзини бутунлай четга олди.

— Бу ифлос ўзи нега бундай қиласи-а?

— У ифлос ўзини соддаликка олиб юргани билан аслида жуда доно, йўқ, доно десак ифлосни улуғлаган бўламиз, у учига чиқсан шайтон, айёр! У яхши биладики, ижодкор учун энг муҳим нарса — қалб эркинлигидир. Қалб эркинлиги дегани эса қалб хотиржамлиги, қалб сокинлиги демакдир. Ўзини четга олиб, танҳоликка интилишидан мақсад — ўз қалбини хотиржам, сокин сақламоқдир. Қачонки, ижодкорнинг қалби хотиржам, сокин яшар экан, агар бор бўлса ундан етти

ухлаб тушга кирмаган сатрлар булоқдек отилиб чиқа-веради. Ана, кўрдингизми, у қандай айёр! Уни халқдан, макондан ажралиб қолган деб ҳам бўлмайди. У дунёни ҳис қилиб, халқни ўз кўзи билан кўриб турган ҳолда таинҳо танҳо яшайди.

— Об-бо, жуда мақтаб юбордингиз-ку, нима бало, тилингиз қисиқлик жойи борми?

— Йўқ, мен унинг нақадар устомонлигини айтаяпман. Сиз билан биз эса ҳаллослаб, вос-вос кунда яшаймиз. Биронта яхшироқ асар ўқисак бир куямиз, бирор бирон-бир мартабага кўтарилган бўлса бир куямиз, яна бирор машина олган бўлса ё ноёброқ кийим кийган бўлса, тағин куямиз. Асарига мукофот олган бўлса-ку, куйиб-ёнамиз. Қарабисизки, зарра бошимиздан ошқозони яра бўлган ҳам биз, сочи тўкилган ҳам биз, юрак ўйноғи ҳам биз, қон босими бўлган ҳам биз, асаби шалвираган ҳам биз! У ифлос эса ўзиям отдай, асарлариям отдай!

— Хўш, бу билан нима демоқчи бўласиз?

— Демоқчиманки, у биз билан ёнма-ён юрмай, ўзини олиб қочаяптими, қалбини парникда асрагандай авайлаляптими, демак, биз унга тинчлик бермаслигимиз керак.

— Ана, асарларини ёмонлаймиз, нима кўп, эътиroz кўп. Замонавийлик йўқ деймиз, гражданлиқ йўқ деймиз. Иложи бўлса бирор асаридан қингирроқ гап топиб, мафкураси бузуқликда айблаймиз. Ўз-ўзидан асаби жунбишга келади-қўяди.

— Йўқ, бу билан ҳеч нимага эришиб бўлмайди. У ифлос ўз асарларининг гўзал эканини яхши билади, гапларингизга парво ҳам қилмайди. Бошқа бир йўлини қилиш керак.

— Масалан?

— Масалан, уни орқаворатдан бадном қиласиз. Биласизлар, уни беш-ўнта жуда эътиборли одамлар эъзозлайди. Ушалар билан салом-алик, борди-келдиси бор.

— Ростдан ҳам шундай экан-е. Уша одамлар шу ифлосни: «бу бола бизнинг баҳтимиз», деб ардоқлар экан-е. Унинг нимаси баҳт ўзи, т-фу!

— Ушаларга биз салом берсак, саломимизни зўрға олади.

— Биз билан қўл учида кўришади.

— У ифлосни эса пешонасидан ўпиб кутиб олади.

— Ой битсаям, кун битсаям, шу ифлосга битиб қолди.

— Шундай, шундай. Сиз билан биз итнинг орқа оёғи бўлиб қолдик. Номимиз ҳам эсга олинмайди. У ифлос эса ардоқланиб, оппоққина бўлиб юрибди.

— Ўлманг, шунинг учун ҳам биз уни бадном қилиб ташлашимиз керак. Масалан? Масалан, уни сотқинга чиқарамиз. Сотқин деб гап тўқиймиз. Масалан, у эътиборли одамлар олдига кириб-чиқиб, салом-алик қилиб туради. Кириб нима қилади? Сизни, бизни ва бошқаларни сотиб чиқади. Эвазига елкасига қоқтиради, тақдирланади, эъзозлаб, ардоқланади. Ана, тайёр бадном! Биласиз, одамлар ҳозир оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Қарабсизки, гап яшин тезлигида тарқалади. Охир-оқибат, ифлоснинг қулоғига ҳам бориб етади. Қарабсизки, улуғ шоир асабийлашиб, жигибийрон бўлади, на ҳаётида, на ижодида ҳаловат бўлади. Ҳуллас, сокин қалби ларзага келади.

— Инфаркт бўлади.

— Ўлманг, ичим экансиз, бориб-бориб, инфаркт бўлади. Қарабсизки, асарлариям ўзимиз қатори бўлиб қолади.

— Қаллангизга қойилман-е, келинг, бир ўпиб қўяй.

Паҳлавон Даҳолар муродига етолмади. Охири ҳафсалалари пир бўлиб, у одам эмас, тош экан, деган хulosага келди.

#### XXXIV

Қўнғироқ тунда жириングлади.

Паҳлавон Даҳо қўнғироқ овозини эшитиб эшит-масликка олди. Тўшакдан бош кўтаргиси келмай эриниб, кўзларини юмиб ётди. Ким бўлсаям жиринглатиб-жиринглатиб кетиб қолади, деб ўйлади. Хиёл вақт ўтиб, қўнғироқ узлуксиз, бетиним жиринглади. Даҳо уйқусираб, чироқни ёқди. Кўзларини уқалаб, эшикка равона бўлди. Эшикни қия очиб, даҳлизга мўралади. Даҳлизда турган йигит кўзига танишдек туюлди. Кўзларини уқалаб-уқалаб қараб, жиянини таниди. Ҳозир, дея эшикни қия ёпиб, ичкаридан кийиниб келди. Даҳлизга чиқиб, жиянига истаб-истамай қўл узатди. Эътибор билан қараб, жиянининг юзида ҳорғинлик, ташвиш кўрди. «Ҳойнаҳой, самолётга билет тополмай, бир кечага жой сўраб келган бўлса керак», кўнглидан ўтказди Даҳо.

— Хўш, хизмат, кел.

Жияни чайналиб гапирди.

— Шу, бованинг тоби қочиб қолди.

— Ҳа-а, қайси бова?

— Отангиз, сержант Орзиқулов.

— Ҳа-а, бизнинг паханми. Энди, қаричилик шуда. Старость — не радость, дейди-ю. Жазирамада юради, иссиқ ўтган-да. Ничего, яхши бўп кетади. Врач чақириларингми? Ҳа, бўлти-да.

— Холам қаттиқ тайинлади, тез етиб келсин, деди.

— Ну-ну, кечаси-я. Соат неча бўлди? Ўн бир? Ана, энди ўёққа самолёт ҳам йўқ, поезд ҳам йўқ. Энди мен эртага бораман-да, биринчи рейсда.

— Ўзингиз биласиз, тоға, бова оғир ётибди. Бораман дессангиз ана, кўчада машина бор, беш-олти соатлик йўл. Тонг саҳарда етиб борамиз.

Паҳлавон Даҳо ўйлаб қолди. Ичкарилаб, кийиниб келди. Жияининг «Жигули»сига ўтириб, қишлоғига йўл олди. Кета-кетгунча ухлаб, қандай етиб келганини билмай қолди. Қўзларини очиб, машина чироғида ўзларининг уйини кўрди. Керишиб, эснади. Машинадан тушиб, даричадан ичкарилади.

Айвонда давра бўлиб ўтирган аёлларга қараб бош ирғади. Айримлари кўришаман, дея ўрнидан қўзгалди. Даҳо қўли билан ерга ишора қилиб қимирламанг, ўтиринг, деди. Сержант Орзиқулов ётиб турадиган уйга қараб юрди. Аёллар унга меҳмонхонани кўрсатиб, буёқда, деди. Даҳо меҳмонхонага бурилди.

## XXXV

Сержант Орзиқулов меҳмонхона ўртасида ётибди.

Аёли бошида тиззаларини қучоқлаб, мунғайиб ўтирибди. Кўзи илиниб, мудраб-мудраб кетди. Ўғлининг келганини пайқамади. Паҳлавон Даҳо оҳиста йўталди. Онаси бошини кўтариб, пойгакда турган ўғлини кўрди. Урнидан туриб, қулочини торгина очиб, ўғлига қараб юрди. Ўғлини бағрига босиб, унсиз-унсиз йиғлади. Тескари қараб, кўзларини енги билан артиб, жойига қайтиб ўтирди.

Паҳлавон Даҳо отасининг бошига борди. Чўккалаб ўтириб, отасининг пажмурда юзларига тикилди. Отаси энди аввалги чайир юзли сержант Орзиқулов эмас, кўзлари, жағлари ичига чўкиб ётибди. Юзлари бир парча, бошлари гўдакнинг бошларида майдагина.

Сержант Орзиқулов кўзини очмади. Паҳлавон Даҳо отасидан кўз узмай ҳол-аҳвол сўради:

— Қалай, пахаң, ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?

Сержант Орзиқуловдан садо чиқмади. Шунда, онаси ора кирди:

— Ай, отаси, уллингиз келди. Сиздан кўнгил сўраяпти, эшитяпсизми?

Шунда сержант Орзиқулов кўзини очди. Бошида ўғлини кўриб, билинар-билинмас бош ирғади. Қўлини кўрпа остидан ола олди, аммо кўтара олмади. Гилам узра силжитиб-силжитиб ўғли тарафга олиб борди.

— Турсунқул, отанг кўришаман, деб қўл чўзяпти, ол қўлларини.

Паҳлавон Даҳо отасининг гиламда ётган қўлини ушлади. Ушлади-ю, эти увишиб кетди. Сесканиб, отасининг жонсиз қўлини қўйиб юборди. Назарида, қурбақа ўлигини чанглаб олиб, яна қўйиб юборгандай бўлди. Юраги дук-дук уриб, аъзойи бадани қизиди. Қўллари қалтиради. Бўғзидан нимадир, нимадир отилиб чиқай-чиқай деди. Бир амаллаб, зўрга қўзғалди. Ўйдан отилиб чиқди. Айвонда ўтирганларга қарамади. Бир калишни оёғига илиб-илмай, ташқарига отилди. Қоронғида тўхтаб, энтикиб-энтикиб нафас олди. Қаерга ўтиришини билмай, тирсаги билан қайрағоч танасига суюнди. Бўлмади, ўзига-ўзи оғирлик қилди. Яна юриб, тутга суюнди. Пешонасини тут танасига қўйиб, кўзларини юмди. Бадани қизиб, пешонасидан тер чиқди.

Очиқ деразадан онаси овоз берди:

— Ай, Турсунқул-ув, қаердасан, отанг чақиряпти.

Паҳлавон Даҳо пешонасини қўли орқаси билан артиб, ичкарилади.

— Отанг, Турсунқул улим оёғимни уқаласин, деяпти. Үқала, улим, уқала.

Даҳо бош ирғаб, чўк тушди. Кўрпа остига қўлини тиқиб пайпаслаб, отасининг оёқларини топди. Яна эзилди. Шундай пишиқ танали отаси қоқсуяк бўлибди-қолибди.

Паҳлавон Даҳо бошини эгиб, отасининг оёқлари ни оҳиста-оҳиста, авайлаб уқалай бошлади. Бақувват қўллар муолажаси танасига дармон бўлди шекилли, хиёл ўтиб, отаси кўзларини очди. Оёқлари тарафда чўккалаб ўтирган ўғлига қаради. Ўғлига нимадир демоқчи бўлди. Аммо томонига бир нима тиқилиб, овози ичига тушиб кетди. Зўр бериб оғиз жуфтлади. Яна бўлмади. Кампирни оғзига сув томизди. Сержант Орзиқулов билинар-билинмас «қилт» этиб ютинди, Қўз-

ларини юмиб очди. Яна гапиришга чоғланди. Бироқ яна лаблари қимирлади-ю, овози чиқмади.

Одам овози оғир, зилдай оғир!

Сержант Орзиқулов овозини кўксидан кўтариб ололмай, чироқ теграсида айланаётган капалакка термилиб қолди.

Онаси чўзилиб, дераза пардасини сурисб қўйди. Отаси деразага қаради. Осмоннинг таги тобора оқарб келаяти. Хўроzlар қичқириб, бузоқлар маъраяпти...

Отаси жонланди. Юзлари хиёл ёришиб, эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Пода вақти бўлди шекилли...

Сержант Орзиқулов ўғлига термилди. Ёлғиз ўғли қишлоқдан, ота бағридан чиқиб кетганига кўп бўлди. Фарзанд шу-да. Аввал отасининг ўғли бўлади. Эсини таниб, қўлидан иш келадиган бўлгач, элнинг ўғли бўлади, юртнинг ўғли бўлади. Эл-юрт ташвишлары билан юради. Ўғли ўжар, чарс бўлиб ўси. Мана, капкатта одам бўлди. Кимсан... нима эди, ҳа-ҳа, кимсан, шоири замон Паҳлавон Даҳо. Иш буюрса гапни олармикин? Шоир одам, тағин, йўқ, дея қўл силтаса-я. Шундай бўлсаям бир айтиб кўрсин-чи, нима деркин. Фарзандга иш буюришнинг оталик гашти бўлади. Ким билади, балки сўнгги марта иш буюришидир...

— Турсунқул улим, молларни подага ҳайдасанг бўларди.

Паҳлавон Даҳо отаси ўзига келиб, тилга кирганини кўриб, кўнгли бирёқли бўлди. Хўп, дея бош иргаб, устига кўрнани яхшилаб ёпди.

## XXXVI

Даҳо оғилхона тарафга юрди. Ёғоч панжарали дарича олдига келди. Дарича олдида чўнқайиб ўтириб докадан сут ўтказаётган холасини кўрди. Дарича қиррасига қўлинни қўйиб, оғилхонага қаради.

Димоғи энди соғилган сут ҳидини туйди.

Кетидан онаси келди. Холасининг қўлидан докадан ўтган сутни олиб, деди:

— Ҳа-а, дарров соғиб бўлдингизми? Айланайин-да сиздан.

— Анави ола говмишингиз мол эмас экан, яқинпга йўлатмади.

— Айтдим-ку сизга, бирорини согсангиз бўлади

деб. Ола говмиш подага қўшилмайди, бирдай уйда ётади. Шунинг учун одам ёввойи бўлиб қолган. Мендан бошқани яқинига йўлатмайди. Турсунқул улим-а, холанг айтган анави ола говмишни қолдир-да, мана-ви холанг соққанини подага қўшиб кел. Ола говмишни ҳали ўзим соғиб оларман.

Паҳлавон Даҳо зулфинни кўтариб, даричани очди. Оғилхонага ўтди. Теваракка аланглаб, хивич излади. Шунда, бостирма бурчагида ётган таёққа кўзи тушли. Таёқни олиб, кўзларига яқин олиб келди. Отасининг заранг таёфи! Бурчакда ётавериб чанг босганидан заранглигиям билинмай қолибди.

Даҳо заранг таёқнинг чангини кафтлари билан сидириб ташлади. Кейин, кафтларини бир-бирига уриб қоқди. Заранг таёққа суюниб, пешонасини қўллари устига қўйди. Шоири замон аросатда қолди: у подага мол ҳайдайдими? Шоир Паҳлавон Даҳо-я? Кўрганлар нима дейди? Паҳлавон Даҳо ким деган одам бўлади?..

Дарича ғийқиллаб очилди. Паҳлавон Даҳо бошини кўтариб қараб, жиянини кўрди. Жияни тоғасининг подага мол ҳайдашига кўзи етмаган шекилли, ўзи келиб бузоқни нўхтасидан тортиб устунга боғлади. Кўча эшикни очиб келди. Молнинг ипини ечди. Заранг таёққа қўл узатди. Паҳлавон Даҳо таёқни бермади. Ургимчак ин қўйған ёғоч кўзига тикилиб, ўйлаб қолди... Ё, жиянинг таёқни берсамикин? Отаси билиб ўтирибдими... Йўқ, йўқ...

— Йўқ, ўзим бораман. Пахан... йўқ, отам айтди.

Паҳлавон Даҳо кўча эшикка қараб кетаётган молга эргашди. Во ажаб, таёқни қандай ушлар эди? Отаси қандай ушлар эди? Эслай олмади. Заранг таёқни ерга судраб кўрди. Эп бўлмади. Худди кетмон кўтаргандай елкасига қўйиб, бир учидан қўшқўллаб ушлади. Елкаси оша таёқнинг орқа учига қаради. Буям бўлмади. Таёқни худди папкадай қўлтиғига қисди. Шуниси қулайдай туюлди.

Имиллаб, мол кетидан кетди. Қадамидан енгил чанг кўтарилди.

Ердан сув сепилган тупроқ ҳиди келди.

Паҳлавон Даҳо қишлоқ этагидаги теварагига тош қалаб ўралган подаётоққа келди. Бир четда тўдалашиб, нима ҳақдадир тортишаётган одамларни кўрди. Даҳо изига қайрилди. Шунда, одамлар уни кўриб қолиб, шу ёққа қараб юрди.

## XXXVII

Паҳлағон Даҳо, довдираб, қўлтиғидаги таёқни орқасига яширди. Юзлари ловуллаб қизарив, серрайиб қолди.

Олдинда келаётган одам кескин қўл силтаб айтди:

— Боқмайман дедимми, боқмайман!

— Ахир, ўзимиз келишган эдик-ку, сержант Орзинқулов оёққа тургунча навбат билан боқамиз деб. Ганиларингда туринглар-да, энди!

— Қосим, садағанг кетай, бугун сен боқ.

— Тунов куни ишга бормай пода боққаним учун бригадир бир куилик иш ҳақимни қирқиб ташлади, бўлди-да.

— Хўш, нима гап?— ийманиб сўради Даҳо.

— Э, сиз сўраманг, биз айтмайлик.

— Отангизнинг бошлари ёстиққа теккандан буён кунимиз шу. Ҳозирнинг ўзидаёқ йигирмадан ошиқ одам молини бозорга сотиб келди.

— Жонига теккандан кейин шу-да.

— Анави Содиқов муаллим навбати келганда пода боқишига ор қилиб, сигирини сўйиб сотди.

— Тўғри-да, дипломи бўп туриб пода боқадими!

— Яхшими-ёмонми бир усталнинг эгаси.

— Узи замон бирор устални эгаллаганники бўп қолди.

— Усталлар жуда кўпайнб кетди...

Даҳонинг кўнглига гап сиғмади. Тезроқ изига қайтгиси келди.

— Раисга боринглар, раисга,— деди.

— Э, раисга неча марта айтдик, подачи тайинланг деб. Раис ҳатто одамлардан йифиладиган пулдан бошқа ойлик ҳам белгилади. Ҳеч ким рози бўлмаяпти-да. Ўзингиз биласиз, зўрлаб ишлатишни замон кўтармайди.

— Раис ҳалиги Жонибек калга айтган экан, у, бир камим энди молга эргашиб юришми, депти.

— Ортиқ соқовга айтса, у қўлини мана бундай қилиб кўрсатиб, мен трактор ҳайдайман, депти.

— Хўп, подани қаерда боқасан? Теварак-бошинг пахта, иморат...

— Ҳақиқатдан ҳам бир қарич бўш ер қолмабди-я.

— Даланинг четлари-чи?

— Пахта ҳашаротига қарши дёри сепилган, молингдан ажрамоқчи бўлсанг боқ...

- Яххиси, подани тарқатиб юбора қолайлик.
  - Э, оғзингга тош-е...
  - Яххиси, бундай қилайлик. Мана, ҳаммамизнинг улимиз бор, бирортасининг бўйнига қўяйлик, тамом.
  - Э, улар ойни кўзлаб турибди.
  - Менинг улим файласуф бўлмоқчи. Манави Жўравойнинг ули боқмаса.
  - Улимни ҳозир Тошкентдан топасиз, у прокурорликка ҳужжат топширгани кетди.
  - Менинг улим, ҳеч бўлмаса ошпазликка ўқийман деб юрибди.
  - Холиқбой, кенжангиз икки йилдан буён ўқишга киролмай келяпти, шуни бир алдаб кўринг.
  - Энагарга айтдим, кўнмаяпти-да. Подачи бўлса, қизлар қарамас эмиш.
  - Вах-ха-ха, шундай дейдими? Тўғри-да, ҳозир диплом бўлмаса қизлар қарамайди.
  - Э, билмай қолдим бу фарзандларни. Мактабни битиради-ю, чамадон кўтариб шаҳарга жўнайди.
  - Уларни қўйинг, менинг бир ўғлим, ҳали иштон кийгани йўқ, космонавт бўламан, дейди.
  - Ха-ха-ха, шу, космосда ҳам пода бормикин?
  - Э-э, бўлган билан бу фарзандлар боқмайди.
- Уша ёқда ҳам бирор креслони олади.

Паҳлавон Даҳо гангиг қолди. Фала-ғовурдан киши билмас суғурилди. Кўзларига, қулоқларига ишонмай, кетига қараб-қараб жўнади. «Нима бўляпти ўзи? Шу ўзимизнинг қишлоқми ё бошқа ерми?»

## XXXVIII

Оlam осмонранг бўлди. Tonг еллари мушк-анбар таратди.

Даҳо оstonада серрайиб қолди. Lanг очиқ дарвовага қараб, нима қилишини билмади. Ичкари кирайин деса, отасини кўриб кўнгли бузилса, изига қайтайин деса, қайтиб қаёққа боради?

Даҳо ўйлаб-ўйлаб ичкарилади. Дарвозани ичкаридан занжирлади. Ола ғовмишнинг охурига оёғини қўйиб, деворга чиқди. Tўрт оёқлаб ўрмалаб бостирмаға ўтди. Бостирмада юрган бабақ хўроz қоқоқлаб, ерга учди. Даҳо чўчиб, хўроzнинг кетидан ўқрайиб қаради. Синиқ қутига омонат ўтириди. Тиззаларини қу-

чоқлаб, кўзларини юмди. Бадани қизиб, ўзини беихтиёр ҳаммомнинг буғхонасида ўтиргандай ҳис этди. Майнин ҳавони ҳаммомнинг буғи деб тасаввур этди. Қўлларини ёnlарига ёйиб-ёйиб, энтикиб-энтикиб нафас олди. Оёқ-қўлларини уқалади. Узича, гўё оёқ-қўлларини муолажа қилди. Кўкрагини соат қопқоғи бўйлаб оҳиста силади, бармоқларини ботириб-ботириб уқалади. Узича, гўё кўкрагини муолажа қилди. Бошидан сув қуйиб юбормоқчи бўлиб, ён-верини пайпаслади. Аммо қўлларига тогора илашмади. Ажабланиб, кўзларини очди...

Даҳо энтиқди. Кўнгли янада кенгликни қўмсади, кўнгли янада юксакни қўмсади. Ўгирилиб, кетига қаради. Отаси бостирма устининг ярмига синч том қуриб қўйибди. Том устига хашак ғарамлаб ташлаган. Синч том икки қаватли уйга келбат беради. Даҳо томга қараб, устидаги ғарамга чиққиси келди. Аммо қандай қилиб чиқиши билмади. Пастга қараб, бостирмаға тираб қўйилган нарвонни кўрди. Узалиб, нарвонни бостирма устига тортиб олди. Синч томга тираб, босиб-босиб кўрди. Нарвонни қўшқўллаб ушлаб, юқорилади. Иккинчи қаватга кўтарилиб, теваракка қаради. Синч том усти юксак, шамолгоҳ экан.

Даҳо ғарамга ўрмалади. Шунда чап оёғини бир нима тортиб қолди. Даҳо интилди, аммо оёғини тортиб ололмади. Авайлаб энкайиб, оёғига қаради. Қараса, шими пойчаси нарвон михига илашибди. Даҳо ғарамни қучоқлаб, оёғини силкиди, қоқди. Бўлмади. Зардаси қайнаб, т-фу, дея нарвонни бир тепди. Нарвон бостирма устига, ундан ерга тарақлаб тушди.

Товуқлар қоқоқлади, бурчакдаги Олапар вовуллади.

Даҳо ерга энгашиб қараб, қўл силтади: «Улиб кетмайдими. Юқори кўтарилиб олдим, бўлди-да».

Чалқанча узалиб, оёқ-қўлларини кенг ёйди. Кўзларини юмиб, уф, деди.

Ердан онасининг овози эшитилди:

— Ҳа-а, тарақлаган нима экан десам, нарвон ағнаб кетибди-да. Э-э, эсим қурсин, говмиш соғувсиз қолибди-ку...

Даҳо нафасини ростлаб, ёнбошлади. Атрофга аланглади. Қишлоқ кафтдагидай кўринди. Қишлоқда қўй-эчкилар маъради. Моллар мўнгради, хўроздлар қичқирди, отлар кишинади.

## XXXIX

Тонг ёниб кетди.

Ердаги дарича ғийқиллаб очилди. Даҳо энгашиб қараб, онасини кўрди. Онаси қўлидаги кадини дарича панжарасига тўнтариб қўйди. Қозиқдаги бузоқни қўйиб юборди. Бузоқ иргишлаб ўйнаб бориб, говмишнинг елининга ёнишди. Тиззалаб, говмишининг тирсиллаб турган елинини шўрпиллатиб-шўрпиллатиб тортди. Говмиш бузогини ялаб-юлқади.

Онаси вақт-вақти билан бузоқни нўхтасидан тортиб, сутдан айириб турди. Яна қозиқقا қантарди. Панжарадаги кадини олиб, говмиш ёнига чўнқайди. Говмиш бекасининг дока рўмолини исказб-исказб кўрди. Бекаси говмишнинг елинини кафтларига олиб силади. Елинини ерга қаратиб, бир-икки тортди. Елиндан тизиллаб сут отилди. Говмиш безовта бўлиб, бекасини думи билан урди.

— Бош-бош, жонивор, бош дейман! Бўлмаса подага қўшиб келаман!

Онаси аввал-аввал димоғида, кейин-кейин дона-дона сўзлар айтиб, говмишини соғиб бошлиди:

Измолида ўтинг бор,  
Оқар булоқ сутинг бор,  
Отли молим, хўш-хўш,  
Зотли молим, хўш-хўш!

Онасининг орнқ бармоқлари говмишнинг елинини чўзиб-чўзиб тортди. Қадига тизиллаб тушаётган оппоқ сут садо берди: повв-повв-повв...

Сени ҳайдаб боқайин,  
Кўзтуморлар тақайин,  
Тарғил молим, хўш-хўш,  
Говмиш молим, хўш-хўш.

Онаси говмишини қўшиқقا солди, говмишини ол-қишилади, говмишини суйиб-суйиб куйлади, тўлиб-тўлиб куйлади:

Хўш-хўш дейман, олабош  
Кўзинг ўtkir, қалам қош.  
Қалам қошинг сузилсан,  
Сутинг ерга сизилсан.

Говмиш вазмин-вазмин кавш қайтарди, қуралай кўзлари мудради. Елинидан қуюқ, оплоқ сут янада тизиллаб оқди: повв-повв-повв...

Зотдор ола сутинг бор,  
Қозон-қозон сутинг бор.

Говмишим, сен рўзгоримизнинг ободи, болаларимизнинг ризқ-рўзисан. Болаларимиз уйқудан турса, албатта ўзимиз эмизами. Лекин болаларимиз бари бир сенинг сутингни сўрайди, говмишим. Сенинг сутинг бизнинг сутимиздан ҳам мазали, тўйимлида, говмишим. Майли, бизнинг сутимиз қуриб қолса қолсин, аммо сенинг сутинг қуриб қолмасин, говмишим. Ий говмишим, ий!..

Қуралай кўз хоҳишими  
Туёқлари кумушими.

Говмишим, биламан, сенга қийин. Узун кун сут йигасан. Уни биз соғиб оламиз, қолганини бузогинг эмади. Ўзингга бўлса ҳеч нима қолмайди. Начора, сен одамзоднинг ризқ-рўзи учун бино бўлгансан, говмишим. Ий говмишим, ий!..

Жонивор, мени кўргин  
Кавш қайтар, жим тургин.  
Хурмаларни тўлдириб  
Ийиб сутингни бергин.

Говмишим, болаларимиз кўкракларимизни ҳадеб эзфилаб тортаверса, бизга малол келади. Бўлмаса ўз боламиш-а, пуштикамаримиз-а! Сенинг елинингни бўлса ҳам биз сўрамиз, ҳам бузогинг сўради. Сенга малол келмайди, говмишим. Қуллуқ сенга, говмишим, қуллуқ.

Мана, тирсиллаб турган елининг сўлиб қолди. Елинларингни тортқилайвериб, қўлларим толди. Бузогинг тамшаниб, сенга талпинаяпти. Сен безовтасан, сен алағдасан. Ий говмишим, ий!..

Кадимни тўлдиарман,  
Болангни кулдиарман.  
Олаймагин, жонивор,  
Болангга қолдиарман...

Қўшиқ қўшиқда, сут сугда қолди.  
Үй тарафдан жонҳолат овоз келди:  
— Ойхол, чоп, Ойхол!  
Онаси кадини кўтариб ҳадаҳалади.

Даҳо қўшиқдан караҳт бўлди. Қўзларини юмиб ётиб-ётиб, бирдан ўзини... ўлик фаҳмлади. Қимир этмай, хаёлан жонини излади. Аммо жонини тополмади. Ич-ичидан ҳайрон бўлиб, қўзларини ярим очди. Зангори оламни, қирмиз рангни кўрди. «Анави зангори олам — ложувард осмон, қирмиз ранг — қуёш нурлари. Демак, ўлмабман экан. Ўлган одам кўрмайди, дунёни ҳис қилмайди».

У қўлларини, кўкракларини, бошини ушлаб кўрди. «Мана, бошим ҳам жойида турибди, фикрлаяпти. Йўқ, ўлмабман. Ўлган одамнинг боши фикрлай олмайди».

Уйдан йифи келди. Йифи кўпайган сайин кўпайиб, авж олган сайин авж олди. Уйни йифи босди, ҳовлини йифи босди.

Даҳо ўзига келди. Сапчиб ўтириб, олазарак бўлди. Ҳашакни қучоқлаб, чўзилди. Авайлаб, ўнг оёғини қўшиқ айтилган ерга узатди. Оёғи ерга етмади. Ер олис, сут қўшиғи олис!

Оёғини ён-ёқларига саланглатди. Оёғи ерни тополмади. Ер йўқ, сут қўшиғи йўқ!

Ҳафсаласи пир бўлиб, шеър ёзиб бошлагандан буён интилиб келган, талпиниб келган осмонга қаради. Осмон олис, ердан-да олис!

Сўнг, келиб-келиб ишонган ишончиғига, суюнган суюнчиғига, таянган таянчиғига разм солди. Бир ғарам ҳашак, хас-чўп!

Даҳо алам билан ерни энди қўшоёқлаб излади. Бўлмади, бўлмади! Оёқлари ерни тополмади, сут қўшиғини тополмади!

Паҳлавон Даҳо муаллақ қолди.

1986

## Мундарижа

Давра	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	3
Кўшиқ	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	.	71

**На узбекском языке**

**Тагай Мурад  
ПЕСНЯ ЖИЗНИ**

**ПОВЕСТИ**

**Тақризчи Сафо Матжонов**

**Редактор С. Облоқулов**

**Рассом К. Кузбагарова**

**Расмлар редактори А. Мамажонов**

**Техн. редактор Р. Рахматуллина**

**Корректор У. Сайдуллаев**

**ИБ № 3506**

Босмахонага берилди 11.03.87. Босишга рухсат этилди 26.05.87.  
Р 03611. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қодози № 2. Адабий  
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 7,56. Шартли кр.-оттиск.  
7,77. Нашр л. 7,66. Тиражи 60000. Заказ № 660. Баҳоси 50 т.  
Шартнома № I—87.

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навоий кӯчаси 30.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат  
Қизил Байроқ орденли босмахонаси, ГСП, Тошкент, Ленин кӯчаси, 41.**